



МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ

Миллатнинг ягона этнососоциал бирлик сифатида мавжуд бўлиши, эркин ва озод ривожланиши бир қатор омилларга боғлиқ. Мафкура ва миллий ўз-ўзини англаш ана шу омиллар ичида алоҳида ҳамда шубҳасиз катта ўринни эгаллайди. Айни пайтда мафкура ва миллий ўз-ўзини англаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам таъкидлаш зарур. Ана шу боғлиқлик уларнинг миллий ҳаётдаги ўрини, миллий тараққиётга таъсирининг кўлами ва хусусиятларини белгилаб беради.

Тарихга назар ташлар эканмиз, миллат мафкураси сифатида моҳиятан хилма-хил бўлган мафкуралар ҳаётга турлича таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, фашистик мафкуранинг немис миллати мафкурасига айланиши нафақат ушбу халқ, балки бутун инсоният тақдирида ўта фожиали из қолдириди. Ёки синфий адоват мафкурасининг чор Россияси доирасида ҳукмрон мавқега эгаллик қилишга бўлган интилишини олайлик. Бундай интилиш жамиятнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига олиб келди, уни фуқаролар урушига гирифтор қилди.

Бу каби мисолларни кўйлаб келтириш мумкин. Аммо, бир нарса аниқ: бундай мафкуралар бўш жойда, ўз-ўзидан шаклланимаган. Уларнинг тарих саҳнасига чиқиши миллатнинг ўзлигини англашининг зиддиятли кечиши, унда муайян тенденцияларнинг устуворлиги билан белгиланса, ҳукмрон мавқега эга бўлиши миллатнинг айрим қатламлари томонидан очикдан-очик қўллаб-қувватланиши, айримлари томонидан эса хайрихоҳлик билан қабул қилинишининг табиий оқибати ҳисобланади.

Миллат мафкураси даражасига кўтарилган бундай мафкуралар ҳақида гап кетар экан, уларга бир қатор хусусиятлар хос эканлигини таъкидлаш зарур.

Биринчидан, бундай мафкура тарафдорларининг ўз қарашларини миллий онгга сингдириш йўлида ҳар қандай усуллар ва воситалардан тап тортмаслиги;

Иккинчидан, зўрлик, куч ишлатишга асосланганлик, алдов, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, халқнинг адолатли тузумни қарор топтиришга бўлган орзу-умидларидан ўз мақсадларида фойдаланишга интилиш, ҳар хил ёлгон-яшиқ, жозибатор қақриқларга бойлик;

Учинчидан, дохийпарастлик, муайян шахсларни худо даражасига кўтаршлик, шахсга сиғинишнинг мавжудлиги;

Тўртинчидан, фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг устуворлиги, белгилаб қўйилган ва ақида даражасига кўтарилган мафкуравий кўрсатмалардан ташқарига чиқишнинг қатъий жазоланиши...

Яна бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозим. Бундай мафкуралар ҳукмронлиги ҳамиша тоталитар жамиятнинг шаклланиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини узлуксиз ва хилма-хил воситалар билан назорат қилиниши учун йўл очади ҳамда миллий тараққиётга ўта салбий таъсир кўрсатади.

Табиийки, бундай мафкура ҳукмронлиги миллий ўз-ўзини англашнинг ўзига хос ривожланишини ҳам келтириб чиқаради. Бу ўзига хослик бир томондан, миллий ўз-ўзини англашда мавжуд ижтимоий тузумни энг одил-адолатли, рўй берган-бераётган салбий ҳодиса, жараёнларни эса ўткинчи, вақтинчалик, деб баҳолашнинг; иккинчи томондан, ўзгача турмуш тарзи, қарашларни қабул қила олмаслик, тушунолмаслик, тушунишни истамаслик, инкор этишлик, бошқача айтганда, конфронтация руҳининг устуворлигида намоён бўлади. Айни пайтда, бундай вазиятда мутелик, ижтимоий-сиёсий пасивлик, лоқайдлик кайфиятлари ҳам кенг ривож топишини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, баён этилган мулоҳазалардан битта хулоса келиб чиқади.

Қандай сабабларга кўра чикмасин, қанча вақт ҳукмрон мавқега эга бўлмасин ўз мазмунига кўра ғайриинсоний бўлган, охир-оқибатда миллий ҳаётда ўта салбий из қолдирадиган юқоридаги бир ёқлама мафкура кўринишлари миллатнинг этнососоциал бирлик сифатидаги моҳиятига бутунлай зиддир.

Чунки, ҳар қандай миллат ўзга миллатлар ҳам мавжуд бўлган тақдирдагина ўзининг моҳиятини, ўзлигини, ўзига ўхшаганлар ичида ноёб ва бетакрорлигини намоён қила олади.

Шунингдек, миллат ички социал тотувлик бўлган пайтдагина яхлит бирлик, ягона организм сифатида мавжуд бўла олади.

Шундай экан, бир ёқламаликка - миллий, диний синфий ёки бошқа кўринишдаги адоватга асосланган мафкуралар миллат мафкураси даражасига кўтарилганда (тўғрироғи миллат шунга мажбур қилинганда) ҳам улар миллий мафкура деб аталиши мумкин эмас. **Зеро, миллий мафкура миллий ҳаётни уюштиришга, миллатни бирлаштиришга, унинг истиқболини таъминлашга, бир сўз билан айтганда, миллатнинг миллат сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишига хизмат қилишига қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизимидир.**

Миллий мафкуранинг моҳиятини ана шу тартибда тушунишдан келиб чиқадиган бўлсақ, «Уни ишлаб чиқиш зарурияти миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланишидаги қандай хусусиятлар билан белгиланади? Миллий мафкура миллий ўз-ўзини англашнинг бундан буёнги ривожланишига қандай таъсир қилади?» деган бир-бири билан узвий боғлиқ саволлар туғилиши табиий, албатта.

Аввало, миллий мафкурани ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги масаланинг қўйилиши ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишининг ўзиёқ миллий ўз-ўзини англашда янги ғоявий-назарий қарашлар тизимига бўлган эҳтиёжнинг етилганлигидан далолат бериб турибди. Бу эҳтиёж бизнингча, бир томондан, миллий бирлигимиз, жипслигимиз, истиқболимиз йўлидаги энг катта ғов ҳисобланмиш маҳаллийчилик, уруғ-

аймоқчилик деб аталадиган иллатларнинг мавжудлиги ва иккинчи томондан, истибод даври асоратлари, куллик ва мутелик кайфиятларининг онгимизда тафаккуримизда сақланиб қолаётганлиги сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўллариини ишлаб чиқишдек икки энг муҳим, энг асосий вазифани ҳал этиш зарурати билан белгиланади.

Айни пайтда миллий мафқураини ишлаб чиқиш зарурияти миллий ўз-ўзини англашнинг юксалишига қарши қаратилган мафқуравий таҳдидларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланишини қайд қилиш лозим.

Президентимиз атрофлича таҳлил этган бундай мафқуравий таҳдидларнинг миллий ўз-ўзини англаш ривожланишига салбий таъсири нимада кўринади? Муслмон халифалигини тиклашга, ўзбек деган алоҳида миллатнинг йўқлигини асослашга қаратилган қарашлар айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймасликка қаратилганлиги шубҳасиз. Биринчи гуруҳдаги кучлар ислом динига эътиқод қилишимизга, иккинчи гуруҳдагилар эса туркий халқлар вакили эканлигимизга алоҳида урғу берадилар. Бундай кучлар ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини тан олмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, тан олиш ёки олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай ғайриилмий қарашларини кишиларимиз, асосан ёшларимиз онгига синдиришга ҳаракат қилаётганликларини асло унутмаслик лозим.

Президентимиз қайд этган учинчи таҳдид ҳам узоқ вақт давомида бир Иттифок - империя доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқлик юзага келганлигини мутлақлаштиришга асосланган. Аммо, И.А.Каримов ўринли таъкидлаганларидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, ягона совет халқини шакллантиришга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилиш этганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Миллий мафқураимиз олдида турган вазифалар ўз-ўзини англашнинг тўлақонли ривожланишига тўсик бўладиган юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш билан чекланмаслиги табиий, албатта **«Биз»**, - деб ёзади И.А.Каримов, - **кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафакқурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз»**. (Бу ва бундан кейинги манбаи кўрсатилмаган кўчирмалар И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларидан олинди. - Муаллиф).

Шундай экан миллий мафқураимиз миллий ўз-ўзини англашни қандай йўналишларда янгича мазмун билан бойишига хизмат қилоғи лозим? Бошқача айтганда, миллий ўз-ўзини англашда қандай қарашлар, тасаввурлар, туйғулар ҳукмрон бўлоғи керак?

Бизнингча, энг аввало, мавжуд иқтисодий кийинчиликларнинг ўткинчи ҳолат эканлигини англаш, мулк хилма-хиллигининг юзага келишини эса фуқароларнинг ажралмас табиий ҳуқуқларининг қарор топиши ва иқтисодий тараққиётни, демакки миллат истиқболини белгилашнинг пойдевори сифатида тушуниш миллий ўз-ўзини англашда ҳукмрон мавқега эга бўлоғи лозим.

«Ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик,

маъмурий ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири қўрқинчли туш каби ҳамон хотирамиздан ўчмай келади», - деб ёзади И.А.Каримов.

Бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун эса фуқароларимиз онгида, демакки миллий ўз-ўзини англашда демократик принциплар, қонуннинг ҳамма жойда ва барча соҳаларда шубҳасиз устуворлигини таъминлашга интилиш туйғусини шакллантириш лозим. Айни пайтда миллий ўз-ўзини англашда бундай туйғуларнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши мавжуд муаммоларни одилона ҳал қилиш, уларни ечишнинг оқилона йўллариини ишлаб чиқишнинг кафолати сифатида, миллатнинг яратувчилик салоҳияти тўлақонли намоён бўлишига хизмат қилади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг янгича мазмун билан бойиши маънавиятимиз сарчашмаларига бўлган муносабатни ўзгартирмай содир бўлиши мумкин эмас. Зеро, узоқ вақт эътибор бермай келган кадриятларимизни кишиларимиз маънавий дунёсининг таркибий қисмига айлантirmoқлик бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, ўзлигимизни сақлаб қолиш ва мутараққий миллатлар қаторига кўшилишимизнинг кафолатидир.

Бу жараёнда умуман миллий тарихимизга нисбатан ҳолисона баҳонинг устуворлиғига эришиш ниҳоятда муҳимдир. Зеро, **«Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолиси ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутати»**. (И.А.Каримов. *Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*. Т., "Ўзбекистон", 1997, 140-бет).

Миллий ўз-ўзини англашда устувор бўлиши лозим бўлган қарашлар ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш зарур. Турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиш ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келвермас экан **социал масъулият**, яъни миллат бирлиги, жипслиги, тақдирга дахлдорлик туйғусининг миллий ўз-ўзини англашда ҳукмронлиғига эришиш қатга аҳамиятга эгадир. Ана шу руҳ ҳукмрон бўлган пайтдагина ижтимоий конфликтларнинг олди олинади, социал ҳамкорлик, фуқаролар ризозлиги таъминланади.

Айни пайтда, мамлакатимиз кўп миллатли экан, асосий миллат сифатида миллий ўзлигимизни англашимизда юртимиз фуқаролар ҳисобланмиш ўзга эл ва элатлар вакилларига чуқур ҳурмат, уларнинг ўзлигини, кадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга маънавий-ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий жавобгарлик, бир сўз билан айтганда **миллий масъулият** туйғусини тарбиялаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ана шундагина миллатлараро тотувлик, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлади.

Албатта, миллий ўз-ўзини англашда бундай қарашлар, тасаввурлар, туйғуларнинг мутлақ устуворлиги аниқ йўналтирилган ва тадрижий равишда амалга ошириладиган мафқуравий тарбия ёрдамидагина эришиш мумкин. Аммо, бир нарса аниқ: ана шу устуворликка эришган тақдиримиздагина истиқболимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, буюк истиқболимизни таъминлаш мумкин бўлади.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Улугбек ИДИРОВ

Мамлакатимизда адолатли демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифалари миллий равнақимизнинг бош асоси сифатида қабул қилинган. Бугунги кунга келиб республикамиз демократик тараққиётида ниҳоятда қисқа вақт ичида юқори натижаларга эришилди. Биз катта бир босқични босиб ўтдик деб айтиш учун асослар бор.

Давлатимиз тараққиётининг бугунги хусусиятларини ҳисобга олганда демократик ислохотларни сифат жиҳатидан янги асосда ва кўламда олиб бориш давримизнинг бош вазифасидир. Бу ўринда мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини кенг қамровли равишда амалга ошириш демократик ислохотларимиз янги босқичининг мазмунини ташкил қилади.

Кучли давлатдан -кучли жамиятга ғоясининг **МОҲИЯТИ** демократиянинг энг талабчан тамойиллари ва мезонларининг яхлит ҳолатдаги ифодасидир. Мазкур ғоянинг амалга оширилиши мамлакатларни тамомила янги поғонага олиб чиқишни назарда тутди. Бунинг асосида давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик ва жамият манфаатларининг устуворлиги ҳолати ётади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ижобий натижаси пировардида кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мана шундай тараққиёти талабларига мос келадиган даражада ўрнатилишига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларнинг, жумладан, сиёсий ислохотларнинг ҳам кўзланган ютуқларга эришуви, мазкур ислохотларни жамият аъзолари томонидан фаол равишдаги қўллаб қувватлашлари орқали юз беради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, жамиятда

демократик жараённинг чуқурлашуви учун асосий манбалар ана шу жамият ичида мужассамлангандир.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда мазкур маласани тўғри тушуниб етиш, юракдан ўтказиш вазифаси жамиятимиз ҳар бир аъзоси учун англанган заруратга айланмоғи керак. Кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини нафақат чуқур англаб етиш, балки уни амалга оширишда фаол бўлиш барчамиз учун кундалик заруратга айланмоғи лозим.

Эндиликда демократик тараққиётимизнинг истиқболлари ҳал қилинаётган бир пайтда мазкур тараққиёт олдида кўндаланг бўлиб турган муаммоларга баҳо беришда, уларни ҳал қилиш жараёнида ҳам масалага юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёндошилса, тўғри бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, **Б У Г У Н** жамиятимизда ечимини кутаётган бир қанча долзарб муаммолар ва вазифалар борлиги намоён бўлмоқда. Аввало демократик тараққиётимиз ҳуқуқий кафолати ва манбаи бўлган Конституциямиз ғояларининг жамиятимизга чуқур сингиб бориши ва жамиятимиз аъзоларининг фаоллик билан конституцион ҳуқуқларидан ва имкониятларидан демократик жараёнларни тезлаштириш учун фойдаланишларида сусткашлик ҳолати жиддий қусуримиздир.

Эндиликда жамиятимиз аъзоларининг ўз тафаккурларидаги алақачон умри тугаган эски тузум сарқитларидан батамом холи бўлишлари ва замон билан ҳамнафас бўлишлари давримизнинг энг катта талабидир. Бу ўринда сусткашлик қилиш не-не машаққатлар эвазига эришилган ютуқларимизни ҳам хавф остида қолдириши мумкин

Назаримда, бир пайтлар ҳукм сурган тоталитар тузумнинг оқибатинигина эмас, балки унинг моҳиятини ҳам тушуниб етишимиз зарур. Ана шунда мазкур

МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК

тузумнинг иллатларига қарши курашишимиз жараёнлари осонроқ кечади. Маълумки, совет империяси даврида ҳукм сурган тоталитаризм тарихда бошқа мамлакатларда бўлгани каби оддий тоталитар тузум эмас эди. Балки у ўзининг бутун жиҳатлари билан мураккаб кўринишга эга бўлган мустамлака тоталитаризми эди.

Мустамлака тоталитаризми халқларни асоратга солишнинг энг мукамал тизими сифатида намоён бўлди. Мустамлака сиёсати миллий камситиш, тутқунликда сақлаб туриш, миллатимизнинг ҳар қандай ўз-ўзини англашга бўлган, мустақилликка бўлган интилишларини зўравонлик билан бостириш вазифасини бажаришга ҳаракат қилган бўлса, мустамлака тоталитаризмининг тоталитаризм бўлаги эса, миллатимизнинг ҳар бир аъзосини энг оддий фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам усталик билан маҳрум қилишга интилди.

Маълумки, эски тузум иллатлари ичида бир пайтлар қизил империя идеологлари оммалаштирган давлатни халқдан, халқни давлатдан бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган иллатлар таъсири ва оқибатлари афсуски, ҳали анчагина одамларимиз дунёқарашда, хулқ-аъворида намоён бўлиб турибди. Умуман демократик тараққиётимиз олдида кўндаланг турган муаммолар тизимини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга эски онгимизда маълум даражада сақланиб қолаётган давлатга ва жамиятга муносабатимизда, қарашларимизда тоталитаризм тузум сарқитларининг ўзига хос намоён бўлиши ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни киритиш мумкин, иккинчи гуруҳга эса умуман мамлакатимизда демократик ўзгаришларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни киритиш мумкин. Бу борада давримизнинг энг долзарб вазифаси давлат билан жамиятнинг демократик мезонларга тўлиқ мос келадиган янги тизимини амалда қуриб меъёрига етказишдан иборат. Эндиликда жамият мамлакатимизни демократиялаштириш билан боғлиқ бўлган асосий масъулиятни ва юмушларни ўз елкасига олиши лозим бўлади. Бошқача қилиб айтганда жамият демократик тараққиётимизнинг манбаи ва воситаси

сифатида ўзини тўлиқ намоён қилмоғи керак.

Бунинг учун биринчи навбатда Президентимизнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси саволларига берган жавобларида таъкидлаганидек: **«Аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт.»**

Демак, бугунги кунда жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиши зарурлиги давримизнинг бир муҳим хусусиятидир. Бунда инсон омилининг ўрни ва роли ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ ва кучлироқ намоён бўлмоқда. Бошқача йўсинда айтсак, оддий инсоний фидокорлик жамиятимиз тараққиётининг етакчи омили бўлиб қолди. Жаҳон мамлакатлари тараққиётидаги мураккаб жараёнлар, воқеликлар тажрибасидан маълумки, мамлакат учун оғир бўлган вазиятларда ёки ҳал қилувчи даврларда айнан жамиятнинг энг фидойий, фозил одамлари бутун масъулиятни, оғирликларни елкаларига олиб ўз мамлакатларини, жамиятларини истиқбол сари етаклаганлар.

Широқнинг ботирлиги, Жалолиддин Мангубердиннинг ўз жонидан, ҳузур-ҳаловатидан кечиб она Ватан тупроғини ҳимоя қилиши, иккинчи жаҳон урушидан кейин Европанинг ва икки атом бомбаси қаттиқ вайрон қилган Япониянинг қисқа вақт ичида тикланиши ва мўжизалар яратиши аслида фидокорлик туфайли эмасми?! Ёки умуман ер юзидаги миллатларнинг юксалишида мана шу асос катта таъсир ўтказмаганми? Аслида фидойилик деярли барча миллатлар ва элатларда мавжуд бўлган ўзига хос ижтимоий-психологик ҳолат бўлиб, унда одамлар ёши, жинси, касб-ҳунаридан қатъий назар ўз манфаатларини умумжамят манфаатлари билан табиий уйғунлаштиришга интиладилар.

Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли ҳамда бугунги куннинг тажрибалари шуни тўлиқ асос билан тасдиқлайдики, демократиянинг шаклланиши заминада одамларнинг тинимсиз машаққат билан қиладиган меҳнати, мавжуд қийинчиликларни енгишдаги сабр-бардоши ётади.

Нодир ЖОНУЗОК

Ш у жиҳатдан қараганда бизнинг ҳал-қимизда дунё эътироф қилган меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик сифатлари керагича мавжуд.

Бугунги кунда бош масала шу имкониятларни ҳар томонлама тўлиқ сафарбар этиш устида бормоқда. Демократик ислоҳотларимизнинг ютуқлари жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси кўнглидаги жамиятни янгилашга зўр интилиш ҳиссининг қарор топиши билан боғлиқдир десак муболаға бўлмайди.

Демократия тамойиллари, қоидалари жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига сингиб кетиши учун биринчи навбатда жамиятнинг ўзи унга ташаббускор бўлиши, демократия учун барча эшикларини ланг очиши лозимдир. Бу ўринда ҳалал бераётган иллатларни бартараф қилишда ҳам айнан жамоатчилик асосий куч бўлиши лозим деган фикр билан яшаш ва фаолият кўрсатиш давримизнинг объектив заруратидир.

Кундалик ҳаётимиз тажрибаси ҳар томонлама исбот қилиб турибдики, жамият потенциал имкониятларининг мамлакатимиз ривожига бекаму-кўст сафарбар қилинишигина тараққиётимиз йўлида эски тузум иллатлари сифатида ва бугунги кундаги ижтимоий адолат мезонларининг бузилиши сифатида намоён бўлаётган ижтимоий таҳдидларни бартараф этишининг гарови бўла олади.

Бунда мамлакатимиз бугунги кунни учун ҳам, унинг келажаги учун ҳам масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган, ўз бахт-саодатини халқининг бахт-саодатга эришуви билан чамбарчас боғлиқ эканлигини англаб етган, демократия ва адолат тушунчаларига қалбидан чуқур жой берган, ўзининг ҳам, юртининг ҳам камолоти учун тинимсиз меҳнат қилувчи ва изланувчи инсонларимизнинг фидокорона фаолияти асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Бу ўринда жамиятимиз ҳар бир аъзосининг шахсий фаровонлиги, умуммамлакат тараққиёти билан узвий боғлиқлиги, мазкур фидокорлик заминда ётган ижтимоий манфаатлар тизимини ташкил қилса, халқимизнинг миллий уйғониш, адолатли демократик жамиятни барпо қилиш борасидаги эзгу мақсадлари унинг гоёвий асосини ташкил қилади.

ЧИЛЛА

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм

-1-

Жонимга ҳар чечак тузоқ бўлади,
Жонимдан тўкилган сўз - «оҳ» бўлади.
Мени жаннатингга қўйма, Оллоҳим,
Қўйсанг, жаннатинг ҳам дўзах бўлади.

-2-

Оллоҳим, ким айтди, ўйингдан кечдим?
Йўк, йўк, асроримни билмайди ҳеч ким.
Ул қизнинг кўзлари - покиза қадах,
Қуёшни эритиб, қадахлаб ичдим.

-3-

Йиғлайди - исмини унутсам илкис,
Овунар - пойига чўқа қолсам тиз.
Рашк этар бошқа бир қиздан, Оллоҳим,
Сени севишимни билмайди ул киз.

-4-

Бу қайғу тубида юз йил юзибман,
Юзага чиқиб, юз ой туз қусибман.
«Зулайҳоман» деб юз очмоқда бу Гул,
Шафқат қил, Оллоҳим, наҳот Юсуфман?

-5-

Оллоҳим, покман деб, миллион сана
Юкиндим: берсанг - бер покиза санам.
Ул эса қошимга келдию кулди:
«Қофирга ўхшайсан мен каби сен ҳам?»

-6-

Жонимда бир чечак барқ уриб гуллар,
Тегинсам, қитиғи келади - кулар.
Тегинмайин десам, кулли азоб бу:
Кўксимдан қон ичар, кўзимдан - сувлар...

-7-

Бир хабар илғадим саҳарги елдин,
Чикқанмиш қачондир Мажнун бу элдин.
Ё Оллоҳ, наҳотки англамадилар -
У соям эди-ю... мен энди келдим!

-8-

Кўзимга Атиргул эккандим, Оллоҳ,
Тикани тегмасдан қилди-ку ҳалок:

Қирмизи қонимни ичирган эдим -
Нега барги яшил, гунчаси - оппоқ!?

-9-

Томирим бўтана бўлиб тошади,
Қароғим қирғоққа гуҳар сочади:
Қонимда ириллар бир ваҳший йўлбарс,
Кўзимда бир ўрмон кийик қочади.

-10-

Кўзимни чалқатар эрка балиғим
Ва яна бир бола - қалқир қайиғи.
Соҳилга безовта аланглайди ул -
Қармоғин отмайди мендан ҳайиқиб.

-11-

Эртадан кечгача қилсам-да ҳужум,
Ё Оллоҳ, ўзимга етмайди кучим.
Уйқумда ичимга бекиниб олиб,
Тонгда «Нодирман!» деб кўрқитган куч ким!?

-12-

Халойиқ ичидан бизни танлаб Ёр,
«Нодир» деб ҳар лаҳза этди эътибор.
Палахмон тош каби ирғитдим сени -
Юрагим, ортимдан албат етиб бор!

-13-

Куёшдай бетоқат, Ой каби тинчман,
Кундуздай ташқари, Тун каби ичман.
Оллоҳим, илгинчман: тонгда ва шомда
Ўзининг ғилофин ёрғаң қиличман!

-14-

Саҳрони ёш тўкиб кўл қилган ҳутман,
Бир лаҳза беҳудман, бир лаҳза худман.
Оллоҳим, раҳм эт, увол кетмайин -
Йигирма уч йилда фарқ пишган тутман.

-15-

Эл ичра нодир балқи афзунман,
Балки бир каромат, балки афсунман.
Ортимдан эргашар қонхўр халойиқ -
Расулнинг лабидан сизғиган хунман.

-16-

Давроним мунчалар чиркин, маккор чоҳ,
О, Расул даврида яшасайдим... оҳ!..
Шукур қил, нетардинг, - деди Оллоҳим, -
Келсайдинг Ундан ҳам юз йил олдинроқ?!

-17-

Эй кўзим тубидан сачраган учқун,
Ё улкан гулхан бўл, ё буткул ўчгин!
Йигирма икки йил қон ютиб кутдим,
Кипригим ланғиллаб, кўчмади кўчкин.

-18-

Нозик томиримда чайқалган тўлқин,
Ёриб чик, пишқир ва Дунёга тўлгин.

Қаъбанинг бозордан фарқи қолмади,
Тўфон бўл, билайлик - қуруқ ким, ҳўл ким?

-19-

Улуснинг қонини оқизган Аждар
Қалбимни ғижимлар, қил дея сажда.
Мен унинг юзига тупурдим, вале
Кейин афсус едим... тупугим ганж-да!

-20-

Оллоҳим, мен сенга чўккан эдим тиз,
Бошимда тож бўлди ҳийлагар Иблис.
Энди мен саждадан бош кўтармайман -
«Ё Оллоҳ, тавба...» деб йиғласин илқис.

-21-

Отилар тортилган қаноним тайин,
Кўксини чангаллаб қулар ул лаъин,
Ё Оллоҳ, гаройиб гирдобга тушдим -
Аршга етаяпман чўкканим сайин.

-22-

Оллоҳим, сен мени ҳайдама, итма,
Занжирингда ҳурман - қулликда йитмай.
Кўзи илк бор бугун ойнага тушиб,
Ўлжасини таниб, қутурган итман.

-23-

Паҳлавон, диловар эдим, Оллоҳим,
Нафсимга «сен кимсан!?» дедим, Оллоҳим,
Барибир у мендан зўр чикди, чунки,
Уни мағлуб қилдим - едим, Оллоҳим!

-24-

Золимман, озодман, занжирман, қулман,
Оловман, ўтинман, тутунман, қулман...
Тагин-да кимлигим аёнмас асти,
Оллоҳим, сен мени ким десанг, улман...

-25-

Танимни минг сана силқисанг, Гардун,
Қафтинга тўқилмас бир зарра гардим.
Кўнглимда ҳеч нарса қолмади, йўқса -
Сени элак қилиб, ўзим элардим!

-26-

Ҳеч кимдан ҳеч нима талаб қилмадим,
Боримни ушотдим - кўзга илмадим.
Юрагим ҳувиллаб ётибди, Оллоҳ,
У ҳам сеники-ку!.. Энди... билмадим...

-27-

Кўқдасан - рўйингни кўрай дедим, оҳ,
Лек ҳар бир қадамим бўлди тубсиз чоҳ.
Ўзинг-ку «йўл - шу» деб кўрсатган эдинг,
Соянгами раво кўрдинг ё Оллоҳ!?

-28-

«Кўзингни тиглади зулфиқор тиглар!» -
Деб менинг ҳолимга улусим йиғлар.



Мен эса бетўхтов куламан. чунки
Оллоҳим, кипригинг-ку - ул, қитиғлар.

-29-

Сенга арзимасман сира - ёр этма,
Лек бошим саждадан, кескил, ор этма.
Ҳеч кимнинг кўксини тиглаб қўймайин,
Синиқ кипригингман, Оллоҳ, хор этма!

-30-

Нафасингни туйиб туйкус жим бўлдим,
Уялиб, тупроққа кириб, чим бўлдим.
Кипригим учуда бир қатра шароб,
Оллоҳим, ичмасанг агар ким бўлдим!?

-31-

Қанча қадах тутдим - бўлдимми ҳеч маст!?
О, Оллоҳ, биламан, ҳали-ку кечмас.
Ва лекин кўксимда бир ношуд йигит,
Ич, дейман, қонимни, кўрқади, ичмас.

-32-

«Тоат этгил» - тонгда гуфтигў бўлди,
Аввал азон бўлди, сўнг руку бўлди.
Тизларим қалтираб, йиқилдим беҳуш,
Соқий рақам чекди: «сажда шу бўлди!»

-33-

Бир майхона очдим - таърифи йўқ ҳеч,
Инсонмас, арслонлар келар эрта-кеч.
Мендан аразлаган, эй дўсти азиз,
Кел сен ҳам, кўзимдан янги шароб ич!

-34-

Эл мендан қочади - қилади гумон:
«Унинг оташидан қолмаймиз омон».
Холбуки, қуритсам қирқта денгизни,
Кўзёшим бўлади қирқ мингта уммон.

-35-

Эшигимда навбат кутади ҳамма,
Ҳар бири биттадан чўғ қилар таъма.
Оллоҳим, қиёмат куни Иблисни
Жаҳаннамга эмас, кўксимга қама!

-36-

Жавзони созуриб, давлни ёқиб,
Бир тўфон келмоқда мен сари оқиб.
Бир лаҳза кўзимдан оқизғон эдим,
Тагин қароғимни истар тутоқиб.

-37-

Осмоннинг тубига ўрлади қуюн,
Учирди тоату ибодат уйин.
Ё Оллоҳ, ичимдан чиққан илоним
Қайси бир куйингга тушмоқда ўйин!?

-38-

Кўзимга михладим ғаройиб эълон:
«Кимнингки қонида оқаркан илон,
Истаса, бир афсун ўргатаман, сўнг
Илон - у, У - Илон бўлади, илло.»

-39-

Кўзимнинг ичида гиж-ғиж илон бор,
Уларнинг кўзида тагин шунча мор.
Судралиб юрибман зўрга, Оллоҳим,
Бу - кимнинг кўзию нечун бунча тор!?

-40-

Оллоҳим, лутф этдинг: «орзунг не - тила»
Сенга мақсудимни айтай қай тил-ла...
Аслида Олами Кубродан эдим -
Қайтдимми? - бу умрим энг кичик чилла...

1998 йил

Шеър ўқимай қўйганимга анча бўлган экан.

Шеър - самимият меваси, деймиз. Самимиятнинг ўзи-чи, у - ниманинг меваси? Самимият - ишқ меваси.

Шоир укам Нодир Жонузоқ шеърларида ошиқлик ҳолатини иллагандек бўлдим. Зотан, шоирликнинг моҳияти ҳам ошиқлик, орифлик ва одилликдир. Ошиққа хос буюк бир фазилат шундан иборатки, у фақат рост гапиради. Рост гап эса мудом жозибали бўлади, кўнгилга урмайди.

Адабиётшуносларимиз шоирлик ва адиблик маҳорати ҳақида кўп гапирадилар. Менимча, самимият оғушидаги қалб учун «маҳорат»нинг ҳожати йўқ - у ўз бағридаги қувват-энергия билан қалбларга йўл топа олади. «Маҳорат» деган восита кейинроқ - ана шу қувват-энергия камая бошлагач пайдо бўлади ва самимият ўрнида юз кўрсатаётган сохта туйғуларга ишлов беришга киришади. «Маҳорат» - ёлгонни рост қилиб тасвирлаш йўли. Модомики шундай экан, қалби Ҳақ ишқи билан тўлиб-тошган ижодкорга «маҳорат»нинг не ҳожати бор?! Унинг маҳорати - ишқининг қудратига тенг! Ишқи нақадар самимий бўлса, маҳорати ҳам шу қадар зўр!

Нодирнинг шеърлари - кўнгилдан чиққан иқрор. Бинобарин, улар кўнгиллардан жой топмоғи тайин.

У келажакда ҳақиқий Ошиқ бўладими ёки «Улкан Маҳорат эгаси»ми - буюғи менга қоронғи. Аммо, ишончим комилки, унинг самимиятга тўлиқ қалбидан ҳали беқиёс сатрлар тўкилгай!

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Исмоил ШОМУРОВ

МАШМАША

ёхуғ бир ўзбошимча изқуварнинг прокурор
номига ёзган тушунтириш хати



Қисса

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, аввал ёзганларим ва ҳозир битаётганларим тоқнинг занги каби тўппа-тўғри. Ўзим ёлгонни билмайдиган йигитман, мендақасини топиш мушкул. Фақат қувваи ҳофизам сал саёз бўлганлиги туфайли илгари нима деганларим ёдимдан кўтарилиши мумкин. Сизнинг терговчингиз ҳам икки ойдан буён қайта-қайта сўрайвериб, тушунтириш хатлари ёздиравериб одамни чалғитиб юборди. Тушунтиришларни шу қадар кўп ёздимки, дастлабкиларида нималар ҳақида битганларим бутунги кунга келиб хаёлимдан умуман фаромуш бўлиши баробаринда, кўлим ёзувчиликка анча келишиб қолди. Шу тарзда яна иккита жиноятни очадиган бўлсам, - агар ошқозоннинг ости тешилиб, касалхонага тушиб қолмасам, - албатта тушунтириш хатларимни ёзувчилар уюшмасига кўтариб бориб, мени ҳам ўз сафларига қабул қилишларини талаб қиламан. Иқтидорнинг бу даражада хор бўлишига чидолмайман, ахир.

Илгари ҳам юз марта маълум қилганим каби, айтмоқчи бўлганим - машмашалар ҳеч қутилмаганда, икки кун ичида рўй берди.

Туман ички ишлар бўлимида навбатчиликда қолдим. Ростини айтсам, бу иш хўбам жонимга тегди. Кўпчилик ўйлаганчалик қизиқарли ҳам эмас-да бу. Ўрта милиция мактабида ўқиб юрган пайтларимизда Тошкент шаҳрига практикага чиқардик. Ана уни хизмат деса бўлади. Бу ерда эса худди ўйиндек гап. Онда-сонда кимдир хотинини уриб, кимдир хотинидан таёқ еб келмаса агар, ҳеч вақо йўқ ҳисоб. Ҳар-ҳар замонда тўй-пўйда бирортасини бошқаси маст-аласт ҳолида бир-икки мушт урақолса, зўравонни бутун тўй аҳли ушлаб, қўлини орқасига бойлаб етаклаб келишади. Қарабсизки, жиноят очилиб ўтирибди, бизга ўхшаганларга иш ҳам қолмайди. Шаҳарда эса бошқа, кимдир кимнидир уриб, жуфтакни ростлайди-ю, кейин уни бутун республика бўйлаб излаб юрасан. Баъзи ҳолларда таёқ еганни ҳам, урганни ҳам қидиришга тўғри келади. Буниси жуда қизиқ. Ношукрлик бўлмасин, бу ерда ҳам илҳом билан ишлашга арзирлик жиноятлар бўлиб туради. Масалан мол

ўғирлиги... Истеҳзоли кулишингиз ва лаб буришингиз асоссиз... Шаҳардан чиққансиз-ов, чамаси. Биз учун қизиқарли-да. Шуям йўқ эди, бовам бозордан келди, деганларидай. Фақат бу ишларнинг ҳам бир «лекин»и бор. Уришиш, таёқ ейишда аниқ биласизки, жиноят содир бўлган. Бундай ҳолларда эса номаълум. Туманда нима кўп - тоғ кўп. Эгаси вовайло қилиб юрган мол балки, тоғнинг қайсидир бир пучмоғида ўтлаб юргандир, қир-пирдан йиқилиб, оёғи лат еб, бирор ерда думалаб ётгандир ёки алақачон бўрилари, дайди итлари хомталаш қилиб бўлишгандир. Ишқилиб, жиноятнинг бу турини очиш қанчалар қизиқарли бўлмасин, шунчалар оғир. Баъзи пайтларда чорасизликдан жонинг шундай ҳалқумингга келадик, беихтиёр «Яхши хўкиз биров етакласа кетаверадими?» деб юборасан. Аммо ноилоҳ. Мол барибир мол-да, бунақа машҳур ҳикматларни ўқимаган, яхши билан ёмоннинг фарқи бормайди. Биров икки оғиз ширин гапириб, етакласа кетаверади, хурсанд бўлиб, олиб бориб, сўйиб юборишлари билан ишлари йўқ. Уларнинг шу хусусиятлари, албатта минг бора узру, қайси томонлари биландир қизларимизга ўхшаб кетади. Мен ўғриларнинг хусусиятлари ҳақида гапираётганим йўқ. Умуман қизларни ҳеч англаб етолмадим.

Ўқишни тамомлаб қайтганимдан сўнг уч кун милиция формамни ечмай, қишлоқни кезиб юрганга қарамай бирортаси ортимдан эргашмади. Ахийри битта қорача қизни (эсласам юрагим ўйнаб кетади) топиб, яхши кўриб қолсам, унияш шундайгина бурнимнинг остидан Ҳомид (синфдошим) илиб кетган. Ўшандан буён юрагим хувилаб юрганди. Алам қилади-да ҳардоим кечикиш... Яқинда... Эҳ-ҳ, эсласам юрагим ҳапқиради, бир қиз ишга келди. Одамзод ҳам шунақа гўзал бўладими? Кўзлари катта-катта, қоп-қора, тикилсангиз пирпираб-пирпираб туради, юзлари лўппигина, оппоқ, қора, узун сочларини эчкининг думидек қилиб тўрмаклаб юради, бирам ярашадики, жонингдан кечиб юборинг келади. Бўйлари ўртача, хипчабел (бир умрлик орзуйим), тахминан ўлчаб кўрсам, боши менинг бурнимга тўғри келадиган. Умуман,

қиз бўлса шунчалар бўлар-да.

Менинг суҳбатдан чалғиб кетадиган одатим бор... Навбатчилик эса ҳақиқатан жонимга теккан. Бўлимда уйланмаган-лардан битта ўзим эканман. Ҳаммаси катта-катта эркаклар. Дейлик, майор Салим Аҳмедов, қачон қирқни уриб қўйганини ўзи ҳам билмайди, сочлари сийрак, аммо мўйлови қалин, оғиркарвон киши. Капитан Фаҳри Ниёзов эса ўттиз учда, ўрта бўй, қуюқ, жингалик сочлари ўзига ярашган, хушбичим киши. Шунга қарамай роса иримчи. Насронийларнинг таъбири бўйича ўттиз уч хавfli эмиш. «Шундан ўтиб олсак, у ёғига 63 гача яшаб кетамиз», - дейди. Биз эса куламиз, шу ҳам гап бўлдию. Юз тузилишига қараб, ҳеч ким уни ўттиздан ошган демайди. Шунинг учун ҳам капитанимизни телефон орқали мулоим, ёқимтой овозлар сўроқлаб туради, бўлимимиз бўсағасида ҳам тез-тез хушбичим қизчалар пайдо бўлиб қолади. Мен қизиқиб уларнинг кимлигини сўрасам, таништириб қўйишни илтимос қилсам: «Агентлар, - дейди сирли қилиб акамиз. - Улар ҳақидаги маълумотларни бегона кишиларга билдириш, буйруқ бўйича, қатъиян ман этилади». Булардан ташқари, бўлимимизда катта лейтенантлар Комил Ҳомидов ва Алишер Наимов деганлари ҳам бор. Иккаласи тенгқур, йигирма олтига киришган. Комил новча бўйли, ориқ, оқишдан келган, ҳазил-хузул жонидили, аммо худонинг балоси. Ҳақиқий «опер». Тегирмонга ташлаб юборсангиз, нарғидан: «ассаломалайкум», деб чиқиб кетаверади. Жаҳлиям тез - лов ёнади, лов ўчади. Алишер эса унинг акси (иккаласи икки томон бўлиб, бўлимда мувозанатни сақлаб юришади), феъли энгилроқ бўлишига қарамай, ўзи оғир, нақ юз йигирма кило келади. Катта бошлиғимиз: «Ёшгина йигитта бу не кўргулик, агар қорнингни йўқотмасанг, ўзингни йўқотамиз», - деб бир неча бор айтганига қарамай ўша-ўша.

Фақат менгина бу ерда янгиман. Салим аканинг уйида ижарага тураман. Шунинг учун ҳам кўпинча бошқаларнинг ўрнига навбатчиликда қолишга тўғри келади.

Шундай зерикарли навбатчиликлардан бири эди. Кун

билан бир ўзим ичкари томондаги, каталақдеккина хонамизда осмонга туфлаб ўтирдим. Бундан уч кун бутун газета дўкончасидан содир этилган ўғрилиқнинг ашёвий далиллари бизда эди. Шуларнинг ичидан бир ўрам орқасига долларнинг сурати туширилган календарни олиб, ўзимча бир ўрам 100 домарлик пулдек қилдим, йигитларимиз келса ҳазиллашаман, жа бўлмаса котиба қизга мақтанаман деб чўнтагимга солиб қўйдим. Аҳён-аҳёнда навбатчилик қисмига, уч-тўрт марта эса бўлар-бўлмас қоғозларни кўтариб, бошлиғимизнинг ёнига борган бўлдим (аслида-ку, у кишининг бугун келмаслигини жуда яхши биламан). Котибага гап отиб кўргандим, натижа бўлмади. Катта, қоп-қора кўзларини (шулар учун ўлиб қолсанг арзийди) пирпиратиб, кулиб қўйдю, гапларимга истамайгина жавоб қайтарди. Овозидаги жиддийлик, вазминлик мени бутунлай доводиратиб, айтар гапимни ҳам йўқотдим ва индамайгина ортимга қайтдим.

Аксига олгандай бугун ҳамманинг тадбирга чиқиб кетгани-чи. Қаергалигини айтишмади. Балки чойхонага ошхўрликка кетишгандир. Бўлиши мумкин, оператив иш билан кетаяпмиз, дейишса ким нима дейди. Янгитдан келган пайтларимда роса ҳайрон бўлганман ва менинг аҳволимдан «оперлар» (бўлимимиздагилар ўзларини шундай аташади) хўп кулишган: «Сенинг шу соддалигинг бўлса икки дунёда ҳам опер бўлолмайсан», - дейишган. Ўшанда пул йиғиб, сув омборида бир ош қилиб, дам олмоқчи бўлгандик, мен аҳмоқ соддалигимга бориб, якшанбани мўлжалаб турсам, бир кун кечки йиғилиш чоғида (ҳар кун кечаси соат 22, 23 ларда йиғилишиб, қилинган ишларнинг ҳисоботини берамиз) ёш жиҳатдан каттамыз Салим ака, бир зўр ахборот борлигини, эртага бутун бўлим билан шунинг устида ишласак, яхши натижа чиқиши мумкинлигини маълум қилиб қолди. Катта бошлиқ рози бўлиб, кўзларингга қараб ишланглар, деди. Эртасига эрталаб эса тўппа-тўғри сув омборига равона бўлдик. Ҳамма нарсани тайёрлаб қўйгач, ўзимизнинг бошлиғимизни ҳам келиб олиб кетишни унутмадик. Аксига олгандай

шанба-якшанда кунлари тумандаги бозорларда санқидик. Олдинига чўнтаккесарлар ва рэкетчиларга қарши кураш бўйича, эртанси куни эса, Иттоппас деган қишлоқдан бир бобойнинг эшаги йўқолган экан, шуни ахтардик. Кўнгилдан, шу ҳам иш бўлдию деган гап ўтиши тайин. Нима ҳам дейиш мумкин, бизнинг бош вазифамиз жиноятчиликка қарши кураш. Жиноятчи паст кетса айб биздами? Қолаверса эшак ўғирлаган уялсин, уни қидирган биз эмас. Аммо ўша куни бобойнинг эшагини топиб бердик.. Қизиғи шунда бўлдики, бозорда гўдайиб турган эшакнинг ёнидан қайта-қайта судраб ўтишимизга қарамай, бобой бу менинг эшагим эмас, деб туриб олди. Тузилиши ўхшаб кетаяпти-ю, туриши ўхшамаяпти, меники қарироқ эди, дейди нуқул. Комил эса уни қўймайди, бозорнинг чеккасига чиққанимизда куйиб-пишиб уқтиради, шу сизники дейди, бегона бўлса қулоғимни кесиб ташлайман, дейди. Охир оқибат Комил ҳақ бўлиб чиқди. Кейинроқ аниқ бўлишича, номард ўғри эшакка бир шиша ароқ ичириб бозорга олиб чиққан экан-у, у шундан қулоқларини дикиллатиб, гижинглаб турган экан. Бобой терговга миниб келганида кўрдик, эшаги тушмагурни икки ёнидан ҳақкачак тираб қўймаса йиқилиб кетадиган ҳолда экан. Мана ароқ нималарга қодир. Шундан буён ичган одамларни учратсам ўша эшак ёдимга тушади. Кимлардир бундан хафа бўлиши мумкин, аммо эслаганим учун мен, ёдимга тушгани учун эшак айбдор эмас-ку, тўғрими?

Хуллас, мен нима демоқчи эдим? Ҳа-я, навбатчиликда ўтириб, зерикканимни ёзаётгандим. Ўзиям роса зерикарли кун бўлди. Бўлимимиздагиларнинг ҳаммаси рейдга кетган... Буни ҳам айтдим, чамаси... Ҳатто бўлимимизнинг бошлиғи ҳам. У киши уч карра «опер»: қўпол, дағал ва оғзи шалоқ, бунинг устига меҳрибон.

Салим аканинг менга ижарага берган хонасида ҳам ётавериб зерикаман барибир (ижара, деганимга кўнгилга ҳар хил гаплар келмасин, пул тўламайман, озиқ-овқатим ҳам у кишининг рўзғори билан бир. Ижара дейишимга сабаб - қоидаси шунақа,

шаҳар кўрган йигитмиз, ахир). Ўшанда, бундан бир йил бурун мени вилоят бошқармасидан шу туманга тезкор вакил қилиб юборишганда ўзим орзу қилган жиноят-қидирувга тайинлашган бўлишса-да роса хафа бўлгандим. Шаҳарда тоза, дазмолланган формани кийиб, қизларнинг ичини куйдириб юрган қайдаю бу ерда, тезак ҳиди тутган ҳаводан симириб, чанг, тупроққа ботиб, мол ўғриларини бозорма бозор излаб юриш қайда. Туман марказининг номи шаҳар бўлишига қарамай қишлоқ деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Менинг бу ерда танишим йўқлиги сабабли бир ойга қадар меҳмонхонада ётиб юрдим. Унинг номини жаранглашига алданманг. Аслида тумандаги ягона икки қаватли бино шу бўлишига, номи бутун жаҳон стандартларига жавоб беришига қарамай, ундаги иккитагина хона номни оқлаш учун ажратилган.

Шундай қилиб Салим ака менинг бу юришимни ўзига ор билиб, уйига олиб кетди. Ўшандан буён навбатчилик қилмаган кунларим ўша ерда яшаб юрибман.

Мен яна улоқиб кетдим. Соат кечки ўн бирларга бориб кун бўйи зерикиб ўтирганнинг таъсирида одамни уйқуга торта бошлади, бошим ҳали пишмаган ошқовоқдек осилиб қолди. Йигитларимизни кутдим, кутдим, келишавермагач, стулларни териб жой қилдим-у, кўйлагимни қозиққа илиб, эндигина бошимни қўйиб, яхшилаб ўрнашиб олиш учун ҳар томонга ағдарилиб турганимда эшик қаттиқ тақиллаб қолди:

- Олим, ҳов Олим, шу ердамисан? - бу навбатчи ёрдамчисининг овози эди.

- Нима? - бошимни эринчоқлик билан кўтардим.

- Тез бўл, группа кетаяпти, сени кутиб ўтирибди!

- Овқатгами? Кетаверишсин, қорним тўқ.

- Тез тур, «Россия»да бир кишини ўлдириб кетишибди.

Ярамаслар менинг устимдан кулмоқчи, чамамда.

- Мен Россияга навбатчи эмасман.

- Ҳозирги Амир Темур бор-ку, колхоз, ўшанда.

Кўйлагимни кийиб, сейфдан тўппончамни олар эканман ўзимга ўзим тўнғилладим: ёлчителиб эшак

ўғирлаш ҳам қўлларидан келмаганди-
ку буларнинг.

Биқинига ўқлоғдек-ўқлоғдек ҳарфлар билан «милиция» деб ёзиб қўйилган сариқ тусли «уазик» қинғир-қийшиқ, ўйдим чуқур йўл бўйлаб чайқала-чайқала, ниҳоят, алланечук ваҳимали бир сокинлик чўмган қишлоққа кириб борди. Йўл бўйи «миқ» этиб оғиз очмадим. Ахир гуруҳимизнинг бош-қоши бошлиқнинг тергов ишлари бўйича ўринбосари Ғофур аканинг ўзи-я! Унинг ёнида гап отиш тугул, нафас олишга ҳам ботинолмайсан, киши.

Терговчи эмасми, сиқиб сувингни ичиб юборади. Унга қолса жиноят содир этилаётган пайтда сассиқ ҳовузда вақиллаб турган бақани ҳам ушлаб, гувоҳлар қаторига тиркаб қўйсанг. Шунақа, ишқилиб эрталабгача зерикмайдиган кўринамиз.

Биз излаган ҳовли қишлоқнинг қоқ киндигида экан, дарвоза пештоқидаги икки юзинчи лампа атрофни хира ёритиб турар, ичкаридан ингичка, бўғиқ йиғи саслари қулоққа чалинарди. Айвонда одам кўп экан. Ҳаммалари кутилмаган кўргуликдан давдираб қолган, дув-дув кўз ёшлари орасидан аламу ўкинч аломатлари сезилиб туради. Айвон ўртасида ушоққина бир кампир, марҳумнинг онаси бўлса керак, ўзидан кетиб ётарди. Уч-тўрт киши аччиқ-аччиқ йиғлай-йиғлай кампирни ҳушига келтириш билан оввора.

Шундай бир пайтда совуққон бўлишинг лозимлиги, хизматни унутмаслигинг кераклиги, ўз ёғига қоврилиб ётган одамларни сўраб суриштиришинг зарурлиги кишини жуда ўнғайсиз аҳволга солиб қўяди. Аммо начора. Ҳозир бир соатда аниқлаш мумкин бўлган нарсани кейин йил бўйи ҳам суриштириб тополмайсан.

- Йигитлар, - деди Ғофур ака чуқур бир хўрсиниб. - Ўз ишимизга киришамиз...

Гуруҳ сардоримиз ҳар биримизга керакли топшириқлар берди.

Мен кўргулик тафсилотларини аниқладим.

Солининг уйига шом маҳали икки кимса келибди. Улар дарвоза ёнида андак гап-сўз қилишган, холос. Бир пайт аянчли ўкирикни эшитган уй бекаси жон ҳолатда ташқарига отилгану шундоққина ҳовли девори ёнида ерпарчин бўлиб, қонга беланиб ётган эрини кўрган. Шу аснода, шундоққина йўл бўйида турган енгил машина шитоб жўнаб қолган. Тавба, унинг рангини бирор киши аниқ билмайди, нимқоронғуда у кимгадир қизил, кимгадир қора, бировига эса зангори бўлиб кўринган. «Жигули» эканлиги аниқ эмиш. Соли ўлими олдидан ҳеч нарса деёлмаган, пичоқ нақ кекирдагини кесиб кетган экан-да, бечоранинг.

- Эримнинг танишлари дарвозадан чақириб ўтирмай, тўғри кириб келаверишарди. Булар бегона одамлар эди, - деди марҳумнинг хотини ҳўнг-ҳўнг йиғлаб.

Мен ҳам шу фикрда эдим. Қотилни бу қишлоқданмас, чеккадан ахтариш лозимлигини ички бир сезги билан ҳис қилиб турардим. Воқеа тафсилоти ҳақида Ғофур акага ахборот бердим. У менга шу қишлоқдаги барча машиналарни кўриб чиқишни, бутун қайсилари ҳаракатланганини аниқлашни буюрди. Мен эътироз билдирдим, унинг ўрнига Солининг ўзи аслида кимлигини, нималар билан шуғулланганлигини аниқлаш фойдалироқлигини, шундагина калаванинг учи тез топилишини ўзимча уқтирмақчи бўлдим. Табиийки, уринишларим беҳуда кетди.

- Марҳум қўлимизда, қочиб кетолмайди, уни эртагаям, индингаям ўрганаверамиз, - деди Ғофур ака аччиқланиб. - Машинанинг мотори совуб қолмасдан кўриб чиқиш керак.

Ноилож, биз кичик одаммиз, фикримиз ҳам ўзимиздек камтар, бир чеккада қолиб кетаверади. Аҳмоққа ўхшаб шу тун икки соат давомида қишлоқдаги машиналарнинг моторларини сийпалаб чиқдим. Қайси улов қайси томонга қараб юриш қилганлиги тўғрисида ҳам суриштириб чиқдим. Бутун пешиндан сўнг қишлоқ бўйича икки «Урал» мотоцикли, битта «Москвич» машинаси қайгадир бориб келган экан. Эгаларининг айтишларича, «Урал»ларнинг бири хашакка борган, аравачасининг

аҳволдан бу гапга ишониш мумкин, бошқаси дўкондан ун олиб келган, гувоҳлари бор. «Москвич» эса кўшни қишлоқдан иккита қўй олиб келганмиш, буни уларнинг қўйларидан ҳам билса бўлади.

Ниҳоят, тунги соат учларга яқин барча текшир-текшир, сўра-сўрани тамомлаб, туман марказига қайтдик. Йигитларимиз тарқалишаётган вақтда эса бошлиғимиз уқтирди:

- Эртага эрталаб соат саккиз бўлишини кутиб ўтирмай, (аслида эса иш соат тўққизда бошланади) вақтлороқ келаверинглар, иш кўп.

- Эртага эмас, бугун эрталаб, - деди кўзлари қизариб турган Комил.

- Нега?... Ҳа-я...

Ниҳоят улар эрталаб соат саккизгача ухлаб қолиш ва ишга кечикиб келиб, бошлиқдан гап эшитиш учун тарқалишди, мен эса, навбатчи эмасманми, юз берган жиноятни қайд қилиш, камчиликларни тўлдириш учун ишхонамда қолдим. Аммо, энг зарур ҳужжатларни тўлдирадиган тўлдирмас ўзим ҳам ухлаб қолибман.

Эрталаб бошлиқ ёнидан сўкиш эшитиб чиққач, ҳаммамиз хонага йиғилдик ва бир отимдан нос чекиб олиб, анча маҳал унинг кайфи билан сел бўлиб, бир-биримизга мўлтайиб термулиб ўтирдик. Охири Салим ака носини дераза орқали ташқарига туфлаб, гап бошлади:

- Жуда бош қотирадиган, оёқ толадиган бўлди-да, - дедию, оғзини айронхалтани чайқатгандек қимирлатиб, носнинг қолган-қутганини йиғиштириб, бояги жойга яна туфлади.

- Умуман олганда, ўзимиз ҳам эшак ўғрилларини тутишдан бошқа нарсага ярамай қолгандик, - деди Комил. У маданиятли йигит сифатида нос эмас, сигарет чекмайдими (Салим ака эса негадир нос миллийлик рамзи, одам ўзлигидан кечмаслиги керак, деган фикрда бўлганлиги туфайли ҳам сигарет чекишни ўзликдан қайтиш, деб тушунади), бошқаларга ўхшаб, ҳаёлни жамлаб, оғизни шайлаб ўтирмай, шарт жавоб қайтарди.

- Нима, - гапга аралашдим мен, - Комил акам зерикмасин, деб ҳар куни бир киши ўлиб туриши керакми?

- Меники ҳам бир гапда энди...

Эшак ўғрилларининг ортидан қувиб юравериш, бошқа ишга ярамай қолибсизлар, шекилли. Бир қотилликка шунча ваҳима қиласизлар, бошлиқларингизнинг бақирини бу жаҳонда йўқ. Бир гап айтагойсанг, фалсафага бурганларига ўласанми? Бу ақл билан «опер» бўлиб ишлаш эмас, мактабда фалсафадан дарс бериш лозим.

- Бўпти, - деди Салим ака - Тортишманглар. Нима бўлганда ҳам бугун қотилни топиш ва қўлга олиш керак, эртага менинг ишларим кўп, қайним янги уйига пахса олаяпти, шунга ҳашарга айтган... Ким қаёққа боради? Хўшш... Олим, сен мен билан...

- Олимга тегманглар, - деди шу пайт хонага шитоб билан кириб келган бошлиғимиз, - унга бугун муҳим топшириқ бор.

«Увв», деб юборди ҳамма бирдан. Бу уларнинг ҳайратини эмас, балки киноясини, менинг устимдан кулишларини билдирардики, «муҳим» деганлари аллақандай аҳамиятсиз, қўриқлаш хизматининг милиционерларига топширилса ҳам бўлаверадиган бир ишни билдиради.

- Ярамаслар, - деди Комил кулиб, - яна товук ўғирлашган кўринади, Олимни сарсон қилиб.

- Ўртоқ бошлиқ, - дедим ялиниб, - шунга бошқа бирортани юборишнинг имкони йўқми? Бу ёқда шундай шов-шувли иш турсаю мен...

- Хизматдан бўйин товланмасин, - деди у киши қисқа қилиб. - Ҳозир олдимга кирасан, маслаҳатлашиб оламиз.

Жаҳл билан бошлиққа эргашдим.

- Бронжелет билан каскани унутма, - орқамдан қичқириб қолди Салим ака.

Мени жамоат тартибини сақлаш бўлинмасидан бир капитан ва қўриқлаш бўлинмасининг бир старшинадан иборат гуруҳга қўшиб қўйишди. Туманнинг нариги чеккасидаги қишлоқлардан бирида кимдир ҳовлисида кўкнори етиштирганмиш, бориб шу ахборотни текшириб келишимиз лозим экан.

Қўриқлашнинг старшинаси ўлгудек мақтанчоқ экан (дарвоқе, исми нима эканини ҳанузга қадар билганим йўқ. Уни ҳамма Старшина, деб атаркан, худди онадан туғилгану қулоғига шу

номни азон билан қўшиб айтишган, ўртоқ Старшина, десанг бир гурурига минг гурур қўшилгандай бўлади, сезилар-сезилмас эгнини кўтариб, «яна нима дейсан?» қабилда мағрур ва бефарқ қараш қилади), ҳар гапларни гапирадики, уни танимаган одам бошқарма катталаридан бири шу бўлса керак, деган ўйга боради. Ўзи бор-йўги банкда қаровул. Бугун бекор экан, тадбирга тегиб қўйишибди. Капитан эса эрта-индин нафақага кетадиганлардан, буйруқни кутиб юрганмиш. Гап-сўзи, афт-ангорига қараганда, дунёни сув босса, тўпигига чиқмайдиган кўринади. Аммо, шалтоққина бўлса-да, машинаси борлиги хўп ажойиб бўлди-да.

Старшина иккаламиз тўрт беш марта орқа-олдинга итарганимиздан кейин «Москвич-407» (амакимнинг айтишига қараганда дунёга учта умрбоқий нарса бор: «Москвич-407» машинаси, «Зингер» тикув машинкаси ва Холбой бобонинг мода эшаги) ўт олди-ю, йўлга тушдик. Ишнинг пачавасини чиқариб қўймаслик учун ҳамроҳларимнинг иккаласи ҳам йўл-йўлакай уйларига кириб, фуқаро кийимини кийиб олишди. Мен эса хизматга келганимдан буён бирор марта ҳам формамни кийган эмасман.

Старшина уйдан кўйлакчан, фуқаро кийимда чиқар экан, тушпунчасини филофи билан шимининг қайишига тегиб олганига кўзим тушди.

- Қуён овига бораяпсизми? - дедим ўзимни аранг тутиб турган ҳолда. - Анавини яшириб олсангиз бўлмайдами?

- Тушиб қолади, - астойдил гапирди старшина.

- Кастим кийиб, чўнтагига солингу янгадан сарсўзан олиб, қистириб қўйинг. Биз цундай қиламиз, оператив ишда ишламагансиз-да, билмайсиз, - ҳазиллашдим мен.

У қоидаси шунақа экан, деб чиппачин ишониб, айтганимдай қилиб келди.

Биз бораётган жой туман марказидан ўттиз чақиримлар узоқликдаги қишлоқ эди. Кета кетгунча ён-атроф адирлардан иборат. Машинамиз ҳар тепаликка чиққунча йўталиб, пат-пат қилиб олар, ишқилиб, бузилиб нетиб қолмасайди, деган ташвишда мен юрагимни ҳовучлаб борардим. Капитан эса хотиржам,

ўзича минғирлаб, хиргойи бошлаб юборди: «Машраб сени деб кечди жаҳондин...» ва шу кетишда йўлнинг учдан бирини босиб ўтиб, машинамиз йўтала-йўтала, ўчиб қолгунча жағи тинмади. Бир томондан старшина алламбалолар ҳақида гап бошладики, охир оқибатда у нималар деяётганини ҳам унутдим.

Йўқ, не-не куйинишлар, хиргойилар ҳам кўмак бермади. Амакимнинг фикри ўз тасдиғини топмай, машинамиз Холбой бобонинг эшагига-да тенг келолмай, тепаликларнинг бирида «хиқ-хиқ» лаб ўчиб қолди.

Капитан машинасининг бир остида ётди, бир устига чиқди, бир ёнига ўтди, фойдаси бўлмади. «Ёрдам керакми?» дегандим, жеркканнамо қўл силтади.

- Бўлмаса сизлар бориб, тошпириқни бажараверинглар, - деди капитан ниҳоят уст-боши қора ёққа беланиб бўлгач. - Мен унгача буни тузатиб, ортларингдан бораман, бирга қайтамыз.

Анча маҳал қўл кўтариб, ҳай-ҳайлашиб турганимиздан кейин бир «Жигули» келиб тўхтади. Ичидаги пўрим кийинган икки йигитга бораётган манзилимизни айтган эдик, миндириб олишди.

Машинага ўтиришимиз билан Старшина ўзининг эски куйини чалиб юборди. Мен-ку уни икки соат ичида жуда яхши тушуниб қолдим, аммо машинадаги йигитлар дастлаб ҳайрон қолишди, унинг муомаласидан. Роса минг йиллик қадрдонлари билан учрашгандек бошлаганди-да гапни. Унинг сўзларига қараганда мен тошкенлик бир бойваччанинг эркатой ўғли, ўзи эса бизнесмен. Афғонистондан Швецияга (шунақа давлат борлигини билганига балли денг, аммо қаерда жойлашган, деб сўралса, ўлай агар, Африкани кўрсатади) у-бу ўтказиб, тирикчилик қилиб турамыз, дейди камтарлик билан.

- Айтдим бу йигитга, - дея менга ишора қилиб, олди-қочдини давом эттирди Старшина, - бирор «Жип»ни кира қилиб, бориб келайлик деб, кўнмади. Қишлоқда кўзга ташланмайдиган мошин бўлсин, дейди. Ана кўзга ташланмайдигани бузилиб ётибди. Бу йигит «анақа» товардан

озгина олиб кетмоқчи эди. Шу томонларда бир танишимиз бор, ваъда берган, қанча бўлса топиб бераман, деб.

Старшина нимага шаъма қилаётганини мен ҳам, нариги икки йигит ҳам жуда яхши фаҳмлаб турардик. Аммо тушунмадимки, унга бу ёлгонлар нимага керак бўлиб қолди, бу ҳолда ўзимизни фош қилишимиз аниқ-ку. Огоҳлантириш мақсадида, секингина туртиб қўйсам, Старшина ошкора жеркиб берди: «Нимага туртасан, кўрмаяпсанми, бу йигитлар ўзимиздан, ишончли».

Ҳайдовчи йигит: «Қанча олмоқчисизлар ўзи?» - деб сўради пўнгиллаб.

- Қорасидан икки-уч килоча... - деди старшина ва мени секин туртди. - Мана, меҳмон шунақа деган, янаям билмадим, харидор у киши бўлса, нархига қараймиз-да, а, меҳмон?

- Кўрамиз, - дедим гўлдираб. - Нархи бизни унчалар қизиқтирмайди, асосийси сифат. Мен олиб сотар эмасман, ўзим, ўртоқларим учун.

Йигитларнинг юзларида ўзгариш пайдо бўлди. Тезда улар билан чиқишиб кетдик. Танишдик, ҳайдовчининг исми Ботир, ёнидагисиники эса Бек экан. Йўлари биз бораётган қишлоқдан ўтаркан.

- Бу ерларда эҳтиёт бўлиш керак, ментлари ёмон, - деди Бек. Менинг бир жаҳлим чиқдики, янаям ёлгонни кўпиртириб келаётганимиз халақит бериб, ўзимни босдим.

- Мен, - деб қуруқ аравани олиб қочишда давом этди Старшина товарнинг Афғонистондан Швецияга (боя бошқа мамлакатни айтувди, адашмасам) қадар бўлган йўли учун жавоб бераман. Шу йўлда ҳеч ким унга панжасини теккизолмайди. Ҳалқаро ҳамжамият қўлаб туради. Ўлиппизда энди, ўзимизнинг юртда чўчиб юрсак.

Йигитлар негадир лаққа ишонишди унга.

Манзилга етиб келганимиздан кейин, йўлдошларимиз бизни йўл четига тушириб, ўз ишлари билан кетишди. Агар товар тополмайдиган бўлсак, икки соатдан кейин шу ерда кутиб туришимизни, улар бир иложини қилишларини ҳам ими-жимидида кистириб ўтишди.

- Бизни ҳақиқий наشاءандлар, деб ўйлашди - деди Старшина мамнун илжайиб. - Қорадори излаб кетишди, кўрмагурлар мўмайгина пул ишлаб олишмоқчи-я?! Келганида ҳибсга оламизми?

- Албатта, агар улар бизни қўлга олиб қўйишмаса.

Бироқ, аввал берилган топшириқни бажариб қўйишга бел боғладик. Айтилган манзилни болалардан сўраб-суриштириб топиб бордигу, ҳафсаламиз пир бўлди. Старшина кўримсизгина ҳовлининг тўртала томонига ўтиб, ҳавони ҳидлаб кўрдию, афти бужмайиб, экспертлардек хулоса қилди: «Ҳиди йўқ, Яқин ўн чақиримда, яқин ўн йил ичида кўкнори ўсмаган». Шарманда бўлиш мумкинлигини эътиборга олиб, ҳовлига тўғридан-тўғри киришдан ўзимизни тийиб, девор оша роса бўйладик. Мен симёғочнинг ярмига довур бир амалаб чиқиб, ҳовлини кузатдим, ҳеч вақо кўринмайди. Кўкнори тугул бодрингни ҳам парваришломлапти-ку булар, сувсиз қовжираб ётибди. Бекорга устбошимнинг чанг бўлгани қолди... Хушёрликни ҳам унутганимиз йўқ. Мен симёғочга чиқиб, ҳовлига мўралаётганимда Старшина ўтган-қайтганларни чалғитиш мақсадида қўшни уйнинг дарвозасини тақиллатиб, электросетданлигимизни айтиб, сётчикларни орқага айлантirmаяпсизларми, деб дўқ уриб турди.

Ниҳоят, «объект»га кирдик ва ўзимизни таништириб, старашина сётчикни текширгани, мен эса ҳожатга боришни баҳона қилиб, ҳовли этаги томон юрдим. Ҳожатхонанинг эса кўчада жойлашганини кейин, қайтиб келганимдан сўнг, уйнинг эгаси, ўрта ёшлардаги жувон айтганидан сўнг билдим.

Хуллас, ё ахборотчи бизнинг қулоғимизга лағмон осганлигини ёки бу хонадон эгасининг ахборотчиси бизникидан ҳам тезкорроқ ишлашини англаб, бурнимиз осилганча, сўкиниб, боя учрашувга келишилган жойга қайтдик. Бугунги кун бекорга кетмаганлигини исботлаш учун ҳали бизда имконият бор эди.

Қанча кутдик, ёдимда йўқ, бироқ, орқасидан чангни бурқситиб «Жигули» кўринганида, хайрият-эй,

деб юбордим беихтиёр. Қўлларим билан костюмим остидаги тўппончамни пайпаслаб, шарт суғуриб олиш учун ўнгайроқ қилиб кўйдим. Машина ёнимизга келиб тўхташи билан унинг эшиги очилиб ён томондаги йигит бошини чиқарди:

- Тополдиларингми? - унинг гапидан нимадандир ҳаяжонланаётганлиги сезилиб турарди.

Мен ишимиз юришмаганини, миждимиз бизни кутиб ўтирмай, барча маҳсулотларини кеча сотиб юборганини айтдим. Улар бундан севиниб кетишди ва: «Ўзимиз топиб берамиз, хафа бўлиш шарт эмас», - дейишди. Бу пайтда Старшина костюмининг чўнтагига қўлини суқиб, тўппончасини олишга урина бошлаганди. Чамаси янганинг сарсўзани очилгиси келмаётганди, унинг уринишлари зое кетиб, афт ангори шошилганидан тундлашгандан тундлашиб, баттар қизариб кетди. Охири аччиқланиб, титраб турган қўллари билан тортқилаб машинанинг орқа эшигини очар экан, сўкина бошлади:

- Чиқмаганиничи, бу онангни...

- Оввора бўлманг, ҳали ёнимизда эмас, - деди бамайлихотир ҳайдовчи.

- Нима ёнингизда эмас? - Старшинанинг қўллари шалпайиб, осилиб тушди.

- Дори-да, - ажабланди Бек, «яна нима ҳам бўлиши мумкин», дегандек қилиб.

Бечоралар Старшинани чўнтагидан пулни чиқармоқчи, деган хаёлга боришибди.

Бу сафар ҳам сал олдинроқ ҳовлиқиб кўйибмиз.

- Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, - деди Старшина уриниб-суриниб ниҳоят очган сарсўзанини ёпиб кўяр экан.

- Таклиф бор, - деди Ботир. - Барибир сизларнинг кирачи машинангизлар йўлда бузилиб ётибди, бу ердан эсон-омон кетиб олишнинг ўзи ҳам муаммо, бунинг устига чўнтакда шунча пул билан. Шунинг учун ҳозир биз билан шаҳарга борасизлар! Эртага эрталаб ўша икки килони топиб берамиз. Фақат нархини келишиб олсак бўлди... Бизда грамма зангоридан бешта.

- Ў-ҳў, қимматку? - старшина ҳақиқатан ҳам сотиб оладигандай кўзларини чақчайтириб юборди. Бу

маҳал у сарсўзанини беркитиб улгурганди.

- Ака, бу нарса бизнинг томорқамизда пишиб ётгани йўқ. Ҳаётимизни гаровга кўйиб...

- Бўлмайди, - деди старшина, - бизни куппа-кундузи шилмоқчи бўлаяпсизлар.

- Мен учун нархининг аҳамияти йўқ. - дедим мен олдинги эшик деразасидан бош суқиб.

Ўлай агар, умримда пул ҳақида бу қадар дангал гап қилмаганман. Дангалчилигим ўзимга ҳам ёқиб кетди.

- Каланг борми ўзи? - Старшина ёлғондакам асабийлашди. - Яхшилаб изласанг, уч бараварга арзонга топиш мумкин.

- Савдони бузманг, - деди Бек гўдайиб.

- Аҳмоқ экансан, - деди старшина ва ўзича аразлаб нари кетди. - Билганингни қилавер, мен аралашмайман.

Узуоқлашгач, Ботир гапни айлантира бошлади:

- Ўртоғингиз савдони билмас экан, муомаласи йўқ... Қалай, оласизми? Ўзи шунча пул борми сизда. Кечирасиз-ку, бир ишни қилгандан кейин ишониб, кўриб қилиш керак. Пулингиз ёнингизда бўлса, кўрсатсангиз яхши бўларди...

Бахтимга кеча котибага мақтаниш учун чўнтагимга солиб кўйганим - бир ўрам орқасига 100 долларнинг сурати туширилган тақвимлар жойида экан. Ўзимни йўқотмай, шуларни чиқариб, ҳавода бир-икки силкитиб-силкитиб қайта солиб кўйдим:

- Мана ўн минг.

Иккала ҳамроҳнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди. Бир-бирига қарата маъноли кўз уриштириб олишгач, «гап йўқ» деб кўйишди.

Мен яна бир маслаҳатлашаётган киши бўлиб, Старшинани чеккага тортдим:

- Анавилар билан шаҳарга борамизми? Кўриб турганингиздек ҳозир уларни қўлга олишнинг имкони йўқ. Ёнларида ашёвий далил бўлмаганидан кейин прокурорга нима дейсиз?

- Кечқурун жўралар билан гаштагимиз бор эди, бўлмасам жон, деб борган бўлардим. Кел, яхшиси, сен ҳам йиғиштир шу ўйинни. Тинчгина

ўтирайлик бошга бало орттирмай...

- Йўқ, - эътироз билдирдим. - Мен шаҳарга бораман. Қани, охиригача ўйнай-чи, қандай яқун топаркан? Сиз, бормайдиган бўлсангиз, бир томондан тўғри ҳам, бизникиларга кимдир хабар бериши керак-ку. Бошлиққа бориб, ҳаммасини тушунтиринг, манави машинанинг рақамини эслаб қолинг.

- Ёш боладай лақиллатишмоқчи-ку бизни. Бурнига ип ўтказилган ҳўкиздай ортидан эргашиб кетаверасанми.

Ҳамроҳларимга ўртоғим харидорини йўқотганидан қаттиқ хафа бўлганини ва биз билан кетишни истамаётганлигини, шу ерда - танишиникида қолмоқчи бўлаётганини айтдим, улар «бизга барибир» дегандай елка қисиб қўйишди.

Старшинани шу ерда қолдириб, шаҳар томон жўнадик.

Тахминим бўйича булар қорадори савдосидаги воситачи шахслар эди. Мени шаҳарга элиб қўйиб, қайтиб келибдорини шу ердаги мижозларидан олиб кетиб олириб пуллашни мўлжаллашаётганди.

Йўл-йўлакай ҳамроҳларимнинг мени қаерда тураётганим билан қизиқиб қолишди. Бир ўзим ҳаракат

қилган чоғларда жуда очилиб кетадиган одатим бор-да: калламга шундай гаройиб фикрлар кела бошладики, ўзимга ўзим қойил қолмоқдан ўзга илож тополмадим. Шундай қилиб, айти пайтда ёдимда бўлган меҳмонхонанининг номини айтиб юбордим. Ҳамроҳларим мен ўйлагандан ҳам синчковроқ чиқишди. Хонамнинг рақами билан қизиқишганди, 313, дедим. Улар мени меҳмонхонага туширишди ва тепага, хонамга кўтарилишмоқчи бўлишган эди, оввора бўлиб ўтирмангизлар, ўзим чиқаман, дедим хафа бўлган қиёфада.

Биз кечга яқин, соат тўртларда меҳмонхона қаршисидаги қаҳвахонада учрашишга келишиб олиб хайрлашдик. Товарнинг пулини ҳозир бериб юборсангиз, биз албатта соат тўртда келтирамиз, дейишганига қарамай, кўнмадим. Улар ҳатто машиналарини гаровга ташлаб кетишмоқчи бўлишди. Бу менга тўғри келмасди. Рози бўлмадим.

Улар кетишган меҳмонхона маъмуриятидаги кўза роса ялиниб, 313-хонани беришнинг тўрадим. Бахтга қарши бада жан. Уни-ку, бермаганим тўра, умуман



меҳмонхона остонасидан нари ўтишимга ҳам қўйишмади. Паспортим йўқ эмиш. Шунда мен ноилож хизмат гувоҳномамни кўрсатишга мажбур бўлдим ва бир амал қилиб тўртинчи қаватга жойлашдим.

Ҳамхонам қаергадир кетган экан. Қават навбатчиси келиб, мени жойлаштириб қайтганидан кейин, бир муддат кароватда узала тушиб ётдим. Шунча зуриқишдан кейин, осмонга термулганча хаёл суриш маза эди. Иложи борича бўлиб ўтган ишларни ўйламасликка ва бу билан кайфиятимни бузмасликка қарор қилганим учун ҳам котиба қизни кўз ўнгимга келтираман, деб роса уриниб кўрдим, бўлмади. У ҳақда эндигина ширин хаёлни бошлаيمان, деганим ҳаманоқ бошлиқ ёдимга тушиб кетаверади. Хонаси яқин-да.

Орадан анча вақт ўтиб дераза томондан ойнанинг шарақлаб синганию кимнингдир бақиргани, варанглаб ўқ узилгани эшитилди. Шошиб балконга чиқдим. Пастда меҳмонхонага кириш айвонининг томида алақандай эркак турсичан ҳолда бақирганича айланиб чопиб юрарди: «Ердам беринглар, мени ўлдиришмоқчи». Овозининг баландлиги ва тетиклигига қараганда, ўқ ҳали унга тегмаган кўринади.

- Нима гап? - қичқирдим мен (Виждоним бир дақиқа бўлсин хизмат вазифамни унутишга йўл қўймайди-да).

- Босқинчилар! - деб жавоб берди у бўкириб ва эсини еб қўйгандек чопишда давом этаверди.

Шундагина кўнглимга бу одам 313-хонада яшаши ва босқинчилар менинг меҳмонларим бўлиши мумкинлиги келди. Апил-тапил кийиниб, тўппончамни ўқлаганча, пастга, учинчи қаватга тушганимда ҳаммаёқ сув қўйгандек жим-жит эди. 13-хонанинг очиқ эшигидан ичкарига кирганимда бир бурчақда устига чойшаб ёпиниб олган қиз пиқиллаб йиғлаб ўтирарди. Хонанинг балконига чиқадиган эшигининг ойнаси чил-чил синганди. Шу ердан айвон балкон томига сакраган бояги киши ҳали ҳам ёрдам сўраб бақириб юрарди. Атрофга назар

солдим: стол устида ярим бўшаган ароқ шишаси, ҳар хил мева-чева, озиқ-овқатлар ва бир чеккада алақандай хужжатлар ётарди. Уларнинг ичидан бир паспортни олиб, кўз югуртириб чиқмоқчи эдим, қизча хунграб йиғлаб юборди. Чойшабни секин тортиб, юзини очдим. Дўмбоққина экан.

- Қани улар?

Қиз қалтираган қўллари билан эшикни кўрсатди. Шошиб кўчага югурдим. У ёқ-бу ёққа қараб, бирор шубҳали шахсни учратмаганимдан кейин ҳамон қўлимда кўтариб юрган тўппончамни жойига солиб қўйдим ва нега қизнинг мендан кўрқиб кетганлигининг сабабини тушундим. Бир қўлимда эса ҳамон паспортни кўтариб юрган эканман, уни эгасига бериш учун орқамга кетаётгандим, ёнгинамга бояги «нол олти» келиб тўхтади.

- Товари келтирдиларингизми? - деб сўрадим ўзимча ҳовлиқиб. - Бизнинг хонага алақандай безорилар хужум қилиб қолди. Тезда шаҳарларингдан жуфтани ростламасам, оқибати ёмонга ўхшайди.

- Эсингиз жойидами? - кўзларини катта-катта қилди Бек. - Бизнинг жонимизни нечта деб ўйлаяпсиз? Ҳаммаёқда ментлар изғиб юрибдию... Ишончли жойга қўйиб келганмиз, кўрқманг. Пул ёнингизда бўлса кетдик. Шошиб турибмиз, бизнинг бошқа ишларимиз ҳам кўп.

Ноилож машинага ўтирдим. Бунақа ўйинни бир бошлаб қўйгандан кейин ундан чиқиш қийин бўлади.

Номаълум томонга қараб жўнадик. Ўзларини ҳеч нарса бўлмагандек тутишяпти, мен ҳам уларнинг пойинтар-сойинтар гапларига тез-тез қўшилиб, ўзимнинг ахмоқона фикрларим билан энсаларини қотириб турибман. Ҳаш-паш дегунча шаҳардан чиқиб кетдик. Сиртимда сездирмасликка ҳаракат қилсам-да, (ким айтди оператив вакил кўрқмайди, деб) ичимни ит тирнаб бораяпти. Ниҳоят менинг сабрим тугади. Ўзининг ҳали тирик танангни қотиллик жойига олиб кетишаётган бир пайтда индамай, мўлтайиб кетавериш ярамайдида, ахир.

- Бўлди, тўхтатинг. У ёғига бормайман.

Менинг талабимдан кейин ҳам у-бу дейишиб, анча ергача машинани

тўхтатмай боришди. Ниҳоят секинлаб, йўл четига ўтдик. Аммо энди кимсасиз жойга келиб бўлгандик.

- Меҳмон, нима бўлди? - ҳайдовчи ёнида ўтирган Бек орқасига, менга ўтирилди ва бир вақтнинг ўзида қўйин чўнтагига қўл юборди.

- Товар аслида бор нарсами? Бўлса берингизларда, мени оввора қилмангизлар.

- А? Сизга товар керак эди-я? - Бекнинг овоз оҳанги бирдан ўзгарди - бу энди қўй оғзидан чўп олмаган кишининг товуши эмасди - ва чап қўли билан эшикни қулфлайдиган тутмасини босди. Кўз юмиб очгунча Бекнинг қўлида АК-74 маркали автомат пайдо бўлди. Бутун аъзойи баданимни совуқ тер қоплади. Миям эса симини сувараклар гажиб ташлаган компьютердек нимани қабул қилганию нимани чиқараётганини билмай, танамга раҳбарлик қилиш қобилиятини йўқотди. Дақиқалар соатлардек секин ўта бошлади ва бу айна дамда менинг ўзимни тезроқ ўнглаб олишга ёрдам берди. Қарасам, ҳайдовчи батареяси ўлаётган қўғирчоқдек секин-аста чўнтагим томон қўл чўзаяпти.

- Пулни чўз, - деди бири хириллаб.

Яшириб нима қилдим, назаримда ўтирган жойим исиб, остим хўл бўлиб қолгандек эди. Тамом, шарманда бўлдим (мурдани кўздан кечириш далолатномасини ёзаётган опервакил қанақа гапларни битаркан?).

«Менда пул йўқ, боягилар қалбаки эди», - дейишга ҳам тобим етмасди. Аслида мен унчалар ҳам кўрқоқ эмасман. Бироқ! Ўлгиси келмас эканда одамнинг. Қолаверса ҳаёт ширин, қилинадиган ишлар кўп, эрталаб берилган топшириқ ҳали бажарилмаган. Шуниси етмагандай дўкончадан содир этилган ўғирликни далилий ашёларидан бири - бир ўрам доллар суврати туширилган календарлар чўнтагимда юрибди. Терговчилар йигитларимизни эзиб юборишади.

Босқинчилар чўнтагимга беҳаёларча қўл суқаётган бир пайтда мундоғ мўралаб қарасам, автоматнинг сақлагичи тепада турибди! Демак, минг карра чаққон ҳаракат қилишса-да, 10-15 дақиқалар ичида отишолмайди. Бу дақиқалар нақадар қимматли-я! Ногоҳ

эшикни очдим-у жон-жаҳдим билан ўзимни ташқарига отдим. Ниятим, беш-ўн одим наридаги дарахтнинг панасига ўтиб олиш. Бахтимга улар мен ўйлаганим каби отишга улгуролмай қолишди. Кўз очиб юмгунча дарахт ортига ўтиб беркиндим. Шундагина тезкор вакилгим, ёнимда қуролим борлиги ёдимга тушди, аллақандай жиноятчилардан қочиб юрганымдан уялиб кетдим. Тўппончамни олиб ўқладим ва бақирдим:

- Қонун номи билан буюраман, қуролни ташланг, сиз қўлга олиндингиз.

Нариги томондан кулги овози эшитилди, сўнг биттаси жавоб қайтарди:

- Яхшилиқча пулни бу ёққа ташла, бўлмаса онангни учқўрғондан кўрсатамиз.

- Пулни катта холангдан оласан, қуролни ташла, деяпман. Бўлмаса, ўзингга ёмон бўлади.

Энди мен ўпкамни босиб олгандим.

Автоматнинг тариллагани, ўқнинг чийиллагани овозлари эшитилди, дарахтдан пайрахалар сачради. Ярамаслар, ҳазил-ҳазил билан одамни ўлдириб қўйишдан ҳам тойишмайди, шекилли. Аммо, отишни билмас экан, буларни ҳам БХТ (бошланғич ҳарбий таълим)дан Насрулло малим ўқитганми нима бало? Неча марта айтиш керак, нишонни сал пастдан олиш лозим, отганда кўтарилиб кетади, деб... Яна отиб қолишди. Бу сафар ҳам ўзларини ўрдак овига чиққандек тутишди. Мен эса минг бир муаммолар олдида саросималаниб турардим. Хўш, ҳозир отсам, прокурор нима деркан? Ноқонуний деб топмасмикан? Отгандан сўнг уч соат ичида маълум қилиш керакмиди прокурорга ёки бир сутка мобайнида? Ёдимдан кўтарилибди. Бу орада уни қайдан топаману кимдан сўрайман... Мана ташвиш, ана ташвиш...

- Эй, пулни ташла, - деган овоз эшитилди ва машинанинг эшиги очилди. - Бўлмаса ўзимиз бориб оламиз.

- Менда пул йўқ. Милицияданман, яқинлашадиган бўлсаларинг, отиб ташлайман, қуролни ташлаб таслим бўлинглар, - ўдағайлаган бўлдим ўзимча ва бундан ўзим ҳам наъша қилдим: кўрққанымдан рангим супадек

оқариб кетганини жуда яхши билиб турардим-да.

Менинг катта кетишимдан жаҳллари чиқиб, тагин варанглатиб ўқ узишди. Бу сафар улар жуда пастлаб учди, ҳатто биттаси қулоғимни ялаб ўтгандек бўлди. Мана тажриба нималарга қодир. Шундагина прокурор ҳам, Насрулло ака ҳам, ҳатто туққан онам ҳам ёдимдан кўтарилиб кетди.

- Отаман, - деб қичқирдим жон ҳолатда ва изидан осмонга бир ўқ уздим.

Улар бунга жавобан менга қарата автоматларини яна тариллатишди. Аъзою баданим музлаб, кўзларимнинг олдида арвоҳлар учиб юргандек бўлди. Ўқнинг чийиллаши тингач секингина мўраласам, ҳамроҳларимдан бири йўлнинг четида туриб, автоматининг кўндоғини елкасига тираганча мени нишонга олаяпти. Апил-тапил унинг оёғини кўзлаб ўқ уздим. Рақиб инграб қолди. Иккинчиси унга ёрдамга шошилди, судраклаб машинага сола бошлади. Энди мен учун хавф анча-мунча пасайганди. Бир пайт машина вағиллаб жўнаб қолди. Шу орада ўша ярадор рақиб мен томонга пала-партиш қилиб ўқ узди.

Ерга қапишганча қолавердим. Суякларим қақшаб зирқирарди.

Ниҳоят, шу ётишда ухлаб қолишим, прокурор келиб қўлимга кишан солмагунга қадар уйғонмаслигимни англаганимдан кейингина бир амаллаб ўрнимдан турдим. Бу сенга кино эмас, дедим ўзимга ўзим ҳамон қалтираётган аъзою баданимни тинчитишга беҳуда уриниб. Боя шимим намиққандай туюлганди, йўқ куп-қуруқ экан. Буниси қувончли, албатта.

Биринчи навбатда тўппончанинг ўқини чиқариб, сақлагичга қўйдим ва отганларимнинг гилзаларини қидира бошладим. Ҳисобот учун керак бўлади. Роса зерикарли иш-да. Дахмазаларни зўрға топиб, ўрнимдан туриб, уст-бошимни қоқаётганимда англадимки, ёнимда хизмат гувоҳномам йўқ. Доим уни солиб юрадиганим - қўйлагимнинг кўкрак чўнтаги йиртилиб, осилиб ётарди. Ана холос, боя анавилар доллар излашаётганда чўнтак йиртилгану, гувоҳномам машинада тушиб қолган бўлса керак.

Шу аҳволда мен аллақандай дайди эдим, холос. Отимни ҳам сўрамай,

тўғри қабуллаш-тақсимлаш муассасасига юбораверса бўлади. Энди ортиқча азият чекишнинг ҳождати йўқ.

Гувоҳномамнинг йўқолгани чатоқ бўлди-да. Кадрдагилар уни беришаётган маҳалда ўзинг йўқолсанг йўқолки, бу йўқолмасин, дейишганди. Ҳозир эса ўзим ҳам, гувоҳномам ҳам йўқолиб ўтирибди. Шундай бир шароитда босқинчиларни излашнинг ўзи кулгили. Ёнимда 123 сўм пул, битта тўппонча бор, 14 дона ўқи билан. Булар билан нима қила олиш мумкин? Туманга қайтадиган бўлсам (аслида бунинг ҳождати йўқ, шошмасам касбдошларимнинг ўзлари келиб панжарали машинада элтиб қўйишади) киракаш бор пулимни шилиб олади. Тўппончадан эса энг сўнгги вазиятда фойдаланиш мумкин. Бу шаҳарда бирорта танишим йўқлигини эътиборга оладиган бўлсак, манзилга етиб келай, деб қолганимни англаш мушкул эмасди. Бошқармага бориб ёрдам сўраш мумкин-у, бироқ айти пайтда у ерда ҳам навбатчидан бошқа бирор кишини топиш мушкул. У менинг афт-ангоримга қараб, дайдиликда айблаб, қамаб қўйиши аниқ. Бунга эса ҳали улгуришим мумкин.

Ётиб қолгунча отиб қол қабилда иш тутиб, шаҳардаги барча касалхоналарнинг жарроҳлик бўлимларини кўриб чиқмоқчи бўлдим. Ахир анави яраланган босқинчи оёғимни мих тешиб юборди, деб ётиб олган бўлиши мумкин-да.

Дастлабки касалхонанинг қабул қилиш бўлимидаёқ дами чиқиб кетган коптоқдек бўлиб қолдим. Шу ерда ўтирган эзма кампир «тоғангнинг памиялиси нима?» - деб туриб олди, айтолмаганимдан кейин, шубҳа билан қараб, бугун бор-йўғи битта учбуруғ, иккита жигари шишган касал келганини айтди. Унинг гапларига ишонмай, жарроҳлик бўлими томон жўнадим. У ерда оппоқ халат кийган қизча эшик ёнида турган экан, оёғини тракторнинг свечаси (кейин билсам, тракторда бунақа нарса бўлмас экан) тешиб кетган тоғамни сўрадим, шубҳамга ўрин қолдирмаслик

мақсадида ўзим халқаро алоқалар институтида ўқишимни, ҳозиргина самолётдан тушганимни маълум қилдим. Қиз менинг уст-бошимга ҳайрон бўлиб термулганча, афтини бурди. Менимча, шу ипирски шундай даргоҳда ўқийдиган бўлса, 10 йиллардан кейин ташқи сиёсатнинг ҳолига маймунлар йиғлар экан-да, деган ўйга борди-ёв.

- Тоғангизни мелисаям қидириб келди, лекин ҳозирча ундай одам бизда йўқ, - деди ҳамшира эътирозга ўрин қолдирмай.

Бу гапдан ажабланмадим, чунки кўзим йўлак бўйлаб ҳар бир эшикдан мўралаб келаётган икки нафар басавлат, куртка кийган кишига тушганди. Бу иссиқда фақат оперларгина тўппончасини яшириш учун шундай ўраниб олиши мумкин. Оперлар билан тўқнашишни жуда-жуда хохламай тургандим айти пайтда.

Қиз шу гапни айтдию, менинг уст-бошимдан бурқсиб чиққан чангнингина кўриб қолди.

Тушкун бир кайфиятда касалхонадан чиқдим. Йўқ, барибир эрталабгача гувоҳномамни топишим шарт. Эмасам, уни йўқотганим, беҳуда отишма қилганим, бўйруқни бажармай, бошқа томонга кетиб қолганим ва ниҳоят касалхоналарда санқиганим учун роса адабимни бериб қўйишади. «Эрталаб ҳисобот бергани прокурорнинг олдига борганимда у орқамдан шунча галвани етаклаб келганим учун кечирмаса керак» - деб ўйлайман.

Бу шаҳарда бирорта танишим йўқ. Аксига олиб, таксистлари йўл ҳақиға оталарининг ҳам нархларини қўшишар экан, битта касалхонага келтириб қўйганига бор пулимни бердиму ўзим мана икки қўлимни бир жойга тикқанча турибман, нима қиларимни билмай. Оғир пайтларда менинг каллам тез ишлаб кетади ва ўзим кутмаган ҳолларда ақли хулосалар чиқариб юбораман. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Пул излаб чўнтақларимни кавлаштираётган пайтимда боя меҳмонхонадаги қизнинг پاسпорти чиқиб қолди. Охири паспортда битилган манзилга боришга аҳд қилдим.

Қизнинг исми Маҳбуба экан, ёши 19 да, Гулираъно кўчасида тураркан.

Сўраб-сўраб, пойи-пиёда кўзланган жойни топиб борганимда нимқоронғу бўлиб қолганди. Эшикнинг кўнғироғини босганимда ичкаридан аёл кишининг «ким?» деган овози эшитилди. Ихтиёрсиз равишда «милиция» деб юборибман!

- Дарров қайтиб келишдимми? Безор қилиб юборишади энди, - ичкаридан аёл кишининг норози оҳангда нолиши эшитилди.

Шунга қарамасдан эшик очилди ва рўпарамда ёши қирқлардан ўтиб қолган, ўзига оро берган, келишган жувон пайдо бўлди. Маҳбубанинг шу ерда туриш-турмаслигини сўрагандим, у индамай орқасига қайтиб кетди, ошхонага боргандан кейингина «Чиқ, сенга келишибди», - деди. Маҳбуба деганимиз ростдан боя меҳмонхонада кўрган қиз экан, мени кўриб ҳайрон бўлди. Устимнинг афтодалигидан ўзим хижолат чекиб: «мен», дедим.

- Кўриб турибман, - қизнинг нигоҳларида безбетликка, беҳаёликка ўхшаш бир нарса бор эди.

Манзиратни кутиб ўтирмай, ичкарига кирдим. Ҳали танишиб улгурмаган кишидан қарз сўраб бўлмайдик-ку. Шунинг учун олдин танишиш лозим.

- Паспортни олиб кетиб қолибсиз, - деди Маҳбуба ноз-неъматлар тўкиб ташланган хонтахта ёнига ўтирганимиздан кейин. - Милиция келиб, роса суриштирди. Кэвэдэга олиб борди, яқинда қоғоз олганим ёрдам бериб, қўйиб юборишди. Милиционерларга сиз ҳақингизда гапириб бергандим, роса ҳайрон қолишди, тузилишингизни эзмаланиб сўрашдики, сизларда ҳам рэкетчиларга ўхшаб жойларни бўлиб олиш борми, деган ўйга бориб қолдим.

- Хола, - дедим ёнимизда ўтирган аёлга (бу ерда иккаласидан бошқа киши йўққа ўхшайди), - қизингизда муҳим гапим бор эди, бир дақиқага бизни холи қолдиrolмайсизми?

- Бемалол агпираверинг, - Маҳбуба кулиб юборди. - Ойим ҳаммасидан хабардор. Шунинг орқасидан кун кечирамиз.

У касбига шаъма қилаётганди.

Уй жуда ажойиб қилиб безатилганди. Касбининг баракасини берганга ўхшайди бунинг.

- Мени нима иш қилишингиз эмас,

кимларни танишингиз қизиқтиради.

Маҳбуба мен ўйлаганимдан ҳам енгилтакроқ қиз экан. Бидирлаб гап бошлаб кетдики, на боши бор ва на охири. Тўғри, суяқ оёқ қизларнинг аксарияти ҳеч кимдан бегонасирамайди, ҳаммани ўзларига яқин олади, кўнгилчан бўлади, салгина ғамгин гапирсангиз дарров кўнгиллари юмшаб, раҳмлари келади ва кўлларидан келган барча ёрдамларини аямайди. Аслида мен ҳам шундан умид қилгандим.

Ниҳоят, қизимиз нафас ростлаш учун бироз тўхтаган пайтда дардимни дастурхон қилишга тушиб кетдим, бор гапни яшириб ўтирмадим, чунки айни пайтда ўз аҳволимдан-да аянчлироқ бирор нарсани ўйлаб тополмасдим. Қиз бироз ўтиб ростдан ҳам ҳикоямга қизиқиб қолди, бундайларга гумонсираш бегона бўлганлиги туфайли, ёш болалардек содда нигоҳлари билан термулганча, мўлтайиб ўтирар, кўзларининг милтиллашидан раҳми келаётгани шундайгина сезилиб турарди. Бошимдан ўтган гапларни айтиб бўлганимдан сўнг ундан икки масалада ёрдам беришини сўрадим. Биринчиси, шаҳардаги ўзи билладиган, жинойтчилар тўпланиши мумкин бўлган ўйларнинг манзилларини ёзиб бериш (қасб тақозоси билан кўпроқ шунақа жойларга яқин юришади-ку), иккинчиси, икки-уч кунгача 500 сўм қарз бериб туриш. Қиз ўйланиб қолди. Бу менинг бир оқшомлик иш ҳақим-ку, деди ўйчан бир тарзда. Фурсатни қўлдан бой бермаслик, эришилаётган ғалабани янада мустаҳкамлаб олиш ниятида ҳужумга ўтдим:

- Агар ишонмасангиз шарт эмас, чунки менинг айни дамда ёнимда ҳеч қандай ҳужжатим йўқ, бунга асосингиз бор. Аммо бу шаҳарда, яна айтаман, ҳеч кимим йўқ, сиздан бошқа. Бу ерда кимнидир танисам, у ҳам сиз. Лекин мен бировнинг пулини еб кетадиган йигитлардан эмасман, қайтараман...

Маҳбуба индамай ўрнидан турди ва нариги хонадан қоғоз, қалам олиб келдию хонтахта устига қўйиб, алақандай манзилларни ёзиб, уларга бориш йўларини тушунтира бошлади. Ўқларим нишонга теканди. Бир соатга яқин бу хонадонда бўлиб, ҳам қоринни тўқладим, ҳам пул ва керакли

маълумотларни, тўғрироғи жинойтчилар йиғилиши мумкин бўлган тўрт адресни олдим.

Дастлабки учта манзилда ўзимни қизиқтириши мумкин бўлган бирорта ҳам маълумот ололмадим. Иккитаси сув қўйгандек жим-жит. Биттасида кимнингдир туғилган куни бўлаяпти, ашулаю шовқин авжида. Ҳовли экан, деразасининг остида жунжикиб икки соатга яқин ўтирдим, на мен таниган йигитлардан ва на жинойтга яқинроқ бирор ҳаракатдан дарак бўлмади. Қорадори чекишиб қолармикин, деб деразанинг тирқишидан роса ҳидладим, сигаретнинг аччиқ тутунидан бошқа жинойроқ ҳидни сезмадим. Ахийри бу ерда бирор нарса аниқлашимдан умидим узилгач, ўрнимдан турдим, кўрқувни ҳам унутиб (гувоҳномамни йўқотганим учун замполитдан, ўқ отганим учун прокурордан эшитадиган гапларнинг олдида тўрт-бешта мастнинг тепкиси нима бўлибди, дейсиз ҳақиқий опер учун) дарвозанинг ёнидаги қўрада жизиллабгина пишиб, ёғи кўмирнинг устига томиб турган кабобдан тўрт сихини олиб, йўлимга равона бўлдим. Кабоб барибир кабобпазнинг маст бўлиб алақайда ухлаб қолганлиги ёки қайсидир қизга илакишиб кетганлиги сабабли куйиб кетарди. Шу жиҳатдан олиб қараганда ўғирлик эмас, савоб иш қилдим.

Буларни текшириб кўриш учун тахминан олти соатга яқин вақт сарфладим. Тушкун кайфиятда бир қўлимда кабобнинг сихларини осилтириб, иккинчисида эринчоқлик билан сал-пал қотиб қолган гўштларни оғзимга ташлаб, кўчанинг ўртасида Маҳбуба чизиб берган чизмага асосан тўртинчи - охирги манзил томон жўнадим. Бу шаҳар пойтахт эмас, албатта. Бирорта тирик жонзотни учратиш мушкул, чироқлар ҳам чорраҳалардагина бор, қолганлари ўчиб ётибди, иқтисодни жуда жойига қўйишади, шекилли. Шаҳарнинг қонунни ҳурмат қиладиган фуқаролари ҳам, қилмайдиганлари ҳам уйкута кетган. Тўғри бораяпманми, йўқми, билмайман, ҳар ҳолда ички бир оператив туйғу шу томонга қараб етакляпти. Умунан машина йўқ, афсус, ёнимда яна бир марта таксига минадиган пул қолувди.

Ярим соатлар юрганимдан кейин бу машғулоти жонимга тегди, бир томондан кўзларим ачишиб, уйқум кела бошлади, иккинчи томондан оёқларим қақшаб оғришга тушди - унинг гувоҳномамни йўқолгани, ишнинг бу ёғи расво бўлиб ўтиргани билан нима иши бор. Хоҳласа оғрийверади. Бироз нафас ростлаш ва дам олиш ниятида шу яқиндаги дарвоза ёнидаги ўтиргичга ўзимни ташладим.

Кўзим илашган экан кўчанинг ўртасидан алақандай «Москвич» гуриллаб ўтганда уйғониб кетдим. Уйқусираб турганим сабабли ортидан югуриб чиқмаганимдан роса афсусландим, қарасам жуда узоққа кетмайдиган кўринади, тезлиги катта эмас. Ўзимни ўнглаб олганимдан кейин, бориб элтиб қўйишни илтимос қилиш ниятида ортидан йўлга тушдим, овозининг ўчганига қараганда узоққа кетгани йўқ.

Адашмагандим, машина анча нарида, дарахтнинг остида турарди, ёнида тирик жонзотдан асар йўқ. Қайга кетган бўлиши мумкин эгаси? Ярим кечаси эси бор одам бировнинг эшигини тақиллатиб, кўчада турган машинанинг ҳайдовчисини суриштириб юрмайди. Битта-яримта жаҳддори учраб қолса, қуруқ гап билан қутулиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Шу атрофдаги ҳовлиларни кузата бошладим, эгаси келиши билан учиб кириб, уйқуга кетмагандир... Анча наридаги девор ёнидаги қора шарпа хаёлимни олди: алақандай баҳайбат махлуққа ўхшайди, девор оша мўралаяпти. Ёшлигимдан ажина ҳақида катталардан эшитган гапларим ёдимга тушиб, ичимга титроқ кирди, рост гапга ўхшайди. Касб нуқтаи назаридан ажинадан кўрқиб ҳаққим йўқлиги, нима бўлганда ҳам кузатишим лозимлиги ёдимга тушиб, қоронғуда сездирмай уларга яқинлашдим. Янглишган эканман, ҳалиги баҳайбат бўлиб кўринган нарса тўсатдан икки бўлиниб, ярми деворнинг орқасида кўздан йўқолдию, булар бир-бирининг устига мингашиб олган икки киши эканлигини англадим. Ўғирлик!..

Ҳовлини айланиб ўтиб, орқа тарафдан девор ошиб мен ҳам ичкарига кирдим. Чунки ташқарида қолган шарпа кўзимга жуда баҳайбат кўринди, қўл жанги билан қойиллатиб

шугулланган бўлишимга қарамай, тўшпончани қўлламайдиган бўлсам кучим етмайдиганга ўхшайди. Тўшпончани ишлатишдан эса энди худо сақласин. Бу борадаги бир йиллик режани ошириб бажариб қўйдик бугун. Ичкаридагиси балки ўзимизга ўхшаган, нимжонроқдир... Бундан ташқари, ташқарида бир қор-ҳол бўлгудек бўлса, ўзимни оқлаб олгунча сочларим оқариб кетади, ичкарида эса ўғирликка тажовуз бўлганлигини исботлаш осон. Ўзим деворга тирмашаяпману бугун бошимдан ўтганларининг ҳали ками бормиди, дея нолиб қўяман. Бу ерда нималар кутаяптию, қанақа саргузаштлар рўй бериши мумкин? Буларнинг иккаласи икки томонга қочиб бергудек бўлса, бақир-чақирни эшитиб чиққан қўшнилари ўзимни ушлаб милицияга топшириб юборишлари ҳам мумкин. Ана ундан кейин исботла айбсизлигини. Ярим йилликни яқунлашга оз қолди, прокуратуранинг қонунчилиги борасидаги кўрсаткичлари ўтган йилгисига етмай турган бўлса, худо беради. Барча тезкор вакиллардек қисқа ва лўнда уйладиму, ҳаракатга киришдим. Тузган режам мундоғ эди: ичкаридаги йигитни қўлга оламан, у орқали ташқаридагини қуролсизлантира-ман (қуроли бўлса, умуман бўлмаса ҳам), сўнг иккаласини ҳам қўлини орқасига бойлаб, ётқизаману, «02» га қўнғироқ қилиб воқеани айтиб, жуфтакни ростлайман, аниқроғи гувоҳномани қидиришга кетаман. Бўлмаса ушлаб олишиб, ўзимни ҳам уларнинг ёнига тикиб қўйишади.

Мен буларни ўйлаб бўлгунимча жиноятчилар ўзларининг ишларини бажаришга киришмади. Ҳовлидаги жиноятчи (ҳақиқатан ҳам нимжон экан, тажриба алдамайди) тимирскиланиб ниманидир излаб юрарди эшикнинг ёнида. Бу уйда ҳеч ким йўққа ўхшайди. Атроф зимистон. Ниҳоят шарпа эшикни бузиб, хонага кириб кетди.

У куймаланиб бир-икки нарсани олиб чиққанча анча кутишга тўғри келди, учинчи марта каттагица тугунни олиб чиқиб, девор оша ташқаридаги шеригига узатаётган маҳал орқасидан пусиб бориб, ўқланмаган тўшпончанинг совуқ нилини унинг бўйнига тирадим:

«Кўлингни кўтар, милиция».

Бечоранинг кутилмаган тасодифдан ўтакаси ёрилиб, жони чиқиб кетгани шундай сезилди. Бутун танаси дир-дир титрай бошлади ва кўлларини беўхшов бир тарзда осмонга кўтарди, менинг бундан қулгим қистади, аммо ишни бузиб қўймаслик мақсадида, тишимни тишимга босдим. Бу юрак билан ўғирлик у ёқда турсин, чойхонага бедана уриштиришга ҳам бориб бўлмайдику. Ростини айтадиган бўлсам, ўзимнинг ҳам тиззаларим қалтираяпти, фақат менга куч бағишлаб турган нарса шеригимнинг кўрққани. Қарасам, унинг кўл кўтариб туриши бўлмайдиган, тўсатдан уриб қолиши мумкин. Чап кўлим билан уларни пастга тушириб, милиция мактабида ўргатишгандек қайириб ушладим.

- Кўйворинг, жон ака...

Ниҳоят тилга кирди у. Нариги томондан эса секингина овоз келарди: «Эй Собир, ўлиб қолдингми, тез бўл».

- Бу ерда битта милиция бор экан...

- қалтираб овоз чиқарди Собир деганлари.

- Битта эмас, - дедим мен паст кетишни хоҳламай, - группа кутиб турибди нариги томонда.

Шундан кейин биз ташқаридагини на овозини эшитдик ва на қорасини кўрдик. У офтобда қолган муздек эриб, ғойиб бўлганди.

- Гап бундай, - дедим ташқаридан югураётган кишининг оёқ товуши эшитилмай қолгач. - Ҳамроҳинг сени худога топшириб, хайрни қарз қилиб, кетиб қолди. Энди тақдиринг менинг кўлимда, камида беш йилга кетиб турибсан. Кетдик машинага...

- Жон ака, келишайлик... иккинчи бу номаъқулчиликни қилмайман... Улай агар... - ялинишга тушди йигитча.

- Келишсак ҳам бўлади, - мен ўзимни товоққа солиб, нархимни ошириб ўтиргим келмади. - Лекин жуда қиммат сўрайман...

- Мен, ака, эркакман... Қанча сўрасангиз тўғрилаб бераман. Эркакмисиз?

- Хафа қилаяпсан... Шу ерда кўрсатиш жеракми?

Ўзи-ку кўрққанидан шимни ҳўл қилай деб турибдию, гапини қаранг.

- Қанча сўрайсиз? - Унинг баданига қон югуриб, овози дадиллаша бошлади.

- Қанча эмас, нима де.

- Нима?

- Иккита нарсани сўрайман. Биринчиси, менга гуруҳингдаги Ботир, Бекларнинг яшаш жойи керак.

- Унақа одамларни танимайман.

- Битта имкониятинг қолди, жавоб бермасанг олиб бориб тиқиб қўяман, онангни кўрасан... Шайкаларингни ичида бутун ким оёғидан ўқ еди? Ёки ким хирург излади?

- Ҳеч ким.

- Демак, билмайсан. Унда сен билан пачакилашиб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Қани, юр.

- Шошманг, боя Баҳодир ака хирурглардан яқин танишинг борми, деб сўраётганди.

- Нима қиларкан?

- Айтмади.

- Баҳодир аканг ким?

- Боя деворнинг нариги томонида турган киши.

- Қочиб кетдию у.

Шартлашганимиздек, сени олиб бориб қамашга мажбурман. Демак, айб менда эмас, имконият бердим сенга, кўлингдан келмади.

Йигит ялинишга тушди. Бир томондан унга раҳмим келди, ўзим тенги экан, бундан ташқари афтидан, гапларидаң ашаддий ўғрига ўхшамайди. Йўлдан уришган кўринади. Иккинчи томондан ташқарида кутиб турган машина, гуруҳнинг ўзи бўлмаса буни шу пайт қайга судраб бораман. Наряд чақиришнинг бир арава ғалваси бор. Бунда вазият энг яхши тамом бўлган ҳолда ҳам буни қўйиб юбориб, мени олиб кетиб қолишлари мумкин, чунки унинг яшайдиган жойи аниқ, мен эса қип-қизил дайди. Қолаверса, машина менга айни пайтда сув ва ҳаводек керак бўлиб турибди. Шунинг учун режанинг қолган қисми тесқари томонга қараб ўзгариб, Собир мен билан кетадиган бўлиб қолди. Бунгача у шу уйдан «02» га қўнғироқ қилиб, ўзининг исм-шарифи, яшаш жойи, қаерга ўғирликка тушганини, ниятидан қайтиб, ўғирланган нарсаларни деворнинг ёнида қолдираётганини айтди. Шу билан уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, тўғри йўлга бошладим. Бундан ўзим ҳам манфаатдор эканимни кўриб турибсиз. Нима қиласиз, ҳаёт шу экан-да.

Собирнинг машинасига ўтириб

Баҳодир ака деганларини излаб кетдик.

- Бирор ўйин кўрсатаман, деб хаёлингга ҳам келтириб ўтирма, сен ҳақингда ҳамма маълумотлар милицияда бор, - дедим тўппонча билан ўдагайлаб. - Менга бирор нарса бўлса сени ушлашади.

Қизиқ, деб ўйладим машинада кета туриб, прокурор менинг бу ҳаракатимни қандай таснифлар экан (қонун билан ишлаганинг-дан кейин, ҳамма ҳаракатингни шунга солиб кўриш касалига йўлиқаркансан)?

Баҳодир акасининг уйи анча йироқ экан, ярим соатга яқин юрганимиздан кейин, Собир яна шунча қолди, деб турганида бир шарпанинг, атрофга олазарак бўлиб кетаётганига кўзим тушиб қолди.

- Ана, ўша... - деди Собир андак ҳовлиқиб.

«Ўша» эса изидан тушганимизни кўриб, ҳаллослаб қочишга тушди. Оёқларининг чалкашиб кетаётганидан, итдай чарчаган кўринади, ишқилиб бирор пучмоққа ўзини уриб кетмаса марра бизники. Ўйлаганимча бўлди ҳам, ҳали биз уни берилиб қувмасимиздан буруноқ ўмбалоқ ошиб йиқилди ва шу ётганича қотиб қолди. Афтидан у орқасидан келишларини кўп кутгану, ҳеч кимдан дарак бўлмагач, ташвишлана бошлаган. Мана энди ўзига келиб, шукр қилиб, дам олаяпти. Буни жиноятчиликнинг фалсафаси ва мантиғи дейилади.

Машинадан минг қўйли бойваччадек тушиб, тепасига бордим ва ваҳима учун тўппончанинг затворини шарақлатиб қўйдим, ҳолбуки ўқларнинг ҳаммаси ҳануз чўнтагимда турарди.

- Сиз ўғирликда айбланиб, қўлга олиндингиз, - овозимнинг дўриллаб чиққанидан қилигим ўзимга-да ёқиб тушди.

- Сотдими, номард? - деди у ётган жойида орзига кирган чанг-чунгни пуфлаб ташлаш билан бир вақтда.

- Сизни сотаман, деб кимнинг кўзи учиб турибди? Ўзингиз кўрққанингиздан жуфтакни ростлаб қолдингиз-ку, яна бошқаларни айблайсиз. Туринг ўрнингиздан. Бундан кейин ёшларни жиноят йўлига бошлашни бас қилинг... Гап бундай, мен сиздан бир нарсани сўрайман,

агар тўғри жавоб берсангиз, қўйиб юбораман, бўлмаса... Умуман бу ёғини ўзингиз биласиз, бу борада янги одамга ўхшамасиз.

У ўрnidан турар экан, ҳали қутулиб кетиш имкони борлигидан дадиллашди.

- Нима ҳақда? - у кўзимга тик қарашга ботинолмаганидан эғнини қоқиш баҳонасида гап қотди.

- Бугун хирург кимга керак бўлиб қолди? - тўппончамни ўзимча силкитиб қўйдим, сиёсат учун.

- Ҳеч кимга, - ажабланганга солмоқчи бўлди у ўзини, аммо овозида ясамалик сезилиб турарди.

- Демак, қулутлиб кетишга хоҳиш йўқ...

Шундай дея унинг қўлларини орқасига қайирдим, ваҳима учун тўппончанинг совуқ нилларини бўйнига теккиздим.

- Бўлди, бўлди... пешиндан кейин хирург сўраганми? Шунини тушунтириброқ сўранг-да, начайник. Мададга керак экан. Нимагалигини айтмади. Унга сўз берганман бу ҳақда ҳеч кимга чурқ демасликка. Йигит йигит билан келишгандек келишиб олсак, сиз буни мендан эшитганингизни бировга билдирмасангиз.

- Хирургни топиб бердингизми йўқми?

- Йўқ.

- Мададнинг манзилини айтинг, тез. Ёлгон гапиришни хаёлингизга ҳам келтирманг, бизда сизнинг маълумотларингиз бор, керак бўлиб қолсангиз ернинг тагидан ҳам топиб оламиз. Ҳозирги ўғирликни эса бўйингизга қўйиш оғир иш эмас.

Мададнинг манзилини билиб олгач, эртага эрталаб милисахонага бориб, ўз ихтиёрлари билан жиноятдан қайтишганлари ҳақида ариза ёзиб келишларини уқтириб, иккаласини ҳам қўйиб юбордим. Собирдан Мададнинг уйига олиб боришни сўрамоқчи бўлдим, очик гап, улар икки киши бўлишгандан кейин чўчий бошладим. Пешиндаги отишмадан кейин синалмаган одамларнинг олдида юришга чўчидиган бўлиб қолдим. Улар машинага ўтириб, жўнаб қолишгач, қоронғуда билиб олган манзил томон равона бўлдим. Шаҳарда мендан ва онда-сонда акиллаб турган

лайча итдан бошқа тирик жон зоти йўқдек, атроф зим-зиё эди. Инсофлироқ ҳайдовчи келиб қолса, Мададнинг манзилига ташлаб келишни илтимос қилиш мақсадида кўчанинг ўртасига чиқиб олиб кетавердим. Ниҳоят, орқа томондан машинанинг гувиллаган овози эшитилди. Суюнганимдан ўзимни йўқотиб, четга ўтишни ҳам унутган ҳолда қўл кўтара бошладим. Машина ёнгинамга келиб тўхтади:

- Йўл бўлсин? - ичкаридан форма кийган милиционернинг боши кўринди. Эътибор қаратмаган эканман, машина сариқ рангли, патрул-пост хизматиники экан.

- Иигитлар айна пайтда келдиларинг, менга Тўпчи кўчаси керак, 41-уй. Ташлаб келасиларми?

Ҳайдовчининг ёнидаги милиционер эшикни очиб, ёнимга келди:

- Қаерларда ичиб, ағнаб юрибсан?

- Мен... - ўзимнинг милицияда, жиноят-қидирувда ишлашимни айтмоқчи бўлдим, милиционерлар фурсат бермади:

- Гапни айлантирмай куф, де. - деди баджаҳл сержант.

Мен куфладим. Кун бўйи юзлаб маст-аласту, жиноятчи билан талашиб юрган милиционер билан тортишиш яхшиликка олиб келмаслигини жуда яхши билардим.

- Ҳиди йўқ. - деди ҳайдовчига қараб.
- Афсус... наша чеккан экансанда, бўлмаса?

Менинг инкор жавобимни эшитгач, жўрттага ўзини ҳайрон бўлганга солди:

- Ундай бўлса кимнингдир уйини ўмариб келаяпсан...

Унга қолса мен барибир жиноятчи эдим.

- Мардикорлик қилиб пул ишлашга келгандим, адашиб қолдим, - айна пайтда шундан-да ақлли гап хаёлимга келмаганди.

- Ҳужжатларинг борми?

Бошимни «йўқ» ишораси билан сарак-сарак қилдим.

- Ундай бўладиган бўлса машинага чиқ, бўлимда гаплашамиз, - деди милиционер машинадан тушар экан.

Мени машинанинг орқа эшигини очиб, ўша ёққа тиқиб қўйишганда, бу ёғи неча пулдан тушганини билолмай қолдим. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ

эди машинанинг махсус камерасида. Кичик, панжараланган туйнукдан милиционер бир-икки қараб қўйди, у негадир хурсанд, жағи тинмай, ҳайдовчига гапириб борарди:

- Кўрсаткич пасайиб кетган эмиш. Командирнинг гапига қара. Ўтган сменада тўртта дайдини ушлаб келсам, биттасини ҳам қабул қилишмади. Сенга шулардан бошқа йўқми, дейди. Булар ҳар доимги дайдилар эмиш. Шундан бир кун олдин қўйиб юборишган экан тўрталасини ҳам. Олдинроқ бир алкашни олиб келсам, уни ҳам олишмади. Ёнида шишаси бормиди, йўқмиди, йиқилганмиди, турганмиди, ичаётганмиди, ичиб бўлганмиди, деган сўроқлар билан бошимни роса гаранг қилишди. Худди мен ўша пиённинг улфатию, улар мени тутиб келтиришгандай. Прокурор қаттиқ олганмиш. Бугун манавига эътироз билдиришолмайди. Уст-бошири қара, ҳаммаёти тупроқ, хужжати йўқ. Мана кўрасан, яхшилаб суриштирилса, шунинг орқаси ҳўл.

Милиционер панжара орқали мен томонга бир ёмон қараш қилиб олгач, гапида давом этди:

- Кетидан беш-олтита ўғирлик очилиб кетса зўр бўларди-да. Мукофотли бўлиб қолардик. Лекин яхши қилдик шуни ушлаб, кўзига қарадингми, фирт жиноятчи. Агар шу ҳозир кимнидир талаб, ёки кимнидир ўлдириб кетаётган бўлса ҳам ажабланмайман.

Милиционер шундан кейин ҳам кўп гапирди, мен эса ҳозир бўлимда чўнтақларимни кўришиб, шахсий куриқдан ўтказишларини билганим учун тўшпончамнинг гамини еб қолдим. Агар хизмат гувоҳномам жиноятчиларда, тўшпончам милицияда кетадиган бўлса, менинг ўзим манави аҳмоқ бош билангина қоламанми? Қизиқ бўлади-ку. Ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутиб, тўшпончамни ўқлари билан ўнг оёғимнинг тиззасидан юқорисига дастрўмолда бойлаб қўйдим.

Ички ишлар бўлимида, сахар бўлиб қолган эмасми, ҳамма эснаб ўтирарди. Афтидан, навбатчи бизнинг сержантни ёқтирмас экан, хушламай, яна кимни

топиб келдинг, деди. Шу ерда бекорчиликдан зарикиб ўтирган навбатчи ёрдамчиси мени сержант билан биргаликда сўроқ қилишга тушиб кетди. Ўзим уларнинг саволларига шундай жавобларни топиб бердимки, ўзлари эсанкираб қолишди охири. Шахсий тинтув чоғида чўнтакларимдан чиққан, боя дарахтнинг остида думалаб ётган пайтимда кириб қолган тупроқ уларни ўйлантириб қўйди. Роса ҳайрон бўлишгач, бирор жиноятга алоқаси бўлиши мумкин, деб қоғозга носни ўрагандек ўрашиб, устига фалончининг чўнтагидан чиққан модда, деб ёзиб қўйишди. Бу ҳақда далолатномада ҳам кўрсатилди: 20 граммга яқин тупроқ рангидаги тупроққа ўхшаган модда, 10 минг АҚШ долларининг сурати, орқасидаги календари билан ва 142 сўм олинди, илова қилинмоқда.

Мен таваккал қилиб, ўзимнинг исм-шарифимни, яшаш манзилимни яширгандим. Ўйлаганим ростдан ҳам мен тўқиб айтаётган одамим бор бўлсаю, мени қўйиб юборишса. Аммо буларнинг гап-сўзларидан сезиб қолдимки, улар менинг шахсимни алақандай йирик, очилмай ётган жиноятларга олиб бориб тақашаяпти. Бир амаллаб бу икки сержантни алдарман, аммо кўрққаним тонггача қолиб кетиш. Шундай бўлса, ҳаммаси тамом.

Милиционерлар тўппончани топишолмади.

Мени панжара билан тўсилган катакка қамаб қўйишдию, алақандай эсини еган ўғрилар тўғрисида гаплашиб кетишди. Менга бўлган қизиқиш ҳам сўнди. Бир бурчакда ўтириб, кўзим бир илашиб олгач, ҳали бу қилмишим аҳмоқ бошимга бир челақ галва келтириши мумкинлигини тушуниб етдим. Тонг ёришиб келмоқда эди. Кўп кутгирмай узун-қисқа бўлиб навбатчилик қисмига Собир билан Баҳодир кириб келишди. Ўғирликка суиқасд қилишда айбланиб, жинойий жавобгарликка тортилиб кетсам керагов, деб шубҳалана бошладим. Худо билади, булар нималар деб вайсаши мумкин. Бечоралар роса кўрққан шекилли, қуёш чиқишини ҳам кутиб ўтирмай келаверишибди. Мен

ётган хонани навбатчилик қисмидан фақат панжараларгина ажратиб турарди, қисқаси шу ердаги қафасда ўтирардим, беданадек бўлиб. Тунги танишларим мени таниб қолишларидан чўчиб, тескари қараб ўтириб олдим, агар ол қулим, деб менинг ёнимга қамаб қўядиган бўлишса, худо берди. Қулоқларимни динг қилиб турардим.

- Хуш, хизмат? - деди навбатчи ўзининг ашқол-дашқолларидан нарида туриб.

- Мен... - деди Собир.

- Биз, - деди Баҳодир ака - кечаси кўнғироқ қилгандик, ўғирликдан қайтиб, товба қилганимиз ҳақида.

- Хўш...хўш...хўш, ўша сизлармидиларингиз? - ўрнидан туриб кетди навбатчи. - Мана қоғоз, қалам, бошлиғимизнинг номига нима бўлган, қандай бўлган, ҳаммасини ёзиб берасизлар.

Улар ёзишни бошлашди, ҳаял ўтмай илҳом париси қочдим, бир қоғозга, бир навбатчига қараб, ўйланиб қолишди.

- Ҳалиги йигит қани?

- Қайси?

- Кечаси биз билан гаплашган, айтганди-ку, эрталаб келинлар, деб.

Жиноятчилар англашилмовчилик бўлаяпти, шекилли деб маъноли кўз уриштириб олишди, навбатчининг қизиқиши эса баттар ортди.

- Қанақа йигит экан? Бир бошидан гапириб беринлар-чи.

Жиноятчилар бири олиб, бири қўйиб, оқшом рўй берган воқеани ҳикоя қилишга тушиб кетишди. Иш букул расво бўладиган кўринади. Шу қалла билан ўғирликка борганининг ўзи аҳмоқ. Ўзларининг оёқларига болта уришгани етмагандек менинг ҳам сиримни фош қилиб ташлашмоқчи.

Ниҳоят, бу аҳволда ўзлари жабр кўришлари нодон каллаларига бориб етдию, аризани ўша йигит билан гаплашганимиздан кейин ёзамиз, деб туриб олишди. Навбатчининг боши қотди. Жиноятчилар ўз оёғи билан келиб ўтирган бўлса, қамаб қўйсинми, қўйиб юборсинми. Ҳал қилинлар, деб оператив-тергов гуруҳидан бирортасига бериб юборай деса улардан ҳам ҳеч ким йўқ. Боя гапларидан англашимча, улар

ўғирликнинг орқасидан кетганича қайтиб келишгани йўқ. Ахийри нима қилишини билмаган навбатчи иккаласининг ҳам ҳужжатини олиб, ташқарида ўтириб туришларини, яқинда айтган йигитлари қайтишини уқтириб, чиқариб юборди. Мен ўзимнинг қафасимда енгил нафас ола бошладим.

Орадан анча вақт ўтиб икки киши, оперлар бўлса керак, биттасининг қўлтигидан олганча келиб қолди... Уларга яхшилаб қарадим, танигач, юрагим роса тепгандан кейин ўт олган «Восход М» мотоциклидек дупурлаб кетди. Агар уларнинг ўрнига шахсан Мэрлин Монро кириб келган тақдирда ҳам бунчалар қувонмаган ва ҳайрон бўлмаган бўлардим. Бу икки милиса Алишер ва Комил эди. Улар шоша-пиша навбатчига аллақандай қоғозлар ва ушлаганни топшириб, қолганини ўзларинг текшириб кўрасизлар, ёнида ҳужжатлари йўқ, дейишдию, орқага қайтишди. Агар «Алишер ака», деб бақирмаганимда худо билади, бу ерда неча кун қолиб кетардим. Шу ҳолатда уч соатдан ортиқ ушлаб туришолмайди-ку, бироқ қанча кўп ўтирсам, шунча кўп жиноятларим очилиб қолаверади-да.

- Кечадан бери қидириб юрибмиз-ку сени, нима қилиб ўтирибсан?

Иккаласининг ҳам севинчдан кўзлари чақнаб кетди.

- Мардикорлик қилгани келгандим, адашиб қолдим, - дедим шошиб. Улар дастлаб бунинг эси оғиб қолибди, дегандек қарашди, кўзимни қисгандим, тушунди.

- Отинг, фамилиянг нима? - сўради Комил панжарага яқинлашиб. Тушунчаси бор одам-да бу.

Мен ўзим ҳақида тўқиб чиқарган маълумотларни айтдим.

Шунча гап-сўз қилган бўлишига қарамай, навбатчи мени ҳали китобда қайд этмаган экан.

- Дайдилиқда айблаб ушлаб тургандик, - деди навбатчи айбдордек. - Ёнида бирорта ҳужжати ҳам йўқ экан.

Шундай қилиб мени қўйиб юборишди ва ташқарига чиққанимиздан кейин Алишер бошимга бир туширди:

- Калла, календарни нима қилдинг?

Сени деб 150 сўмга тушдим. Бир ўрам янгисидан олиб, делога қўшиб топширдим.

Комил бошқа томонимдан туртди:

- Кимлар билан улфатчилик қилиб юрибсан? Старшина айтгандан кейин кеча ярим кун изладик. Улар машинани ўғирлаб чиққан экан-ку.

Кейин иккадаси бараварига туртди:

- Меҳмонхонада нима номаъқулчиликлар қилдинг?

Мен улардан миннатдор эдим, чунки, милицияда меҳрибончилик худди шу тарзда ифодаланади-да...

Комилнинг машинасига ўтирдик. Индамасам, улар тўғри бошқармага кетишмоқчи.

Гувоҳномам йўқолганини, бир манзилни билишимни, у ўша ерда бўлиши мумкинлигини тушунтирдим. Бориб келишга рози бўлишди. Соат етида шаҳар марказидаги ҳайкалнинг остида Салим ва Фаҳри акалар билан учрашишга келишилган экан, олдин ўша ерга борадиган бўлдик. Вақт оз қолганди.

Йўлда айтиб беришларича, старшина келиб, менинг шаҳарга кетганимни айтганидан кейин, улар шубҳага тушиб, ортимдан жўнашибди. Шаҳарда улар биз кетган машинанинг рақами орқали эгасини топишибди, аксига олиб, у бундан ўн кун бурун Туркияга кетган экан. Гаражни кўришса, машина йўқ, ўғирланган. Кечга яқин машинани шаҳар чеккасида ёнаётган ҳолда топишибди. менинг меҳмонхонадаги отишмага алоқам борлиги бошқарма раҳбариятига етказилган эмиш. Тумандан барча раҳбарларимизни чақиртириб олишибди. Ўзбилармонликларим шу даражада ваҳима бўлиб кетиши мумкинлигини сира ўйламагандим.

- Шаҳар четидаги отишмага менинг алоқам борлиги хусусида ҳеч нима дейишмадими? - сўрадим шимимнинг почасини кўтариб, тўппончамни ечиб олар эканман.

- Иккита жиноий гуруҳ отишма қилган, дарахтлар ўқдан тешилиб кетган, ҳаммаёқ қон дейишяпти. Сен қаердан эшитдинг? - сўради Комил тезликни оширар экан.

- Мен ҳам қафасда ўтиравериб кўп нарсани билиб олдим.

Сиполик билан қўшиб қўйдим.



Қилиб юрган ишларимни кейинроқ айтиб, буларнинг оғзини очириб қўймоқчи бўлдим. Салим ва Фахри акалар аллақачон белгиланган жойда ўтиришган экан. Мени кўриб, улар ҳам севиниб кетишди, Фахри ака ҳатто кучоқлаб олди:

- Тирик экансанку, ука. Оқшом билан изламаган жойимиз қолмади. Икки марта ўликхонага кириб чиқдим, фуф, эсласам баданим живирлаб кетаяпти. Ёнган машинанинг атрофида юз марта айландим-ов...

Мен уларга ҳам қисқагина қилиб вазиятни тушунтирдим ва бир овоздан режамиз маъқулланиб, икки машинага ўтириб, йўлга тушдик.

Биз борган манзил сув қўйгандек жим-жит эди. Мен ҳамкасбларимга жиноятчиларнинг автомати борлигини, кечаги отишмани шулар қилганлигини тушунтирдим, улар ҳа-ҳа дегандек бўлишдию, сезиб турибман, ишониммади, буни навбатдаги ваҳима, деб қабул қилишди.

Дарвоза қўнғироғини босдим.

- Ким? - Ичкаридан эркак кишининг овози эшитилди.

- Қўшни... - деди Салим ака.

Кимдир келиб дарвозани шарақлатиб очди, очдию мени кўриб, тахта бўлиб қотиб қолди. Бу ўша, мени шаҳарга олиб келган, ўзини Ботир, деб таништирган киши эди. Мен бу ерда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай тасодифга руҳан тайёр эдим ва шунинг учун ҳайрон бўлмай, ўзимни йўқотмай шарт тўппончамни суғуриб олдим, ўқталдим:

- Қимирласанг отаман.

Ҳамроҳларим нима бўлаётганини тушунишмаётганди, шунга қарамай иккитаси бориб, унинг қўлларидан ушлади, Комил ака кишан солди.

- Гаплашиб олишимиз керак... - мен машина томон юрдим, улар эргашшди.

- Гувоҳнома қани? - сўрадим машинага ўтирганимиздан сўнг.

- Бахтиёрда... - афтидан у тақдирга тан берганди. Бирдан чўкиб қолгандек кўринди кўзимга, кеча салобати жуда бошқача эди-да.

- Ким у?

- Кеча яраланган йигит-чи.

- Бекми?

Роса лақиллатишган экан булар мени.

Биз машинада гаплашиб турган пайтимиз дарвозадан бир бола чопиб чиқди:

- Дада, ойим чақираяптилар, чой ичарканмиз.

- Ойингга айт, дадангнинг зарур иши бор, биз билан кетаяпти, кечроқ қайтади.

Йўлга тушдик, Мадад (унинг исми шунақа экан) Бек деганларини бир хонали уйга беркитиб қўйганлигини қийин-қистовдан кейин айтди.

- Ҳаракатларинг беҳуда, - деди у совуқ кулиб. - Етиб борганларингча у хонадан чиқиб кетади, болаларим қўнғироқ қилади, бу ёғи ҳаммаси келишилган.

Биз унинг гапига ишонмадик, у бу билан бизни йўлдан урмоқчи бўлаётганди. Иккита машинада айтилган манзил томон ўқдек учиб кетдик. Йўл-йўлакай Салим ака рация орқали ёрдам сўраб манзилни айтди.

Ярадор жиноятчи яшириниб ётган хонадон иккинчи қаватда экан, чиқиб, олдин газни текшириш учун келганимизни яхшилиқ билан айтиб, эшикни очишларини сўрадик, ичкаридан овоз бўлмади. Қаттиқроқ тепа бошлаганимиздан кейин аллақандай бўғиқ овоз, калити йўқлигини, очолмаслигини айтди. Бу ўша - мени шаҳарга бирга олиб кетган, кейин автоматда отмоқчи бўлган йигитнинг овози эди. Бахтга қарши эшик темир экан. Бизнинг шилқимлигимиздан у ҳаммаси тамом бўлганини, милициядан-лигимизни сизди шекилли бақира бошлади:

- Кетларинг, ҳаммаларингни итдек отиб ташлайман.

Автомат затворининг шарақлаган овози эшитилган эди Фахри ака: «ростдан ҳам қуролланган-ку бу» - деди ва зина бўйлаб тепага кутарила бошлади:

- Мен учинчи қаватдан тушиб, балкондан кираман.

- Дарахтдаги ошқовоқдек осилиб қолманг яна, - деганча мен унга эргашдим.

Эшикни ўрта ёшларлаги бир йигит очди-да, Фахри ака унга вазиятни қисқача қилиб тушунтиргандан кейин, дарҳол рози бўлиб, калтароқ арқон топиб берди. Бу Фахри ака учун етарди, холос. У сен кейин тушасан, деганча

деразадан чиқа бошлади. Мен хонадон эгасидан илтимос қилиб иккита чойшаб топтириб келдим ва уларни бир-бирига улаб, балкон деразасига боғладиму, уй эгасига безовта қилганимиз учун узримизни, оёғимиз балконга тегиши билан арқон ва чойшабларни йиғиштириб олавериши мумкинлигини айтиб, унинг орқасидан жўнадим. Қуролларимиз ўқланган ва шай, бироқ қўлларимиз банд эди. Балкон деразалари ёпиқ экан, Фахри ака оёғи билан ойнани тепиб синдирдию, ичкарига сакради, орқасидан мен ҳам. Яраланган жиноятчи балконга туташ залда ётарди. Унинг балконга қараган эшиги очик эди. Фахри ака-айнан ўша ерга тушиб қолганди, у «куролингни ташла» - деб бақириб, ёнидан тўппончани олаётганида автоматнинг тариллаган овозидан қулоқларим битиб қолди. Яна кечаги ваҳима ёдимга тушди, фикрлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳавода қизил чизиқлар йилтилар, кимдир тинмасдан бақирар, нималардир қарсиллаб синарди. Боя чойшабга кирган маҳалимда эътибор берганим, бу хонанинг эшиги нарироқда, газнинг орқа тарафида эди. Ўзимни англаб олмаган ҳолда ўша эшик ёнида пайдо бўлдим. Уерда кеча мен отган йигит рангида қони йўқ, балкон томонга қарата жиннилардек маъни-мақсадсиз ўқ узарди...

Ўзимга келганимда эса чўккалаб олганимча, алақачон ўқлари тутаган тўппонча тепкисини босиб ётардим. Нариги томонда полга чалқанча чўзилган, ҳаммаёғи қип-қизил қонга беланган ҳалиги танишим жон талвасасида типирчиларди. Унга ҳайрон бўлганимча ҳиссиз, туйғусиз термулар эканман, анча маҳал шу аҳволда қотиб қолдим. Кимлардир темир эшикни бузишга ҳаракат қилаётганини, кимлардир менинг исмимни айтиб бақираётганини эшитганимдан кейингина ўзимга келиб, балконга чиқдим. Фахри ака шу томонда бўлиши керак. У балкон деворига суянганича, қонга беланган, рангсиз бир аҳволда ўтирарди. Бориб ўрнидан турғизмоқчи бўлдим қўлимни белидан суққандим, алақандай шилимшиқ, иссиқ бўшлиққа кириб кетди. Сесканиб, тортиб олдим. Қўлларим қон эди. Ўқлар унинг

қовурғаларини синдириб, ўпириб юборган бўлса керак, қимирлаган сайин ичак-човоқлари ташқарига чиқиб борарди. Илк бор ўликхонага кирганимиз ёдимга тушиб, ошқозоним оғзимга тиқилиб қолди. Ўқчий бошладим. Нима қилишим кераклигини билмасдим ва беихтиёр қўлларим билан чиқиб келаётган ичакларни секин итара бошладим. Бу самарасиз эди.

Фахри ака назаримда музлаб қолгандек, юзидан ҳеч қандай маънони ўқиб бўлмасди. Оғзининг секин очилиши ўлим азобига ҳам, истехзоли кулгига ҳам ўхшаб кетарди.

- Отдингми? - сўради у зўрға эшитиладиган қилиб, бор кучини сарфлаб.

- Отдим... Отдим. Оғримаяптими? - бундай пайтда нима дейишни ҳам билмайсан киши.

- Айтдим-ку, хавфли ёш деб...

Фахри аканинг юзида бояги табассумга ўхшаган нарса якқол кўзга ташлана бошлади. Назаримда у айни пайтда ўзининг нима деяётганини билмас, боя ўқ тегмасидан бурун ёки улар тега бошлаган пайтда ўйлаб қўйган гаплари тилига чиқаётгандек эди. Бўлмаса ўзини англаган одам шундай жароҳатдан кейин индамай ётавериши ақлга тўғри келмайди-да.

Шу пайт кириш эшиги шарақлаб очилди ва ичкарига каскаю бронжелет кийган, автоматлар билан қуролланган тўрт-беш киши кириб келди. Бири газнинг, бири эшикнинг орқасига яшириниб, менга «қўлингни кўтар», деганча ўдағайлай бошлади. Мен шу пайтгача бесамар кўтариб юрган тўппончамни полга қўйдим, ўрнимдан турдим. Бундай тўс-тўполонда сени ўзингникилар отиб қўйиши ҳеч гапмас.

Бизнинг йигитларимиз кириб келишганда, махсус гуруҳнинг йигитлари қўлларимни орқага қайириб, қайсиларидир бир-икки тепиб ҳам улгуришганди.

Фахри акани зудлик билан касалхонага ётқиздик.

Комил ўша куни роса жиннилик қилди, дастлаб мени ушлаб олишганларини кўриб, милиционерлар билан тортиша бошлади, ўзимни билиб-

билмай: «Фахри акани отиб қўйишди, боринг тезроқ», - деганимдан кейин балконга отилиб кирди ва ҳаял ўтмай қўлида тўппончаси билан ташқарига томон югуриб кетди. Гап нимадалигини тушунганим учун, йигитларга уни қайтариш лозимлигини айтиб, биринчилардан бўлиб орқасидан чопдим. Йўлда уни тўхтатиб қолдик. Нияти Мадатни отиб ташлаш эди. Шундан кейин роса тўполон қилди, қуролни берларинг, дея. Унинг бу жинниликка ташвиш билан қарар эканман, кўнглимнинг бир бурчагида ифтихор тўйдим: бундай йигитлар билан ишласа бўлади.

Шундан сўнг икки-уч ой давомида Фахри аканинг ота-онасини юзига қаролмай, виждон азобида қийналиб юрдик. Чунки эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилсак, балки шу воқеалар содир бўлмаслиги мумкин эди. Бироқ фавқу-лодда ҳолатларда ҳар ким ўз виждони буюрга-нича ҳаракат қилади, кейинчалик унга ундоқ қилиш керак эди, бундоқ қилиш керак эди, деб баҳо бериб ўтириш ақлли кишининг иши эмас.

Мен эса бу машмашадан осон қутилдим, авваласига ишдан ҳайдаб юборишмоқчи бўлишди, бироқ тергов жараёнида Мадатларнинг орқасидан жуда катта бир уюшган жинойи гуруҳ фош этилгани фойда берди. Улар Солидан қорадори олиб, «юқорироққа» (охир оқибатда улар ҳам тутилди) сотишар экан. Охири марта бир кило афюн олишганда номерд Соли ичига солидорми-ей, мумми-ей аралаштириб, уларни алдайди, улар эса ўз навбатида «юқори»ни. Тепадаги гуруҳ товарнинг сифатсизлигини сезиб қолиб, Мадат ва Бахтиёрдан пулни қўшимча фоизи билан талаб қилади, булар эса ўз навбатида Солидан. Худди шу тариқа ўртада келишмовчилик пайдо бўлиб, Солининг ўлими билан якун топади.

Улар Солини пичоқлашганидан кейин тўғри биз кўкнорини аниқлаш учун борган колхозга ўтишади. У ерда бир мижозлари бўлиб, ундан ҳам алдагани учун пулни қайтариб беришни талаб қилиб, эртанги куни соат ўн бирга қадар муҳлат бериб қайтишади. Йўл-йўлакай эса уларга пулдор аҳмоқларга ўхшаб биз учраймиз. Менинг ёнимдаги ўн минг доллар уларга тинчлик бермайди. Машинанинг орқа тарафига ўтириб қолганим, уларнинг бу борада

олдинроқ келишиб олмаганлари ва улар йўлда текшириб қолишларидан кўрққанидан автоматларини ўзлари билан олмагани мени шаҳарга етмасдан гум қилишларига йўл бермайди.

Роса икки ойдан буён, мана, Сизларга тергов бериб юрибман. Ўзбошимчалигим учун ишхонадан «ҳайфсан» эълон қилишди, мукофот пули олсам, Маҳбубага бериб, қарзимдан қутиламан, деб ўйлагандим, ният амалга ошмай қолди. Айниқса хонадон ўғриларига нисбатан қилган меҳрибончилигим сал қолдики, тескари айланиб кетиб, бошимга калтак бўлиб синишига. Айтишганди-я, бу ишда ҳаммага ҳам яхшилик қилавериш ярамайди, деб. Бу машмашаларнинг яхши томони шу бўлдики, бўлимимиздагиларнинг барчаси (мендан бошқа, албатта), шунингдек бошқармадан беш-олти киши алоҳида бўйруқ билан ўта хавфли гуруҳни фош этганлиги учун мукофотландилар. Шуни олиши ҳамоноқ, Салим акадан қарз кўтариб, Маҳбубага бериб келдим, унинг ёнига яна бориш ниятим йўқ эмасди-я, бироқ олган қарзим оёғимдан тортиб турди ва ундан роса олти ой деганда зўрга қутулдим. Шундай қилиб яна уч марта каттароқ жиноятчининг ортидан тушсам, бир умр уйланмай ўтиб, қарз тўлашим мумкинлигини тушуниб етдим. Шу машмашалар чоғида қизларга бўлган ҳурматим яна бир поғона пасайди, ҳамма мукофот олиб, менга «ҳайфсан» текканидан кейин ҳатто котиба қизимиз ҳам қабулга кирган пайтларимда бурнини жийирадиган бўлиб қолди. Кўча-кўйда кўрганда-ку, умуман танимасликка олади, улардай лапашанг деб ўйласа керак-да. Шошмай турсин, мен буларга кўрсатиб қўяман ҳали кимлигимни...

Бу сур-сурлардан мен бир мартагина фойдаланиб қолдим. Сизнинг олдингизга бораман, деб уйга - қишлоғимизга ўтиб келдим. Энам қайтар маҳалимда такрор-такрор уқтириб қолди:

- Бевақти соат юрмагин, қуёш ботганидан кейин ҳеч қаерга чиқмай, уйда ўтиргин, хўпми?

Хуллас, бор гап шу. Бу ёғига энди худо Сизни инсофдан, мени чиройли қайлиқдан қисмасин...

Абдул ХАМИД

РУХИМ САССИЗ...

ХОЛАТ

Юрагимда аламли ғусса,
 Бир ғуссаки, таърифга лолман.
 Рухим тоғдай эзар, алқисса,
 Чорасизман, ўта беҳолман.

Нимадир бу айлаган ташна,
 Кадрдонлар дийдоримикан.
 Халоватга, хузурга ошна.
 Давраларнинг хуморимикан.

Нимадир бу - илк муҳаббатнинг
 Армони - дилимни ўртар.
 Ёки юксақ, олий Талъатнинг
 Зиёсими бағрига тортар.

Нимадир бу - ўкинчи, армон,
 Қандайн бу ҳолат бефармон?
 Нимадир бу - беном, бенишон,
 Юрагимни этгучи яксон?

Бу дунёда ҳаммаси нисбий,
 Ва ҳаммаси ўткинчи, ёлгон.
 Эканига қасдма-қасд осий,
 Рухим сассиз қилурми исён?!

Ҳаётимни уринмай минг бор,
 Солалмайман ўзанга равон.
 Қалб амрига бермай эътибор
 Кўр-кўрона яшайман ҳамон.

Ҳануз хирсу ҳавасга банди,
 Ҳануз нафсим устундир, устун.
 Йўқ жон ачир бир жигарбандим,
 Ҳануз йўқдир бирон жон дўстим.

Бироқ умр ўтмоқда шитоб,
 Чопар мудом бетизгин замон.
 Яқинлашур Улуғ Сарҳисоб,
 Яқинлашур фурсат Беомон!

Ва мен гўё тушовланган от -
 Дарду ҳасрат домидадирман.
 Ожиз банда, ё раб, бенажот,
 Шум ажалнинг комидадирман.

Ношукурлик қилмайин майли,
 Минг ташвишга мен ҳам андармон.
 Асти ахир топиб бўлғайми
 Биронта бир жонни беармон.

Бир илинжим ёлғиз Худодан,
 Не тонг олиб шафоатига,
 Юз ўғирмай Хамид адодан -
 Дохил этса фароғатига.

ЧОРАСИЗЛИК

Юрагинг қон бўлса, ёра олмасанг,
 Нажоткор манзилга бора олмасанг;

Бўлмаса ҳамдардинг, бўлмаса дўстинг,
 Аксига қисқалик қилса гар дастинг;

Панд берса ишонган тоғларинг ҳам боз,
 Кўнглинг яйратмаса на нағма, на соз;

Ўртанган кўнглинг ғам эзгандан эса,
 Бошингда аламли фикрлар кезса;

Кўзингга тор бўлса ҳатто кенг дунё,
 Мадад бўлолмаса минг бир анбиё;

Кўлинг бандда бўлса, тилингда тушов,
 Ё раб, ботинингда бўлса манфур ёв;

Холинга маймунлар йиғлагани шу,
 Ночорлик бағрингни тиглаган шу.

Ҳасрат бу, қулфат бу ва пушаймонлик,
 Ўзингга ўзингдан келган душманлик.

* * *

Дунё шу: кун чиқар, ботади гоҳи,
 Дўстинг ҳам гоҳ содиқ, сотади гоҳи.
 Қисмат-да, биз баъзан айлаган гулшан -
 Бағрида илонлар ётади гоҳи.

* * *

Онамдек ҳеч ким йўқ мушфик, меҳрибон,
 Онамдек азизмас, ох, жумла жаҳон.
 Беармон ётайин то рўзи Маҳшар,
 Ўлсам онам билан қўйинг ёнма-ён.

* * *

То тирик эканмиз, ахтардик хузур,
 Саодат ахтардик, ахтардик Хизр.
 Минг битта гуноҳни тортинмай қилиб,
 Тортирмай Тангридан сўрадик узр.



Нигина НИЁЗ

СҮНМАС ҶУҒ

Ҳикоя

Кузгу қаршисида утирганча чехрамни кузатаман. Чуқур хурсиник келади шунда. Гуё бенажотлик нилосилай Худди сўлиётган гулга ухшайман. Чехрамни хомуш кузатишдан булак қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Таклирим қаршисида ночорман ва ҳеч нимани ўзгартиролмайман. Ҳаёт конуни шундай. Мен сўлиб бораман, гунчалар эса очилиб! Айниқса, ер қилувчи шўхчан ва киборли нигоҳларини сизга санчганларида, қанчалар оғрик сезади киши. Нурсиз кўзларим эса «мен ҳам элим сенингдек, сен ҳам» дейишдан нарига ўтолмайман. Тийиксиз, бебош ёшлик туйғуларимиздай алламчи эканини билсайдинг...

У эса... У... Ўша - менга кексаё бошлаганимни эслатган одам - ёшлигимни, баҳоримни унга бағишлаб юборганимдан беҳабардай гуё, узини гузалликка солиб, ёшини, ёшгинасини тоғиб олади. Фақат аччиқ ҳақиқат олдила тилим лол. Ҳа, мен ҳақиқатан кексайиб қолдим. У:

- Сен кексайиб қолдинг! - деб айтмади, албатта. Мен Унга тўғри келмай қолганмишман. Жула галати: одамга энгил-бош тўғри келмай қолиши мумкин, бирон таом - агар у бетов бўлса... уй-рузғор юмушлари, молдий ташвишлар туфайли балки мен ҳам тузсиз таомга айланиб қолгандирман. У қиз эса энди пишган нақшин олмадай, шоҳла туриб: «Мени е-э! Узиб есанг-чи!» деяётгандай.

Мен ахир буюм ҳам, таом ҳам эмасман-ку!

Одамни билиш қанчалар қийин. Дунёнинг энг катта жумбоғи. Қушинча ишга кетаётиб одамларни кузатаман. Ориқ, семиз, хўмрайган, илжайган чехралар. Уларнинг хулқ-атвори ҳам шунчалар хилма-хил. Биров ғамгин, биров хушчакчак. Биров ун гапириб бир қулали, бошқа биров умуман қуламайди, йиғламайди ҳам. Қизик, биз маълумотларни ҳам ўз фахмимиз даражасила қабул қилиб олар эканмиз. Биз фикрни айтмаймиз, ўзлаштирамиз, яъни узимизга ухшатиб оламиз. Фикр эса бундан янада чигаллашади. Одамларни кузатар экансиз, яшашдан максал умр бўйи бошқалардан кам эмаслигини исботлаб курсатишдан иборатдай туюлади. Мени эса худди шу маънода хўрлагандилар. Гуё мен оғир босқон остида қолиб, жон ҳалпила ўз борлигимни билдириб, зўриқиб қичкираётганга ухшайман, овоз пардаларим йиртилгудай. У эса лоқайлларча, сурбетдик билан мени оёқ остида восиб турарди. Шу тоғ узимни, муштлашиб, ўбдон қалтак еган, энди эса бурнини шўқиллатиб тортди: «Қўрамиз хали! Курсатиб қўяман сента!» дея ариллаётган болага ухшатардим.

Ич-ичимдан қасос утида ёнардим. Кузларимни

кўзгуга ўқдек қалаганча: «Курамиз хали!» дердим. Ана шу биргина нигоҳимни кўриб, унинг алаббатта бир баалога йулкишига ишонардим. Кузгуга қарай туриб ўзининг олдий олам эмаслигимга ишонгим келарди.

Кейинги пайтла бир аҳмоқона олат чиқаргандим. Эрта тонгда ёки кечкурунларни жула узок кўзгуга тикилиб утирардим. Гуё кўзгу башарамни ўзгартириб кўядигандай. Баъзан кузимга чиройли кўриниб кетардим, шунда «аҳмоқ экансан!» деб кўярдим ичимда. Баъзан эса, хуллас калом, бошқасини топиб тўғри қилган, дердим. Дунёда бор ҳамма иллатни бўйинимга осиб кўярдим.

Аммо кузгуга тикилишдан чарчамайман. Кузгудан ўзим кўролмайлиган сирларни, хатоликларим асрорици кидираман. Кузгу менинг ҳаётимга айланган. У ердан сирли нозанин қалдирғоч қошларини чимирганча менга истехзоли тикилади. Худди башарамга қараб очикдан-очик «аҳмоқ!» деяётганга ўхшайди. Баъзан ўз-ўзини танимай қоламан: «Шу менманми?!» Олам ҳадеб ойнага қарайверса, ўз чехрасини унутиб кўяркан. Масалан, ҳадеб «курси, курси» деб такрорлайверсангиз сўз маъноси парокандалликка учрайди. Аслида инсон зоти ўзининг асл киёфасини икки дунёда ҳам кўролмас экан. Чунки биз кузгуда аксимизни кўрамиз, яъни акс томонимизни.

Кунлардан бир кун тошойна қаршисила узок туриб қолдим. Уч тавақали тошойнанинг кичкина кўзларини кия қилиб кўйдим-да, бир ишшайиб, бир ўшшайиб, ўз-ўзини кузата бошладим. Бемаънилик, тўғри эмасми? Аммо айни чоғда дунёда маънонинг ўзи қолмагандай туюларди менга. Тошойнадаги кизлар менинг ҳаракатларимни истехзо билан кузатаётгандай, баъзан ҳатто юз ифодалари ўзгармасди. Шу тоб кўзгу ичида ҳаёт бордай туюлиб кетди. «Улар тирик, улар фикрлашди!» Тошойна ичидаги кизлар худди шуни тасвирлагандай менга каттик тикилиб туришарди. Тошойнани шартта ёпдим у кўчага чиқдим.

Ўша куни майла-чуыллага бозорга тушгандим. Ногаҳон китоб растасига яқинлашдим. «Мухаббат тилсими», «Гузалик сир», «Сехр-жоду». Китоблардан бирини қўлга олиб варақладим. «Суюкли бўлишни истасангиз, ўқий бошладим мен, - эрингизни уйга қайтармоқчи бўлсангиз, иккита кичкина шам сотиб олинг. Тунги соат ун иккида тошойнанинг икки четига шамларни ёқиб, ўртага икковингиз тушган суратни кўясиз ва дуоларни такрорлайсиз. Дуоларни такрорлаётинг, илиб юмшаган шамларни бураб, бир-бирига чирмаштирасиз.»

Ўша захоти ток ургандай китовни ёпдим-у, шоша-пиша бекат томонга кета бошладим. Шу дам юрай дейтган автобус зинасига оёқ кўйгандим ҳам, соч-соқоли ўсик бир «алкаш» менга бир даста шағам тутди-да:

- Шағам олинг, - дея кузларимга илтижоли боқди. Автобуста чиқдим. У эса кетимдан соялай эргашди.

- Шағам олинглар, шағам! Бунақаси ҳеч ерда йук.

Шу дам чолдан келаётган ачимсик вино хили «гуп» этиб лимогимга урилди. «Искирт, ипириски!»

Аммо юрай деб турган автобус бирдан тўхтади. Шофёр танишини учратиб қолганди.

- Янги йилга оз қолди. Арчага ясатсангиз борми...

- Ўт кетади! - унинг фикрини яқунлашим мен.
- Йўғ-э! Болақайлар хурсан бўлади дейман-да...

- Кўп хиралик қилаверманг! Милицияга бериб юбораман!

- Иккитагина олақолинг! - мултайди у.

- Ҳай, нега менга ёпишиб олдингиз. Яна зурлаганингиз ортиқча. Шағам керакмас делим-ку сизга!

Шофёр папирос тутатганча бемалол гап сотарди. Жаҳл билан ўрнимдан турдим-да, икки марта сигнални босдим. Шағам сотувчи менга бир қараб кўйди-ю, автобусдан тушиб кетди. «Аҳмоқ! Алкаш бўлмай ул! Баланига неча замондан буён сув тегмаганга ўхшайди. Олам эмас, юралиган вино шишаси! Бай-бай, хилини.»

Сумкамни очиб чиптага пул олмақчи бўлдим. Не кўз билан кўрайки, сумкамнинг тубида иккита шағам ётарди. «Вой, искирт, алкаш!» Шоша-пиша хамёнимни излай кетдим. Хамён жойида, ичидаги пуллари ҳам! Шағамларга хайрат билан тикилиб қолдим.

Автобус ойнасидан бемаъно қакқайиб турган уйларни, бемақсал кезиб юрган булутларни кузатаман. Назаримда ер ҳам осмонга айлангандай тувсиз. Тувсизлик, бемаънолик! Чунки у тасаввурга сифмайди, тасаввурга сифмаган нарсада эса биз учун маъно йўқлай туюлади.

Иккита шағам Уни ёлимга солиб кўйганди. Сумкамни тошойна қаршисига кўйиб, ечинмай ҳам ўзимни ўринга ташладим. Тулиб-тулиб йиғладим, шу кўйи ухлаб қолибман. Тушимда қандайдир мехмондорчилик бўлаётган эмиш. Ичкари киришим билан уларга кузим тушли. У менга «Ўл, улаб кет!» дегандай гурур билан кўз ташлади-да, қайлигини меҳр билан бағрига босди. Томогимга бир нарса тикилиб, аранг ютиндим. У кизнинг қулоғига бир нималар деб шивирлади, киз эса чиройли ёнокларини уйнатиб, хандон отиб қолди. Кейин ўша ерда, хамманинг олдида ялашиб-юлқашиб кетишди. Сўнг у менга тантанавор нигоҳ ташлади-да, масхаралагандай:

- Олишиб утиринг, Лайло, нега ҳеч нарса емаяпсиз! - деди. Хонадан қандай отилиб чиққанамни билмайман. Уйғонганимда йиғлаётгандим.

Йук, бунга чидаб бўлмайди! Шаҳд билан ўрнимдан турдимда тошойна қаршисига келдим. Ягона нажоткорим! Шағамларни икки чеккага кўйиб ёқдим, бирга тушган суратимизни ҳам топдим. Кўз ёшларим ёнокларимни ювар, дуо сузларини йиғи аралаш уртаниб-уртаниб такрорлардим. Кузгу ичи ним қоронғи, уч тавақали кўзгуда йиғлаётган кизлар чехраси ажиб сирли туюларди.

У ёғи нима бўлганини эслолмайман. Шамол бўлдими, зилзилами, сурат тошойнага тиралган жойилан учиб тушли, шағам учиб у ҳам ерга қулади. Мени эса кимдир силтаб тортиди. Дод солиб эшикка йуналдим. Аммо эшик ўрнига деразани пайпаслардим. Эшик орқа томонимда эди. Ёнимда яна аллаким дераза пайпасларди. Қизга кузим тушли-ю, чинқириб ортимга тисарилдим. Шу дам тошойнага урилиб, унга кўз ташладим. Во дариғ, ё



тавба! Мен тошойна ичида турар, нариги томондаги хонам бўм-бўш хувиллаб ётарди.

Энди ҳаммасига тушундим.

Бу ернинг хавоси ғалати эди. Симобдай оғир, совуқлигидан этларим жунжикиб кетди. Бехолгина оромкурсига чўкдим. Аммо у ойнадек силлик ва муздек эди. Сесканиб урнимдан турдим.

Бир-бирига икки томчи сувдек ухшайланган кизлар ёшли кўзлари ила менга тикилиб турардилар. Нигоҳлари каттик, уқинчли.

- Сен уни қайтармоқчи бўлдинг-а? - кўз ёшларини артаркан деги кизлардан бири. Кизларнинг ҳаммаси кўз ёшларини артишди.

- Нима қилаётганингни тушуняпсанми? - ваэминлик билан деги у. - Одам ҳам шунчалар ношуд бўладими? Дарахтнинг бўшини курт ейди! Хар куни ўз-ўзимга айтадиган таъналаримни эшитиб бир сесканиб тушдим.

Киз суратнинг бир учидан ушлаб отиб юборди:

- Хор қилган, хор бўлсин! - деги у. Мен ялт этиб унга қарадим.

- Хиёнат қандай жазоланишини биласанми? Аёллар хиёнатини қандай жазоланларини-чи?! - Мулҳиш илжайди Лайло. Турган гапки, унинг исми Лайло эди, чунки у менинг аксим.

Мен индамалдим.

- Тасаввур қила оласанми, у энди бошқа аёлнинг эри.

Болаларнинг тепангла ош-нон деб зорилласин, сен эса ёстиққа йиғла, йиғлайвер, шўринг тукилади. Сен йиғлаётган худди шу дам эринг бошқасини... у бир зум тек қолди. - Ириб окканини кўрмасан рози эмасман!

Буни эшитиб аъзойи баданим музлаб қолди. Бу ҳам менинг аламдийда сўзларим эди. Бир пайтлар талх-зардоблар ютиб айтган бўлсам айтгандирман шу сўзларни аммо... «енгилган курашга тўймас» дейдилар. Мен енгилдим, аммо курашишдан наф борми?!

Хаёлларимни ўқиб тургандай, Лайло захарли нигоҳини менга қадади.

- Ё ириб оқади, ё болаларининг бағрига қайтали!

- Бўйнидан боғланган ит овга ярамас, - дедим мен.

- Биз ярайдиган қилиб қўямиз ёки... - Лайло қулини бўғзига тиради.

- Бас қил. Яратганинг ўзи берсин жазосини!

- Яратган бизнинг қўлимиз билан жазоласачи!

- Биламанки, ғолибдан кўра мағлуб бўлган яхшироқ, зулмкордан мазлум бўлган яхшироқ, чунки бу телба дунё шу икки тушунча ўртасида бўзчининг моқисидай саргардон кезар ва нечун шундайлигини ўзи билмас, мазлумлар зулмкорлар билан ўрин алмашарлар, мағлублар ғолиблар билан... модомики шундай экан мен нечун исён қилай...

- Оллоҳ дарлни ҳам кўтарганга берали. Мик этмай кўтараверсанг, «ол, қулим» дейди-да. У айшини сураверсин, сен лалайиб утиравер. - захарханда қилди Лайло.

- Билиб қўй, бу ерда Қуёш бошқа томондан чиқади!

Кизлар менга қараб чимирилганча чирт бурилиз кетдилар.

Қамокка тушгандай ночор ахвола қолгандим. Мен тезроқ бу холатдан қутулишни, музхонадек совуқ ва тафтсиз кўзгулар оламини тарк этишни истардим. Синик кўзгулар устига ётибману ўзимча бу ердан қочиш режасини тузаман. Қизлар уқинчсин! Ўйлаб ўйимга етолмайман. Қарама-қарши фикрлар бош қутимга қамалган арилай гувиллайверали. Балки бу ундан ўч олиш учун қудан имкониятдир. Ахир у хиёнаткор! Бир чеккаси, нима қилганда ҳам у болаларимнинг отаси-ку! Шу дам қутилмаганла бир нима шикирлади, гуё кўзгу синиклари... Ёнимга ўтирилдим, қарасам, қатор ётган Лайлолардан бири ўрнидан кўзғалаётганли. Дахшатдан қотиб қолдим. У аста-аста қадам восиб келиб, ёнимга чўкди. Лабини бармоғига восиб «жим!» ишорасини қилди.

- Унга раҳминг келсин! - йиғламоқдан бери бўлиб деги у.

- Ўтинаман, кет. Бир иложини қилиб қоч!

Бу Лайлонинг жуссаси кичкинагина, ёши ҳам анави Лайлолардан анча кичик қуринарди. Унинг мулоим ва нафис чехраси, жавдираган беғубор кўзларини кўриб юрагим бир ўртанди. Бу Жавоҳирни мафтун этган ўша масъума Лайло эди. Мен қанчалар ўзгарганман-а! Шўрлик қиз-менинг беғуборлигим, кичрайиб кетганини қаранг. Охир бориб йўқ бўлиб кетса керак.

- Бу оламдаги ҳамма хонадон кўзгу дахлизлари орқали боғланали. Ахир ҳамманинг уйида кўзгу бор. Кўзгу қанча кўп бўлса, бу шунчалик ёмон. Яъни биз шунчалик кўп бўламиз. Ҳозир манави девор девор эмас. У тасвир. Девордан ўтиб, кўзгулар дахлизига дуч келасан. Тўғри кетаверсанг, возордан чиқасан. У ерга бориб бирон кўзгу йўқ жойга яширин.

Мен у айтганидай қилдим. Муздек девор орасидан сирғалиб ўтиб, ўзимни кўзгулар дахлизига урдим. Аммо дахлиз бошла қўлларини белларига тираганча мени баджаҳл Лайло қутиб турарди.

Ахир фикр менинг ҳаракатларимдан минг бора учқур-ку!

- Йўл бўлсин? - кесатди у.

Ортимдан бир тўла Лайлолар илакишиб келганли.

- Қурқок! Ўзи бу қунигдан беш баттар бўлишинг керак эди! Ҳозир шу кўзгу йўлидан Жавоҳирниқига борамиз.

Лайло қўлларимдан маҳкам тутганча жаҳл билан йўл бошлади. Мен ортимга ўтирилиб кичкина Лайлони изладим. У энг охирида келар, боши эгик эди.

Бозордан чиқибмиз. Антика возор. Расталарда қатор қиёфалошлар, ўн хил узум, ўн хил олма, ўн хил нок... ҳаммалари баб-баравар мева узатишди.

- Татиб қўринг, бир татиб қўринг! - дея олмаганингизга қўйишмайди. Лайло эса менга истехзоли тикилади. Хижолатдан узумларнинг бирини олиб, оғзимга солганимни биламан, шипалек қарсилласа бўладими. Лайло хоҳолаб қулиб юборди.

- Биз билган ва билмаган дунё дейишди буни. Ақалли асл мева билан асл оламини ажратолмас экансан, дунёни билганинг қайсика борди, - шунлай дея у менга узум олиб берди.

Қувурга ухшаш ойнаванда дахлиздан ўтиб, бир хонадон тошойнасида пайло бўллик.

Башанг ясатилган хона. Диванла бир эркак ялпайиб ётганча телевизор кўрарди. У ўша эди! Кўксимга ханжар санчилгандай кўзларимдан ут чиқиб кетди. Ёнида бегона аёл. Бегона уйда, бегона аёл билан кўзларим хар куни кўришга кўниккан калдроним ўтирарди. Гуё Жавоҳир менга эмас, унга калдрондай, мен эса бегона эдим. Ана шуни, шу биргина калбимга наштардай санчлавётган «бегона!» деган сўзни сира хазм қилолмасдим. Мен энди унга бегонаман! Шу тоб бу сахнала бир сохталик борлай туюлди. У мени анави бегона аёл билан адаштираётган бўлса-чи! Ўша аёлни мен деб уйлаётган бўлса-чи?! Худди аёл билмай, бехослан менинг ўрнимни эгаллаб олгандай ва айтган захотим узр сўраб ўрнидан туралигандай эди. У фақат менигина севишга, у ёлғиз менгагина тегишли эканига шунчалик ишонардим. Шу тоб аёлнинг қаршисига бориб:

- Янглишибсиз, бу менинг жойим! - дегим келарди. Қани энди уни итариб-итариб ташласам. Ўрнимни ҳам худди уйқудан уйғотмоқчи бўлгандай елкаларидан силқитсам... Шоколад ўрнига пуч коғоз билан алланган болалай норизо бир қиёфала ва бундай адолатсизликдан ўртаниб, ёшли кўзларимни улан узмасдим. Тушим унгимга кўчди.

Шу дам эрим бегона аёлни сочларидан сийпалаб... Ишонасизми, «до!» деб юбордим.

Яна касос ўти олов тиллари ила хонумонимни куйдирди. Ниғоҳим билан кичик Лайлони излаб топдим. «Қурдингми?» дегандай унга каттик тикилдим. Унинг кўзлари жикка ёшга тўлди. Титрок кўллари билан кўз ёшларини тез-тез сидириб ташлади. Назаримда у яна кичрайиб қолгандай туюлди. Аммо баттар хурпайиб, ташланишга шай турган балжаҳл Лайлога кўзим тушлай-ю, лахшат қоплади мени. Нахотки бу - мен! Ўз-ўзимни таниёлмай қолгандим. Мен гувоҳ бўлган воқеалар ўзлгимни танишга монелик қиларди.

Мен ханжардай қайралиб, севганимнинг кўксига санчилишим керак эди. Бирон марта ҳам, акалли бирон марта ҳам балки ўзимда ҳам айб бордир, деб уйламадим. Баъзида унинг айбини сал юмшатиброқ: «Балки у янглишгандир!» деб кўярдим. Қани энди бу муҳиш хатолик бўлса!

Айни чоғда мен гуё порглашга шай бомбалай вишиллаб турар, Лайлоларнинг биронтаси ёнимга йулолмасди. Фақат ўша масъума илтижоли кўзларини мендан узмасди. Мен шу калар ўзгарганликми, ана шу нозик, кўнгли меҳрла тўла Лайлони ўлдириб ташлагим келарди. Йўқ бул, йўқол, қорангни учир! Ахир ҳаммаси сени деб бўлди... Сен доим унинг кўнглига қарагансан.

- У билан учрашганимда, - мени қайрашда давом этарди бошқа Лайло, - сендек аёлнинг тирноғига ҳам арзимаслигини исбот эт!

Во дариг, шу дам олов қақин, утқир хивчинлари билан мени бир саваб утди. Ахир мен бир умр шуни исботлашга уринмадимми?!

Бу учрашувдан ҳеч қандай наф чиқмаслигини билардим. Аммо... унинг кулиб турган, муҳаббатга тўлик нигоҳларини эсларканман, «Нега ахир, нега!» деб дод солгим келарди. Мен юрагимни уртаётган ана шу «Нега»ларга жавоб топишни истардим.

Учрашувга тайёргарлик бошланди. Бутун армонларим пардоз анжомларига кўчгандай эди. Бу борала ҳамма Лайлоларнинг фикри бир жойлан

чикли. Улар мени шундай пардоз қилдиларки, во дариг! Мен ўзимни яна бир бор таниёлмай қолдим. Қалам қошлар - ханжар, кўзлар қора ўк, киприклар найза!.. Айниқса нигоҳим «ўлдирман!» дерди.

Унинг қайси ошхонада овқатланишини билардим. Келганимикан? Ошхона деразасидан ичкарига назар ташладим, унинг овқатланиб ўтирганини кўриб, юракларим аллаёчुक бўлиб кетди. Дунг пешона, қора сочлари парижон ёйилган, у есамми-емасамми дегандай, лукмани охистагина лабларига олиб борарди. Ичкари киришга юрагим бетламай эшикка сўялиб қолдим. Кейин ўша нозанин билан ўтирганини эсладим, томоғимга муз парчаси қадалди. Йиғламайман! Садкаи кўз ёшларим кетсин...

Ошхонага дикор билан кириб бордим. Бошим мағрур кўтарилиган, юзимда истехзоли табассум... Мени кўриб атрофимдаги эркакларнинг оғзи очилиб қолди. Мен эса кўзларим нишонидан фақат Уни кўрардим.

Менга кўзи тушиши билан Унинг ранги қум учиб кетди. Айблорона бош эгли. Индамай рўпарасига келиб ўтирдим. Бутун аламларим тилимга кўчмоқка шай, кўзларимда ўша савол муҳрланиб қолган. Нега? Нима учун?

Энди бегонага айланган калдроним кўзларини яширгани жой тополмасди. Нигоҳлари чехрамга тушиши билан ўртаниб кетарди.

- Эшитганим ростми? - худди бирон мусибат ҳақида сураётгандай паст овозда сўзладим мен. У «ха» деб тасдиқлади, яна айблорона бош эгли. - Баъдаларингиз ёлғонмиди? Нахот қўлингизда бир уйинчок бўлган эдим...

- Такдир қафтида ҳаммамиз ҳам уйинчокмиз. Балки ёлғонларга чек қўйиш учун шундай қилганлирман. Ҳақиқат ўткинчи, - деди у маъюс. - Маълум вазиятда у ҳақиқатга ўхшайди, аммо вақт ўтгач ёлғонга айланали. Одамлар ўзгарали, ҳақиқат ҳам. Бекарор дунёнинг бекарор қонунлари дўлининг қўйлагилай минг бор тусланали. Муҳаббат саробга айланали. Сенда эса «у меңики!» деган худбин тушунча қолади, холос.

- Дунё барқарор, фақат биз ўз ожизлигимизни яшириш учун айбни дунёга тўнкаб кўя қоламиз. Гуёки туйғуларимиз эмас, дунё бекарордай. Кучли одамларнинг севгиси ҳам кучли бўлади.

- Аммо сен шунчаки севмасдинг, сен хулбинларча севардинг. Менинг сента айланиб кетишимни истардинг. Тушун, мен сен бўлолмайман ахир... Мен сеники ҳам эмасман...

- Аммо болалар сизники эди, узингизни қутқариш учун удардан ҳам воз кечдингизми?

- Болаларни ҳеч нарсага зориктириб қўймайман...

- Шундоқ ҳам ҳеч нарсага зориктирмайди, - делим катъий, - ота меҳридан бошқа! - кўзларимда ёш билан ўрнимдан турдим. Шу дам Уни қанчалар севишимни ҳис этдим. Лабларим пичирлади:

- Мен кечирарман, Худо кечирмас!

У бошини ҳам қилди. Ҳатто кўнгли учун бўлса ҳам «кечир» демали. Оғир хурсинганча елкаларини қисди.

Ташқарида мени кичик Лайло кутиб турарди. Менга сезайрмай ортимдан эргашиб келибди-да! У қандайдир ички умил билан кўзларимга тикилди. Мисли бир гўлакдай.

- Биз вилолашаник, - дедим ўпкам тўлиб. - У сенинг бу қалар садокат билан севишингга арзитайди. Садокатинг жазоси хиёнат экан, - дедиму йиғлаб юбордим. У ҳам менга кўшилиб унсиз йиғларди. Айниқса, унга ачинарлик, ёш боладай ишонувчан ва содда. У энди умуман бир бурла бўлиб қолди.

Дийимни мотам қоплади. Шу бугунгача нимагадир ишониб яшаган эканман, шекилли, охирги умид ҳам сўнди-ю, кўнглим хувиллаб қолди. Бу бўшлиқнинг ўрнини ҳеч нима тўлдирилмас. Энди болаларимнинг кўзига қандай қараيمان.

Лайло-чи?! Доп этиб жаҳлдор Лайлони эсладим. У бунга чидаёлмайди, бир балони бошламас эди!

Ҳақиқатан қоп-қора кийиниб олган Лайло бизни қутиб утирарди. Хабаримизни жимгина тинглади.

- Энди кўнглинг жойига тушдимми? - Лайлонинг юзларидан захар томчиллади. - Буни шундоқ қолдириб бўлман. Менинг кимлигимни билмас экан!

Лайло важоҳат билан девор томон йуналди.

- Қўйинг... - унинг йўлини тўсди мулоим Лайло. - Худонинг хоҳиши шу экан, кўнгили ишига аралашиб нима қиласиз.

- Ҳе, ёшгинасини тусатган кўнглига қутир чиксин. Қоч йулдан.

Лайло кимир этмади. Жаҳлдор Лайло уни бир уриб қулатди-ю, девор орасидан ўтиб кетди. Кичик Лайло ойна парчасидай чил-чил синиб тушди. Чопиб унинг тепасига келдим.

- Худо хайрингизни берсин, - менга илтижоли боқди у. - Уни тўхтатинг...

Лайлонинг қаерга кетганини билардим. Аввалги сафар йўл ёлимда қолганди. У бор-йўғи акс тасвир бўлса, нима ҳам қила оларди, уйлардим мен. Фақат шу нарсагина кўнглимга хотиржамлик бағишларди.

Аммо шу дам фикрлар ҳам «тирик» эканини уйламасдим. Ахир, ҳамма нарса ҳиятдан бошланали, деб бежиз айтмаганлар.

Кўзгулар лаҳзидан утлим-ла, зум ўтмай Жавохирларнинг хонадонига пайло бўлдим. Аммо... Кечиккандим. Уч табақали ойна чил-чил бўлиб синиб ётарди. Лайлодан эса ном-нишон қолмаганди. «У Жавохирни эмас, узини қурбон қилибди», - деб уйладим мен. Лайлонинг ўзи ҳам тошойнага қўшилиб синиб тушганди.

Киши қасдини олса аламидан фориг бўлганидай, жаҳлдор Лайло ҳам мени тарк этди.

Тошойна ичидан хонадонга қалам қўйдим. Ичкарида бир эркак юзтубан ётар, унинг атрофида ёшгина аёл гирликапалак бўлаётганди. У эркакнинг оёқларини боғларди. Эркак ингранарди. Юзтубан ётган Жавохир эканини англадим, этларим жимирлаб кетди. Бу ҳолисала бир машғумлик яшириндай туюлди менга. Уларга билдирмай кўчага чиқдим.

Мен қандайдир ўзгариб қолгандим. Ҳеч нимага қувонмасдим, ҳеч нимадан хафа ҳам бўлмасдим. Лоқайдликми бу, хотиржамликми - билолмайман.

Менга қолса мудҳиш хотиржамлик ва ёки мудҳиш муслимлик деб атаган бўлардим бу ҳолатни. Ҳаёт тўхтаб қолганди гўё. Кун ва тунларнинг алмашилиши физик ҳолисаладан бўлак маъно касб этмасди мен учун. Болаларимни эса ҳатолитим деб хисовлардим.

Кунлардан бир кун катта ўғлим мени қандайдир «ёш келинчак» чакираётганини айтди. Кўчага чиқдим. Эшик оллаида турган дилликкина кийинган келинни кўрдиму, уни дарров танидим. Бу Жавохирнинг янги хотини эди.

- Жавохир акам бетов бўлиб қолдилар. Сизни йўқлаётдилар, - деди у, кўзларимга «бора қолинг!» деганлай илтижоли боқиб.

Аёлнинг кўзлари осмондай кўм-кўк эди. Шу дам гўё узимни кўзгуда қургандай бўлдим. Эндигина ёшлик остонасига қалам қўйган бу аёлдан болалик беғуборлиги уфуриб турарди. Кўнгли ҳам ўзидай оқ бу аёл тимсолида мен ўз қусурларимни кўрдим. Юрагимни армон қоплади. Ахир мен ҳам шундай эдим, аммо ўшанлайлигимча қололмай.

- Нима гап ўзи? - машинага чиқаётиб сўралдим мен.

- Э, опагон, сиз сўраманг, мен гапирмай, - деди у кўз ёшларини артиб. - Жавохир акам қандал касали бўлиб қолганлар. Докторлар дарров билишолмади. Қасалхонага хушсиз ахволда олиб бордик. Кейин тишлари оғриб, юз томирларини кесиб юборишди. Бу ҳам майлига, яқинда нима фалокат бўлиб, уйимизлаги тошойна синди-ю, оёқларига тушди. Яра битмай, оёқ йиринглайверди. Докторлар гангрена бошланган дейишяпти, - аёл хунграб йиғлаб юборди. - Қарғишга қолдилар шекилли, - пичирлаб гапирди у.

Мен индамадим.

Уйга кириб бордик. Жавохир мен тошойнадан қурган уша хонада, диванда ётарди. Рангги сарғимтир, опнок, юзи бир оз кийшайган, сочлари тўкилиб кетган. Уни шу ахволда кўриб кўркиб кетдим. Шу дам Лайлонинг: «Ириб оққанини кўрмасам рози эмасман!» деган сўзларини эсладим.

Жавохир менга қараб жилмайишга уринди:

- Кечир... - деди у аранг, - аммо бу сўз менинг қилмишим олдида қанчалар заифлигини биламан.

Ҳозир жаҳлдор Лайло бўлганида: «Сизни мен эмас, худо кечирсин!» деган бўларди. Кичик Лайло эса «Айб ўзимла, сизни аллақачон кечирганман!» дея йиғлаб, узини тўшак устига ташлаган бўларди. Мен эсам сукутда қолгандим.

Ўша дамлари, қалбим илондай тўлғонган кезлари сукут сақлай билганимла эди... Ўшанла аламдан ўт бўлиб ёнганман. Уни шу ахволда кўришни орзу қилганман. Эй, Худо, ўзинг кечир! Наҳот бу дунё гуноҳ ва жазолардан иборат бўлса, наҳот бу олам гардишини шу икки тушунчагина айлантирса... Ўзимизлаги бехисоб Лайлолар эса биз билан бир умр бахслашса...

Жазо берувчи ёлғиз Ўзингсан! Кечир бизни! Унинг ҳаётини сақлаб қол, утинанман. Ахир ёшликда кўнгилга тушган чўғ сўналимми? Милтилар, аммо зинҳор сўнмас.



Хосият БОБОМУРОДОВА

ДИЛДОШИМ БУЛСАЙДИ

* * *

Бир дилдош топсайдим худди дилимдай
Кўзимдай, қошимдай, икки кўлимдай.

Ўзимни ўзимдан аввал англаса,
Англаса ҳаммага бийрон тилимдай.

Хоҳ кулсам, хоҳ ўлсам - уники бўлсам,
Бошимни бағрига олса элимдай.

Бир келиб суйдирса, келмай куйдирса,
Бирда шохим бўлса, бирда қулимдай.

Тамом ёниб кетсам ўтли ишқида
Йўлларда тўзгиса, ховуч қулимдай.

Сигмай қолсам магар еру осмонга
Мангу олиб кетса мени ўлимдай.

Бир дилдош топсайдим
худди
дилимдай!

СЕХРИНГНИНГ БОИСИ НИМАДА, АЁЛ?

Сиз айтган аллада гул иси борми,
Тонг иси, ой иси, дил иси борми,
Ғолиб сафарларга кетгай болангиз,
Куёш иси борми, йўл иси борми?

Ботирлар улғаяр бешигингизда,
Эркак кулиб чиқар эшигингиздан,
Сиз алла айтсангиз қандоқ айтасиз,
Қандайин сеҳр бор кўшигингизда?

Сеҳргар қалбимдан элчилар сўзим,
Юлдуздай жодуваш эмишдир кўзим.
Мен жами аёлнинг битта аскарари,
Сеҳримни билолмай ҳайронман ўзим?

Бағринг тўла меҳр, лабинг тўла бол,
Энг гўзал рўёсан, энг гўзал хаёл,

Бошимни кўксингда аллаламоққа
Бир марта рухсат эт, париваш аёл!!!

* * *

Кетма, дейсан...
Ўтинчингда икки дунё ғамлари,
Ўтолмаган кунларингнинг зори бор.
Муҳаббатнинг яшолмаган дамлари,
Сочларингда илинжларнинг қори бор.

Кетма, дейсан...
Кўзларингда исёнларнинг тўзгини,
Оҳ, бу боқишларни қилолмайман рад.
Кетиб борар ихтиёрим тизгини,
Йиғлагим келади, солгим келар дод.

Кетма, дейсан...
Кетиб ҳажр юртининг ғам қалъасига,
Ўз ўтимда ўзим куйиб кетарман.
Сенинг сочларингнинг ҳар толасига
Қирқ жонимни посбон қўйиб кетарман.

Кетма, дейсан...
Кетиб борар қарорларим сўзимдан,
Ёлвораман, мадад сўраб ойларга.
Ихтиёрим бўлса эди ўзимда,
Келармидим, кетиб бўлмас жойларга...

* * *

Жоним, менинг ҳали ошиқларим кўп,
Бир имомга махтал турар қанчаси.
Бир жонимни мингта бўлишмоқ учун
Талашади барги, гули, ғунчаси.

Аччиқ изғиринлар бирам меҳрибон,
Бунча садоқатли сариқ хазонлар.
Бири заҳрин санчиб, бири дил янчиб,
Менга қўшилишиб ютади қонлар.

Сўлгин гул дўстимнинг тиканларин кўр,
Қон тўкиб ёпишар бармоқларимга.

Қайтиб чиқарида чиксада жоним,
Чидадим кўксимни ёрмоқларига.

Манови саратон бунча жизғанақ,
Юзу кўзларимни ёқиб ялайди,
Қуриган майсалар оёғим ўпиб,
Менга ўзи каби қисмат тилайди.

Сирларимни сақлар баланд тоғлар бор,
Меҳрин миннат қилмай елкасин тутар.
Шеър тўлғоғи деган гўзал чоғлар бор,
Шодликларим ўтди, ғамлар ҳам ўтар.

Бир кун вафоларни тишида тишлаб,
Энг содиқ ошиғим ўлим келади,
У мени сен каби қўймайди ташлаб,
Қуйган жоним ўшаники бўлади.

* * *

Етар азоблари, етар ғамлари,
Юракнинг бетига қарамай қўйдим.
Ўчса ўчаверсин, умид шамлари,
Мен энди тўнимни тесқари кийдим.

Кўнгил деб хорларнинг хорлари бўлдим,
Осмон гуруримни ерга алмашдим.
Қуйганлар дилининг торлари бўлдим,
Соқин тунларимни шеърга алмашдим.

Эй кўнгил, бир марта гапимга кўнгил,
Баланд осмонлардан қачон тушасан?
Қачон яшамоғим бўлади енгил,
Мени ғамсизларга қачон қўшасан?!

* * *

Кўнглимни шунчалар этгансан осмон,
Ўзингдан ўзганинг етмайди қўли.
Ҳар бир нафасимга қўйгансан посбон,
Ўзингдан ўзгани тушмайди йўли.

Томирларим қадар сингиб кетгансан,
Қалбимга сизмайди ўзга бир орзу.
Қўлларимга гўзал дунё тутгансан,
Уни ўлчай олмас ҳеч тош тарозу.

Сенга фақат шодлик тиламоғимга,
Етармикин сўзим, борми имконим?
Меҳринг эвазига тўламоғимга
Айтгил, арзирмикин, шу қирқта жоним?!

* * *

Дилимни кундага минг бора қўйдим,
Ҳар сафар ҳукмингни кутавердим жим.
Ғамгин қўшиқларни бунчалар суйдим,
Ахир менинг жоним жонмасми, тангрим?

Бошимдан хазонлар сочаверар куз,
Мени сақлайверар умид деган шам,
Тилимдан тўкилар тилка-тилка сўз,
Айтгил, менинг жоним жонмасми, эгам?

Бир бошим дорингга минг борди эй ишқ,
Нега бирор марта демадим ҳам оҳ?
Тугамок ўрнига айтяпман қўшиқ,
Ахир менинг жоним қирқтами, оллоҳ?!

Хижрон, дўзахингга ҳар кун кираман,
Бир ёруғ кун кутиб бўлмайман адо,
Васлин ваъда қилсанг чидайвераман,
Ростдан менинг жоним мингтами, худо?!

ГУЛИНГ БЎЛАЙ ҚУЧОҚЛАРИНГДА

Меҳрингга кун сайин қониб борарман,
Ватан, гулинг бўлай қучоқларингда.
Сеҳрингдан юрагим ёниб борарман,
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда.

Изин суртай кўзларимда мардингни,
Бергил, бир жонимга қирқта дардингни,
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда.

Хосиятинг бўлай, сўзинг бўлайин,
Насибаси бутун кизинг бўлайин,
Қўқлардан тикилган кўзинг бўлайин,
Ёқутдай товланай мунчоқларингда.

Саратон қуйдирса соя бўлайин,
Мардларинг суянса қоя бўлайин,
Эрк деган ўғлинга доя бўлайин,
Бахт бўлиб туғилай тўлғоқларингда.

Нур бўлиб кезайин кундузларингда,
Сув бўлиб сизайин илдизларингда,
Маржонлар тизайин юлдузларингдан
Қирқта жоним учсин учоқларингда,
Ватан, олов бўлай ўчоқларингда!



"БОҒ АРО, ДЕМАНГ, ХАЗОНКИМ..."

Куз ҳақида шеър ёзмаган, кузнинг ҳазонга чўмилган боғлари ичра бу оламнинг серташвиш ғавғоларини бир он бўлсада унутиб, юксакликка кўтарила олмаган, ҳазонлар бағридан ҳижроннинг, армоннинг бахт ва бахтсизликнинг, заволнинг ва камолотнинг ташбиҳларини излаб топмаган, бу ҳазон фаслининг дардларини, қувончларини ўзига юктира олмаган шоир зоти бўлмаса керак.

Кузни тасвир этмок, куз ҳақида ёзмок - юрак истаги, руҳият эҳтиёжи. Бирок ботиний изтиробларга табиат бағридан таскин излаб топишга интилиш, ҳижроннинг оғриқли азоблари ўртаган жонни сариғликка, ҳазонга менғзаб, ана шу изтиробдан, гуссадан гўзаллик ярата олиш санъати ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун руҳиятнинг теран тубларига чўка билмоклик зарур.

Кузни бир вақтнинг ўзида ҳам юксакликдан назар ташлаб туриб, унинг дардларига кўмилиб туриб тасвир этишдек фақат Навоий сингари даҳоларга хос мукамаллик билан йўғрилган қуйидаги ғазалда ҳам шоирнинг кўнгил кўзгусида минг хил жилваланган ҳазон фаслининг бир жилвасигина ўзини намойиш қилади.

Хазон фасли тасвирининг энг ғамгин, энг гўзал намунаси деб талқин этиш мумкин бўлган бу ғазал замирида севгининг, ҳижроннинг барча қувончу азобларини бошидан ўтказиш оқибатида ўзини таниган, дунёни, умрнинг моҳиятини англаган ошиқ юраги кундалигининг ғамгин бир саҳифаси ўрин эгаллаган, дейиш мумкин. Ошиқона ғазаллар сирасига кирувчи бу шеър кузги боғ тасвирини чизиш билан, ундаги ҳазон бўлган барглarning тўкилишини ошиқнинг ўз аҳволига уйғунлаштирувчи ушбу байт билан бошланади:

*Ҳар ҳазон барги эрур зореки даҳр озоридин,
Сорғориб мендек тушар айру соҳи қад ёридин.*

«Даҳр озори» туфайли дарахтдан сарғайиб, иложсиз узилиб тушаётган барглари ошиқ ўзининг «соҳи қад» - хушқомат ёридан айрилган чоғидаги ҳижронкаш, изтиробли аҳволига қиёслайди. Баргнинг дарахт танасидан узилиб тушишини «даҳр озори», яъни фалак бедодлиги деб тушуниш мумкин. Аммо ошиқнинг ёридан айро бўлишига сабаб нима? Нега ошиқ ҳижронда? Шу ўринда ишқ мақомининг табиатини эслайлик. Ёридан хабар, нишона топган ошиқ энди ишқ мақомига келиб, унинг ишқида ёниш иштиёки билан, унга етишиш

истаги билан яшар экан, атрофдаги ҳар бир нарса-ҳодисадан ўзига ўхшашликни, уйғунликни топа билади. Бу мақомда турган ошиқ ҳали дунёнинг ташвишу-қувончларидан тўла ажралиб кета олмаган, ишқ ўтида ўртансада, ёр (ҳақиқий ёр) билан кўшилиб кетишга қудрати етмайдиган ҳолатда, шу сабабдан у сарғайган барг дарахтдан узилиб тушгани каби ёридан айроқ ҳолда.

Кейинги байт:

*Ҳар қуругон шох Мажнундирки туфроғ уйига
Топширур ҳар дам илиғ юб нозанин беморидин.*

Кузги боғ қўйнидаги қуриган шохларнинг ҳар бири Мажнуннинг ишқ ўртаб қовжиратган вужуди. У ҳар дақиқа «нозанин бемори» - Лайлисидан (сарғайган барглardan) кўл ювиб, уни иложсиз тупроққа топширади. Бу кечинма ҳар бир барг узилиб тушганда қайта-қайта такрорланаверади. Аввалги байт изоҳланганда ҳазон барги ошиқ сифатида талқин этилган эди. Бу байтда эса Мажнун аҳволига монанд шохларни ҳам ошиқ сифатида тушунамиз. Шохнинг ҳам, баргнинг ҳам куз фаслидаги аҳволини ошиқ ҳолига қиёслаш жуда қулай. Ошиқ руҳияти яширинган байтнинг ботиний мазмунидан эса сиҳи қад ёрнинг бирламчи манбадан нишона эканлигини, шохнинг ҳам, баргнинг ҳам ишқи унга қаратилганини пайқаш мумкин.

Табиатнинг ўзи доно файласуф. Баҳор тирилишни, туғилишни ўргатса, камолотни тарғиб этувчи ҳазон фасли ўлимга ўргатади. Ғазалнинг бир неча ўрнида «ўлмок» сўзининг ишлатилиши ва умуман ўлим руҳининг нисбатан устунлигини биринчидан, ғазалнинг куз фасли билан боғлиқлигига асосласак, иккинчидан, шоирнинг жуда кўп ғазаллари учун хос бўлган ўзликни англаш, комилликка интилиш муаммолари билан боғлаш керак бўлади.

Кейинги байт:

*Боғ аро, деманг, ҳазонким ошиқ ўлмиш
мен-киби,
Билгурур совуқ нафас бирла сориг рухсоридин.*

Навоийнинг «Муңшаот» асарида шу байтга мазмунан жуда-жуда яқин қайдлари учрайди: «Чаманнинг рухсори Юсуф ишқида Зулайхо узоридек коҳий ва ҳазон ели ҳам анинг дамодам совуқ оҳи каби номутаноҳий бўлди...» Юқоридаги байтнинг мазмуни эса: «Боққа ҳазон фасли келибди деб ўйламанг, у ҳам мен

каби ошиқ бўлган, буни у ўзининг совук нафасию, сариғ рухсори билан намоён этмоқда». Кузнинг тенгсиз гўзадлиги акс этган бокқа ошиқнинг совук нафасию, сариғ рухсори кўчган деган мазмун, беихтиёр Навоийнинг ушбу байтларини ёдга солади:

*Ошиқ совуқ оҳ чекса ногоҳ,
Оламга ўт солур ул совуқ оҳ.*

(«Лайли ва Мажнун»)

Хижрондан ўртанган ошиқнинг совук нафаси оламга ўт солар экан, бу боғ аро ёйилган, оламга сариғликни намойиш қилаётган хазонлар бағрида ишқ олови пинҳон.

Тўртинчи байт:

*Хар оқар сувни хазон тийги қилибдур зарфишон,
Кескали меҳру вафо нахлин жаҳон гулзоридин.*

Бу байт шоирнинг нафақат ижоди, балки умрининг мазмунига айланган энг юксак мезонлар, меҳру вафо билан уйғунлашиб кетади. Кузда ариқ сувларининг жуда совуқ бўлиши билан бирга тиниклашиши, Қуёшга тўсиқ бўлган баргларнинг унга тўкилиши ҳамда ариқларга тушаётган куз қуёши, яъни хазон тийгининг акси бу оқар сувларни зар сочувчига монанд қилиб қўйишини шоир кейинги мисрада бу дунё кишилари орасида меҳру вафонинг йўқолиб кетишига уларнинг ана шундай (ўткинчи) зарларга берилиб кетиши сабаб эканлиги билан боғлайди. Айнан шу байтни бошқачароқ тушуниш ва тушунтириш ҳам мумкин. Бу ҳолатда «оқар сув»ни инсон умри маъносида, «хазон тийги»ни куз жабри, зулми маъносида тушуниш керак бўлади. Бундан келиб чиқадиган мазмун шундай: Бу дунёдан меҳру вафо ниҳолини кесиб ташлаш-йўқотиш учун, хазон зулми (инсон умрининг хазон фаслига ишора) кириб келди, у инсон умрини худди зар сочувчи сингари сочиб ташлайди (ахир инсон умри зарга ўхшайди-ку).

Эхтимол, ушбу байт замирида бундан-да чуқурроқ мазмун яширингандир...

Ҳазалдаги эътиборга лойиқ кейинги байтга муружаат қиламиз:

*Бу сариғ юз бирла ўлсам қўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпечон торидин.*

Сариғ юз - хижрон аломати. Ҳақиқатга етишнинг ягона воситаси ишқ деб англаган ошиқ: «Хижрон азобларига бардош беролмай ўлсам, хазон бўлган кузги ишқпечон, яъни печакгул, чирмовуқнинг иплари билан тобутимга шохлар боғланг», - дейди. Нега тобутга шохлар боғлашни эслатапти? Нега айнан ишқпечон торлар билан? Ҳазалнинг аввалги байтларида шох - дарахт шохларининг урэн туриши

Мажнунга ўхшатиш экан. Мажнун - ишқнинг, ошиқликнинг тимсоли. Айрим ҳудудларда ҳозиргача сақланиб қолган одатга кўра, ўлган кишининг тобутига унинг ёшига қараб шохлар боғлашни эътиборга олсак, бу ерда ошиқ боғланишини истаган шохлар - ишқнинг ошиқликнинг рамзи.

«Мустаҳилоти урафо» асарида келтирилишича, «ишқ» сўзи арабча «ашақа» (зарпечак) сўзидан келиб чиққан экан. Зарпечак гулни, ўсимликни чирмаб олиб, охир-оқибатда қовжиратгандай ишқ ҳам инсон вужудини зарпечакдай ўраб олиб қовжиратади. Демак, «Ишқ деб яшадим ва хижрон дастада ўлгудай бўлсам, қабрга ҳам мени ишқ кузатсин»... Ошиқ-шоир шохда ҳам, баргда ҳам, чирмовикда ҳам ишқни кўра билишга қодир.

Кейинги байт:

Кўйида куймиш кўнгул буқим хазондур

боғ аро

Эсти бир ел гўйиё куйган гарибим сорқидин.

Байтдаги боғ сўзини ҳам ўз маъносида, ҳам олам маъносида тушуниш мумкин. «Боғ» ўз маъносида келганда: «Ёр кўйида (ишқда, ҳажрида) кўнгулим шу даражада куймоқдаки, буни боғдаги хазонлар зоҳир этмоқда, бу хазонларни менинг куйган кўнгул томондан эсан ел бокқа олиб кирганга ўхшайди», деган маъно англашилади. «Боғ» сўзи олам маъносида тушунилганда, «хазон» куз фасли эканлиги ойдинлашади. Демак, «Ёр кўйида шу қадар куйдимки, бунинг оқибатида олам хазон фаслига юз тутди, бу хазонликни менинг куйган кўнгулим томонидан эсан ел олиб келганга ўхшайди». Бу икки мазмун бир-бирини тўлдирди, шеърдаги таъсирчанликни оширади.

Рамзу ишоратлар билан йўғрилган ғазалнинг авж пардаси деб айтиш мумкин бўлган кейинги байт:

*Қоҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқийё
Бода тут хуошиди жоми қаҳрабо кирдоридин.*

Байтни зоҳиран шундай шарҳлаш мумкин: «Хижрон дастидан сомондай сарғайган юз билан ўларман, эй Исо нафасли соқий, мени тирилтирмоқ учун қаҳрабодан (сарик тошдан) ясалган хуршид жомиди бода тут», - дейди ошиқ. Эътибор қилинса, «қоҳи юз» (сариг юз), «хуршид» (қуёшнинг сариғ рангига ишора), қаҳрабокирдор (бир турли сариқ тош) тушунчалари кузнинг дардига, рангига ҳамоҳангликни, уйғунликни таъминлайди, таъсирчанликни оширади. Байтнинг ботиний мазмунини англаб олиш учун, энг аввало, айрим сўфиёна истилоҳларнинг маъносини тушунмоқ зарур. Сўфийлар «соқий»ни шундай

изоҳлайдилар: «Файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир» (Миръотул-ушшоқ») «Соқий» пири комил, илоҳийлик зухур этган инсон, пайгамбар ва Оллоҳга нисбатан ҳам қўлланилади. «бода» эса ишқ шиддатини оширувчи шароб, кўпинча у ҳикмат ва дониш шароби ёхуд ҳақиқат файзининг рамзи тимсолида ҳам қўлланилади. Навоий ғазалларида энг гўзал тимсоллардан ҳисобланган Қуёш, яъни хуршиднинг, шоир бу ўринда, биринчидан, юқорида таъкидлаганимиз, сариғлигини ҳисобга олган бўлса, иккинчидан унинг катталиги - туганмас манба эканлигини, ҳароратини, нур-зиёсини назарда тутган. «Жом» - илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши сифатида изоҳланади. Шуларни ҳисобга олиб, байтнинг ботиний мазмунини шундай тушунтириш мумкин: «Ҳижрон азобларини бошидан ўтказган ошиқ сариғ юз билан ўлимга юз тутди. Уни тирилтирмак учун Исонафасли соқийпири муршид (комил инсон) керак. Ишқнинг ҳамма сирларидан воқиф бўлган бу инсон ўликни тирилтирувчи Исо нафаси (маърифати) билан уни тирилтиришини ва илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нур порлашининг туганмас ҳарорати, нур-зиёси билан ошиқ қалбини ҳақиқат файзидан баҳраманд қилишини сўрайди. Чунки ана шу бодадан баҳрамандликнинг бир дами ҳам ошиқни қандай аҳволга солиши мумкин эканлигини шоир табиат тасвири остида кейинги байтда шундай ифодалайди:

**Бодаеким, журъаси томғоч хазон яфроғлари
Ток баргидек қизорғай сарбасар ашжоридин.**

Боданинг бир томчиси томса, дарахтдаги хазон яфроғлари бошдан-оёқ ток баргидек қизариб кетади, - деган зоҳирий мазмун англашилган байт ботинида «ҳақиқат файзидан баҳрамандликнинг бир дами ҳам ошиқни маърифат (босқич)га етганидан далолат беради, - деган маънони уқиш мумкин (Сариғ ранг ишқ мақомига мансуб бўлса, қизиллик маърифат босқичи билан уйғун). Зеро, томчи денгизга қўшилгунча томчи. Денгизга қўшилиб кетгандан сўнг эса у ҳам денгиздир ва айнан ўша томчи энди денгиздан ҳеч қачон ажралиб кетолмайди. Демак, ошиқ ишқнинг, ҳижроннинг барча азоб-укубатларини бошидан кечириб, руҳини такомиллаштира бориб, янги - маърифат мақомига кўтарилди.

С аккизинчи байт билан ғазал якунланади. Ғазалнинг умумлашма фикрларни баён қилиши мумкин бўлган, шоир таҳаллуси битилган мақтаъ байти йўқ. Бундай ғазаллар Навоий девонида бир нечта. Бироқ бу ҳодиса шоир ғазалларининг, хусусан ушбу ғазалнинг кимматини сира туширмайди.

*Каромат МУЛЛАХҶАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат
педогогика университети ўқитувчиси*

Дилором САЛОҲИЙ

ҚАЙСИ СУЛТОН НАВОИЙГА ВАФО ҚИЛМАДИ

Хазрат Навоий ғазалиётини ҳам матн нуқтаи назаридан, ҳам бадий маҳорат жиҳатидан чуқур таҳлил этиш адабиётшунос-ликнинг устувор вазифаларидандир. Зеро, Навоий ғазаллари девон тартиб бериш жараёнида маълум ўзгаришларга учраган, таҳрир этилган. Хусусан, унинг девонларида шоир ғазалларининг аксарият қисми мақтаъ (шоир таҳаллуси билан келган сўнгги байт) билан келса-да, айримлари мақтаъсиз эканлигини кузатиш мумкин. Хўш, бунинг сабаби нимада? Умуман, мумтоз шеърятимизда мақтаънинг тутган ўрни қандай?

Шу ва шу каби саволларга жавоб бериш учун бир ғазалнинг турли девонлардаги фарқли жиҳатларини муқояса этиш мақсадга мувофиқдир. Навоийнинг «Вафо» радифли ғазали таҳлили ҳам муҳим илмий хулосалар чиқариш имконини беради. «Бадоеъ ул-бидоя» девонида 41-ўринда мақтаъсиз келган ушбу ғазал «Наводир ун-нихоя» ва «Хазони ул-

маоний»га киритилаётганда мақтаъ билан таъминланган. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, ғазал «Бадоеъ ул-бидоя»дан аввал тартиб берилган «Илк девон»да ҳам мақтаъ билан берилган.

Хўш, «Бадоеъ ул-бидоя»да нима учун ғазал мақтаъи тушиб қолди? Бу ғазални кўчирган котибнинг хатосими, ёки бошқа бирор сабаб борми? Ўқувчиларда тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш учун ғазалнинг «Бадоеъ ул-бидоя»даги мақтаъсиз матнини тўлиқ келтирамиз:

*Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондан вафо,
Улки даврон офатидур, не тамаъ ондин вафо?!*

*Жониму умримдур ул ой, бевафо бўлса, не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо?*

*Гар вафо қилсанг эрур, андинки, бордурсен, пари,
Йўқса ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо?*

Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиг келмади,
Ҳар нечаким кўрдилар мен зору ҳайрондин вафо.

Чун вафо гулбарги даврон богида ёр топмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Кимса кўнглиң кимсадин истаб вафо, олдурмасун,
Ким манга худ етмади ул кўнглум олгондин вафо.

«Бадоеъ ул-бидоя»дан бошқа барча девонларда ғазалнинг мақтаъи ҳам берилган. У куйидагича:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо.*

Эътибор берилса, мақтаъда султон образи мавжуд. Унда тасвирланишича, ҳусн султони вафосиз чикқач, эл вафо қилмагандан кейин султондан вафо кутишга на ҳожат?! Шоирнинг барча жанрлардаги лирик асарларида бўлгани каби бу ўринда ҳам султон образи ўзининг ҳаётдаги реал прототипига эгадек кўринади.

«Илк девон»га киритилганидан ҳам кўриниб турибдики, ғазал шоирнинг ёшлик даврида ёзилган. Навоийнинг болалик ва ўсмирлик йилларида мамлакатда подшоҳлик қилган **Муҳаммад Султон ва Абулқосим Бобурлар** унга доим ҳайрихоҳ бўлишган. Бу манбаларда зикр қилинган. Бу ҳолда унга вафо қилмаган Султон Заҳириддин Бобур таъбири билан айтганда Навоийни «Хиротдин Самарқандга ихрож (сургун) қилган» Абусаид Мирзо бўлиб чиқади. Бундан ушбу ғазал ҳазрат Навоийнинг Самарқанд сафари олдиан аҳволи руҳияси натижасида ёзилган деб хулоса қилиш мумкин.

Ғазал мақтаъининг «Бадоеъ ул-бидоя»га кирмай қолиши сабабига келсак, маълумки, ушбу девон Султон Хусайн Бойқаронинг ҳомийлиги ва рағбати билан тузилган. Султон, яъни мамлакат подшоси илм-фанга, шеърятга катта эътибор бериб турган бир шароитда, эҳтимолки, ҳазрат Навоий Султоннинг бевафолигидан баҳс юритган мақтаъни девонга киритишни лозим топмаган. «Наводирун-нихоя»ни тузишда эса ғазал композицияси бутунлигини ўйлаб, мақтаъни киритган деб тахмин қилиш мумкин.

Хуллас, ҳазрат Навоийнинг ҳар бир ғазалини синчковлик билан таҳлил этиш шоир ижодиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Удуғ мутафаккир яшаган тарихий муҳитни, унинг ижодий биографиясини тадқиқ қилишда қутилмаган янги хулосаларга олиб келади.

Туроб НИЁЗ

ЎЗИМНИ ЙУҚОТДИМ

КЎНГЛИНГНИ БИЛМАДИМ

Ором истайсанми ёки муҳаббат,
Ёлғон истайсанми ёким ҳақиқат,
Меҳр истайсанми ёки оқибат? -
Кўнглингни билмадим, билмадим, эй дўст.

Баҳор ҳавосидай кўнглингни турланар,
Ҳайратга солмайди сени турналар,
Нимадан ёришар, недан нурланар? -
Кўнглингни билмадим, билмадим, эй дўст.

Очилмас сандиқми ёки бир тилсим,
Билмоқ истаганлар, айт, нима қилсин?
Ё мен англамадим, яна ким билсин...
Кўнглингни билмадим, билмадим эй дўст.

ГУЛИМ

Юрган эди тасодиф қайда,
Бўлдингиз-ку жуда кеч пайдо,
Юрагимда берар акс садо:
«Энди нима қиламиз, гулим»?!

Ҳар насанингни ўрни, вақти бор,
Севганини топар бахти бор,
Кечиккан ишқ ғамга гирифтор,
Энди нима қиламиз, гулим?!

Суянамиз ёлғиз сабрга,
Дош берамиз хижрон - жабрга,
Яшолмасмиз ҳеч қачон бирга,
Энди нима қиламиз, гулим?!

СЕН-ЛА ОЛИСЛАРГА КЕТГИМ КЕЛАДИ

СЕН-ЛА олисларга кетгим келади,
Қўлларингдан мангу тутгим келади,
Васлингга тўйгунча-етгим келади -
Сенла олисларга кетгим келади.

Ҳар хил ташвишлардан келсаму голиб,
Қуш бўлсам, қанотим остига солиб,
Шовқинли шаҳардан бошимни олиб
СЕН-ЛА олисларга кетгим келади.

Бу дунё ўткинчи, ўтамиз биз ҳам,
Балки қолар, қолмас нишон ҳам, из ҳам,
Баҳор ўтган каби ўтади куз ҳам,
СЕН-ЛА олисларга кетгим келади.

Чўчиш, ҳадиклардан очиги тўйдим,
Мен бугун ўзимни йўқотиб қўйдим,
Юрак-юрагимдан шу ҳисни туйдим:
СЕН-ЛА олисларга кетгим келади.

Инсонрухий олами сирлилиги ва ғайбга яқинлиги билан ҳар доим ғаройиб воқеага сабаб бўлаверали. Назаримда инсондаги ишонч ва ихлос бир-бирига узвий боғланган тушунчалар. Ишонч туйғуси кишида дадиллик, ишнинг муваффақиятли яқунланишини таъминлайди. Ихлос - инсон руҳиятига ташки таъсир ёрламида жисмининг оризаларилан (оғриқлари) халос этади.

Маълумки, Шаркда таъвобат ўзига хос мўъжизалари билан кишиларни дарлдан халос этган. Айниқса, синган-чиккан аъзоларни солиб, малҳам берувчи табибларимиз ҳозирги кунда ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Демак, дарлдан фориг бўлиш учун инсон, аввало руҳида бунга ишонч ҳосил қилиши ва унга дармон бўлувчи восита излаши лозим. Шу ўринда ғалати бир жумбоққа дуч келамиз. Инсонлар доимо азиз-авлиёлар пойига бош уради, кимдир Оллоҳдан дарлига малҳам сўрайди, яна кимдир фарзандлари бахту тухтини тилайди. Менинг назаримда «Оллоҳ мени ҳам кўлласин», деган умид ишончга айланади. Бу ишонч ўз навбатида ихлосни юзага келтиради.

Яқинда бир гуруҳ ҳамюртларим билан Туркистонда Хўжа Аҳмад Яссавий хазратлари макбарасини зиёрат қилдик. Зиёратчилар асосан аёллар эди. Балки улар хазратнинг ҳаёти ва фаолиятини камроқ билишар, лекин уларда Яссавийнинг авлиёллигига ишонч шу даражада юқорики, беихтиёр хавасинг келди. Уларнинг хазрат пойига бош уриб йиғлаш-ларини кўриб, бу ожиз мавжудотга кўп нарсанинг кераги йўқлигини англадим.

Зиёратдан кейин бу аёллар руҳида ўзгариш юз берганини англадим. Уларнинг гапларида, ҳаракатларида фавқулодда дадиллик сезилиб турарди. «Бизни аввало Оллоҳим, қолаверса Султоним руҳи кўллаб-қувватлайди» деган ишончли фикр намоён эди уларда. Демак, илоҳийликка дахлдор бўлиш, уни ҳис қилиш, инсон руҳи учун жула зарур экан.

«Бобурнома» асарида шундай воқеага дуч келамиз.

Маълумки, Бобурнинг Ўрта Осиёдаги йирик сўфий олим ва темурийларнинг пири-муриши арбобларидан бири хазрати Хўжа Убайдуллоҳ Хўжа Аҳрор

шахсиятига эътиқоли жула баланд бўлган. Бобур эътиқодининг шаклланишида, бу хазрат мадакдор ва нажоткор зот вазиғасини бажарган.

Бобур иситмадеб ётганида, унинг ҳаёлига Хўжа Аҳрорнинг «Волидийа» рисоласини форсчадан туркийга таржима қилиш фикри келди. Ва зудлик билан бу ишни амалга оширади. Шубҳасиз, мўъжизавий каромат солдир бўлади. Бу ҳақда Бобур шундай дейди:

«Сешанба кечаси сафар ойининг йиғирма еттисида Хазрат Убайдуллоҳнинг "Волидийа" рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти. Хазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглаумга кечирдумким, агар бу манзум ул Хазратнинг макбули бўлур, худ нечукким, соҳиб «Қасидан Бурла»нинг қасидаси макбул тушиб, ўзи афлиж маразилин халос бўлди, мен доғи бу оризалан қутулиб, назимининг қабулига


далиле бўлғусидир» («Бобурнома», Тошкент. «Олдузча», 1989, 318-бет).

Бобур бу ишни зўр ихлос билан амалга оширади касалидан асарни таржима қилиб бўлиши билан соғайиб кетади:

«Ўтган йил ва балки бир маҳал мундоқ орзаким бўлди, акалли бир ой-қирқ кунга торти. Тенгри инояти била Хазратнинг химматилин, панжшанба куни ойининг йиғирма туккизила андаке айсурда бўлди, ўзга бир оризалин халос бўлдум. Шанба куни рабиул-аввал ойининг саккизила рисола сўзларини назм қилмоқ ихтимомига етти». - деб шукроналар айтали. Бобурлаги зўр ишонч ва ихлос уни дарлдан яна катта маърифатга ҳам етаклайди. Тангрига илтижо қилишнинг ҳам катта тарбиявий аҳамияти бор. У қандай кўринишда бўлишидан катъий назар биринчи навбатда инсоннинг виждони олдидаги ҳисоботи бўлади. Қилган хато ва камчиликлари кўз олдидан ўтали. Илтижо - инсон дийдасини юмшатади. Ўзини бир қадар гуноҳлардан фориг сезади. Демак, илоҳиётга мурожаат беиз кетмайди. У албатта инсон руҳида ва жисмида ўзгариш ясайди.

Диалфуза ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши Академияси аспиранти

ИХЛОС ВА ХАЛОС



Қисса

Гапни сал узокрокдан бошлашга тўғри келади. Талабалик йилларидан.

Ўшанда политехника институтида ўқирдим. Гуруҳимизда Алишер деган бола бор эди. Умуман олганда... яхши бола эди: сахий, меҳмондўст; доим тишининг оқини кўрсатиб юради. Ҳар йили кўкламда бизни Чимёнга, лола сайлига олиб чиқарди. Унинг қишлоғи Чимённинг шундоққина ёнбошида жойлашган. Ўзиям қишлоқмисан қишлоқ-да: жудаям чиройли, ҳавоси жудаям тоза, суви жудаям ширин, хуллас, «жудаям»ларга мўл. Яна денг, тонг сахарда сизни машиналар шовқини, трамвайлар чийиллаши эмас, булбуллар чаҳ-чаҳи уйғотади. Қишлоқ эмас, жаннатнинг ўзи. Шу-ундай жойни ташлаб, бадбўй шаҳарга ўқишга боргани учун биз Алишербойга бот-бот миннатдорчилик билдириб, унинг бу ишини қаҳрамонликка йўйиб қолардик.

Энди, бирга ўқигандан сўнг, одам одамни кузатади, бунинг устига, аёнки, одамнинг ҳақиқий феъл-атвори баъзи-баъзида булутлар орасидан мўралаган қуёшдай «ярқ» этиб кўринади-қолади... Назаримда, Алишер сал шухратпарастроқ эди, ҳамиша кўпчиликнинг диққат-этиборида бўлгиси келарди. Тил-ку, тез-тез бўтқул бесуяк бўларди-қоларди. Асли, бундай зингил солиб қаралса, ажабланадиган жойи ҳам йўқ эди: оилада кенжа ўғил, алоҳида этибор остида мактабни олтин медаль билан битирган, анча йиллар мобайнида қишлоқда ҳаммага ўрناق қилиб кўрсатилган ва ҳоказо ва ҳоказо.

Борган маҳалларимиз Алишер бизни қишлоқнинг бошланишида автобусдан тушириб қолдирарди. Сўнг, бошқаларни билмадим-у, мен учун андаққина ёқимсиз машгулот бошланарди: бутун қишлоқни пиёда босиб ўтишимиз, йўлда учраган зот борки, кўшқўллаб салом беришимиз, то Алишер бизни битталаб таништириб чикмагунча жойимиздан жилмай туришимиз керак бўлар эди. Фикримча, Алишербой бу ўхшовсиз қилиғи билан деярли онгсизларча мақтанар, айниқса, хотин-халаж паҳса деворлар оша мўралаб турганини сезганда гул-гул яшнаб кетиб, ботиний ниятини ошқор қилиб қўярди. «Мен чакана одамлар билан ўқимайман», деган маънода бўлса керак, у орқаворатдан гуруҳдошлари хусусида ҳақиқатга унчалик тўғри келмайдиган гапларни айтиб юборган, жумладан, - мен буни бизга ҳайрат билан қараётган бир қишлоқ йигитидан ижиклаб сўрай-сўрай аниқлаб олдим, - гуруҳида (Алишер «гуруҳимда» деган, албатта) иккита обкомнинг, учта райкомнинг, икки министрининг, ўнга яқин пахта пункти мудирию тафтишчиларнинг, бир сўз билан айтганда, катта-катта амалдорларнинг фарзандлари ўқиркан. Агар гуруҳда йигирма бешга яқин талаба ўқишини ҳисобга олсак, ёлғиз Алишергина оддий кетмончининг фарзанди бўлиб чиқади. Ўзимга келсак, тўсатдан, ҳе йўқ-бе йўқ, «фалончи акахоннинг ўғиллари» бўлиб

қолганимга унчалик суюнмадим...

Тоғда ўсгани учунми, Алишер бўйчан, гавладан гуруҳимизда биринчи ўринда турарди, ҳатто уч йил флотда хизмат қилиб қайтган старостамиз ҳам ундай бир энлик паст эди.

Аниқ фанларда «габарит ўлчам» деган тушунча бор. Бу жисмнинг энг катта ўлчамлари мавносини беради. Алишер ҳам нафақат шунақа ўлчамлари, балки бошқа жиҳатлардан ҳам биринчи ўринга чиқиб олиш учун дастлабки пайтлари кўп ҳаракат қилди. Аммо, табиийки, институт - мактабмас, бирон ўқитувчи унга алоҳида эътибор бериб ўтирмади, устига устак, гуруҳимизда махсус физика-математика мактабида ўқиб келган болалар ҳам бор эдики, улар билим соҳасида анча устунликка эга эдилар. Ҳар қалай, Алишер тузуккина билимга эга ижтимоий фанлар эса асосий ўқув предметлари ҳисобланмасди. Алишер дастлаб ўзини йўқотиб, довдираб қолди чоғи; ҳатто, назаримда, уч-тўрт ҳафта ўзини ҳақоратланган ҳис этиб юрди, бироқ ҳар қандай таассурот ёдидан тез кўтарилиб кетавериш кўникмасига эғалиғи боисми, тез орада «ўртаҳоллик»ка ҳам ўрганди-қолди.

Мутахассислигимиз кишлоқ хўжалик техникасига боғлиқ бўлгани учун гуруҳимизда бор-йўғи тўрттагина қиз ўқир, уларнинг ҳам «боши боғланган», яъни йигитлари бор эди. Гапга жуда унчалик чечан бўлмаган, нозик қочиримли имо-ишқораларни тез илғаб ололмайдиган Алишер учун қизлар билан эл бўлиб кетиш осон эмас эди. Шундай бўлса-да, ўзи ҳақида салгина бошқачароқ фикрда бўлган Алишер гуруҳимизда бир қизга хат ёзиб, учрашувга таклиф қилишдан ўзини тийиб туролмапти. Бироқ бу қизнинг каттақон аудиторияда, кўпчилик шохидлигида айтган кескин-кескин гаплари Алишерни қизариб-бўзаришга мажбур этди, бунинг устига ушбу мулоқот иштирокчилари бўлган баъзи безбет йигитчалар ҳар гал дови юришмаган Дон Жуанни кўрганда хиринглаб қулишдан ўзларини тиёлмайдиган бўлиб қолишди. Қаттиқ ўсал бўлган Алишер «ҳап сеними!» деб яниб қўйди, аламини мажбуран ичига ютиб, қасд олиш йўллари излай бошлади. Янглишмасам, интиқомнинг энг мақбул усули бирон кетворган сулув билан ўша «хунук, тасқара» қиз ва беор болаларнинг олдидан қўлтиклашиб ўтиш бўлиб кўринди-ёв.

Бу орада ёзги имтиҳонлар тугаб бизни бир ой заводга, ишлаб чиқариш амалиётига жўнатишди.

Будунёда бир ҳодисот бошқа ҳодисот учун восита бўлиб хизмат қилгуси. Баъзан, эҳтимолки аксар ҳолларда, баҳона сабабга, сабаб оқибатга эврилади. Баайни кўпайтма амалини бажараётгандай, биз бир микдорни айтамыз, бошқа бир микдор эса дилда бўлади. Ва аста-секин шу дилдаги тушунча шакл-шамойил касб эта боради, биз уни аниқроқ, тиниқроқ кўра бошлаймиз. Шунда биз беихтиёр хушёрроқ тортамыз, сезгиларимиз таранглашади, илло асл мақсад, асл ният энди юз кўрсата бошлаганини

илғаймиз...

Мен инсонни идеаллаштириш фикридан йироқман. Фикри ожизимча, ҳар қанча улуг, ҳар қанча буюк бўлмасин, инсон бошқа инсон томонидан сажда қилгулик мақомга етишолмайди. Наинки ойда, биз энг муҳтарам, энг покиза ҳисоблаган инсонларда ҳам у ёки бу даражада доғ бор. Сарҳадсиз комиллик афсонавий «Куёш шаҳри» янглиғ ширин чўпчак, холос. Инчунин, ҳаддан ортик эҳтиром ўзини недандир ноқис ҳис этган инсонларгагина хосдир. Ўзини ўзи ҳурмат қилган банда бошқа ўзига ўхшаган икки оёқли, бир бошли мавжудот олдида тиз буколмайди...

Мен бу тахлит хулосаларга бирданига келиб қолмадим. Бироқ фикрдаги ўзгариш бир сонияда кечди: йил давомида бемисл Устоз санаб бошга кўтариб юрганим, бизнинг уруғимизнинг пири бўлмиш эшоннинг ўғли, адабиёт ўқитувчимиз, зуккогина кенжа фарзанди бизга синфдош бўлган Абдували ака мактаб боғидаги теракзор орасида янги келган инглиз тили муаллимасининг лабини сўриб турганини кўрганимда ҳали сабий ўсмирга хос онгимда шаклланиб улгурган-улгурмаган тушунча-эътиқодлар ер билан баробар бўлди...

Инсон зотидан атай қусур қидириш хасталигидан Худонинг ўзи асрасин. Бироқ камна бу пайтлари хом сут эмган бандани илоҳ даражасига кўтаришга мойил гўр йигитча эмасдим. Мен бўяб-бежалган орзуни эмас, асл воқеликни кўришга аллақандай савқи табиий билан интилардим. Бани башарни оқ ёинки қора рангларга ажратиш фикридан йироқ эдим, мен ранглар талошидаги Инсонни кўришни, уни тушунишни истардим, холос... Мен ўз тушунчаларимни, нуқтаи назаримни эътиқодим даражасига кўтарган эдим. Ўтаётган ҳар бир кун, рўй бераётган ҳар бир катта-кичик воқеа-ҳодиса менинг ишончимни мустаҳкамлаш учун хизмат қиларди. Менинг инсон ҳақидаги собит тушунчамга дарз кетиши асло мумкин эмасдай эди...

Алишернинг бир акаси бор эди. Исми Нажмиддин. Ўша маҳаллари у тиббиёт институтида аспирант эди. Мен ҳозиргача вақтини Нажмиддин акадай вақтини тежаб-тергаб, ҳар дақиқасига қадар ҳисобга олиб яшайдиган одамни учратмадим.

Алишер акаси билан икки хонали уйда турарди. Алишер «Ўйни аллақачон акам сотиб олиб қўйган», дерди мактаниб. Нажмиддин аканинг ўзи эса бир марта берган саволимга «Ҳали биз ижарадамыз», деб жавоб қайтаргани камтарлик билан.

Хуллас, мен ҳафтада бир ёки икки марта бориб турардим Алишерларнинг уйига. Одатда, кечки соат саккизларда, дарс қилиб бўлгач Нажмиддин акам ихчам, ўзига қуйиб қўйгандай ярашиб турган спорт кийимида кулимсирабгина кириб келарди-да: «Хўш, ёш авлод, ишлар қалай?» деб сўрашарди. Беихтиёр оғзимнинг таноби қочиб, бир нималар деб гудирлардим.

Нажмиддин ака роса шаҳар ҳадисини олганлардан эди: аввал махсус физика-математика мактабида уч

йил ўқиган, сўнг нимагадир тиббиёт институтига кириб кетган, хуллас, роса саккиз йил шаҳар тупроғини ялаган. Нажмиддин ака биз билан роса ярим соат гурунглашиб ўтирар, сўнг яна дарс қилгани хонасига кириб кетарди. Мен баъзан эшикдан мўралаб, томоша қилардим: тилла гардишли кўзойнак таққан Нажмиддин ака тунчирок ёруғида бир нимани жуда диққат билан ўқиб ўтирар, столида мудом бир кучок китоб-дафтар бўларди. Бир куни ўғринча кириб аспирантнинг кун тартибини ҳам ўқиб қолдим. Эҳ-ҳе, қай соат, қай дақиқа уйдан чиқиш, қай дақиқада институтдан қайтиш, кутубхонага бориш, сўнг спорт зали, ундан кейин яна кутубхона, кечкурун дарс, дарс ва яна дарс...

Нажмиддин ака институтда илмий ишига тажрибалар ўтказиш учун сичқонларни сақларди. Шу боисдан, биз билан суҳбат орасида, девордаги соатга кўз ташлаб кўяркан: «Эртарок бориб молларимни боқишим керак», деб ҳазиллашиб кўярди.

Нажмиддин ака қўли гул ошпаз эди. Беҳи солиб тошкентча ош пиширганида, зираворининг ҳидиданок оғзимиздан сўлак оқа бошларди. Нажмиддин ака кулимсираб туриб, гап орасида бизни тергаб ҳам кўярди: «Ўқинглар, ўқисаларинг ўзларингга фойда». Дарвоқе, фойда ҳақида. Алишернинг айтишича, акаси чет элдан келиб ўқиётган талабалар билан орасира олди-берди қилиб, анчагина даромад топиб кўяркан. Бу гапларнинг рост-ёлгонлигини аниқ билмадим-у, аммо Нажмиддин ака ҳамиша энг сўнгги русумда, бироқ ўзига ярашадиган либосларда, сипо юрарди.

Нажмиддин ака кунига бир соатдан бадий адабиёт ҳам ўқиб тураркан. Бир куни «Фауст»дан каттагина парчани ёдаки ўқиб бериб мени ҳайратга солди. У киши баҳслашмас, аммо фикрини шундай мулойимлик билан изоҳлаб-асослаб берардики, беихтиёр қўшилмай иложингиз қолмасди. Ёдимда бор, бир сафар мен қандайдир «синфдошлик бурчи, масъулияти, ҳаттоки мактабни битиргандан сўнг ҳам синфдошлар бир-бирларининг тақдирлари учун қайғуриши, керак бўлса курашиши керак»лиги ҳақида сўзлаганимда гапларимни жимжилоғи билан гилам устида ётган гугуртгни ўйнаб туриб эшитган Нажмиддин ака яна мулойимлик билан фикримга қарши чикқан, «ҳар ким ўз ҳаётига ўзи масъул, синфдошлик бурч-масъулияти мактаб парталарида қолиб кетиши керак», деган эди.

Ширин нарса тез жонга тегди. Нажмиддин аканинг фазилятлари кишида беихтиёр таассуб қилиш эҳтиёжини уйғотарди. Мана шу туйғунинг ўзи сўнгги пайтларда менинг иззат-нафсимга тегадиган бўлди. Мен Нажмиддин аканинг асл қиёфасини кўришни истардим. Дейлик, сирин аён бўлган ҳодисот ўз оҳанрабо сини йўқотади. Мен ҳам Алишер ҳақида тўла хулосага келиб олгач, назаримда асли кимлигини билиб олганимдан сўнг, унга нисбатан қизиқишимни йўқотдим. У энди мен учун оддий гуруҳдош эди,

ҳолос. Ўзининг қусури, ўзининг яхши томонлари билан. Нажмиддин ака эса ҳали «тотли тош ёнғоқ», яъни номаълум математик «икс» эди. Мен Нажмиддин акани ҳеч бўлмаса бир маротаба жаҳли чикқан, асаби бўзилган, жиллақурса довдираган аҳволда кўрсам дейдиган бўлдим.

Аммо бу ниятимга етиш осон кўчмайдигандек эди. Баъзан атайлабдан кечкурунги ўн-ўн бирларда уларнинг уйларига бостириб борардим-да, «квартирамызга меҳмон келиб қолди», деб баҳона қилардим. Шундаям Нажмиддин ака кулимсираб тураверар, тили «хуш келибсиз... бемалол»дан бўшамасди. Айниқса у кишининг ўзи ичкаридан оппоқ чойшаб, сочик олиб чикқанида ҳам ўз қилигимдан ўзим уялиб кетардим, ҳам баттар жаҳлим чиқиб кетардики, баайни мен Нажмиддин аканинг олдида яна бир бор кичкинагина, ҳасадгүй ўспиринга айланиб қолгандек.

Мақтовсевар одамни алдашдан, кўғирчоқ қилиб ўйнатишдан ўнғай иш борми? Икки марта Алишерни тилидан илтирдим, айтмаган гапини айтдинг деб туриб олиб уйига бир тўда меҳмон бошлаб келдим. Кўркса Алишер кўрқди, довдираса Алишер довдиради, аммо Нажмиддин аканинг бир туки қилт этмади: икки қўли кўксида, «хуш келибсизлар» деб тураверди; ярим кеча бўлишига қарамай, қайдандир қолбаса, ароқ топиб келди, орада укасидан ўпкалаб ҳам олдики, шундай азиз меҳмонлар келишини олдиндан айтиб қўйсанг яхши бўларди-да, деб... Аламин ичимда қолаверди, гўё ҳеч нарсадан беҳабар одамдай туравердим илжайиб, гурунги чоғи эса ҳатто ўзим ҳам Алишердан ўпкалаб қўйдим: «Кўноқ чақиргандан кейин албатта уйдагиларни огоҳлантириб қўйиш керак-да, жўра... Уйда нарса бўлари бор, бўлмаси бор, бу ер шаҳар бўлса...» Бечора, қачон кўноқ чақирганини эслолмай тураверади кўзини ғилтиллапти.

Бу орада, ҳали айтганимдай, ўқишнинг иккинчи йили тугаб, заводга йўл олдик.

Болалар кадрлар бўлими ёнида қолишди. Биз Алишер билан цехга кириб, баъзи бир қоғозларга қўл қўйдириб чиқадиган бўлдик.

Дарвозадан энди ўтгандик, кимдир ён томондан «Алиш!» деб чақириб қолди. Шу ёққа ўтирилиб, сариккина бир қизнинг офтобда қўлини соябон қилганча бизга қараб турганини кўрдим. Алишер шу томонга бир муддат тикилиб тургач, қизни таниди шекилли, югуриб кетди. Улар жуда қуюқ кўришишди, кутилмаган бу учрашувдан иккаловлари ҳам шод эканликлари шундоқ кўриниб турарди.

Ниҳоят оғзи қулоғида Алишер мени чақириб, қиз билан таништирди. Қизнинг исми Мавжуда бўлиб («Алиш» уни «Мавжу» деди), Алишер билан ўн йил бирга ўқиган экан; ҳозир шу заводнинг қуюв цехида ишларкан, институтнинг кечки бўлимига ҳужжатларини топширибди, сентябрь ойида имтиҳонлари бошланаркан.

- Тошкентда шунча юриб кўрмаган эканман, -

деди ишшайиб турган Алишер одатдагидан сал баландроқ овозда. - Мавжу авиагородда, «дом»да тураркан. Поччаси, - шу ерга келганда Алишер кўрсаткич бармоғини кўкка бигиз қилди, - министерствода ишлайди.

Кизнинг бир қизариб олганлигидан гумон қилдимки, Алишер почча хусусидаги хабарда авжни сал юкорирокдан олиб юборган.

Икковлон синфдошларни бирма-бир эсга олишаётганини кўргач узр сўрадим-да, цехга кириб кетдим. Қайтиб чиққанимда эса Алишер қизни бутун гуруҳимиз билан таништиришга улгуранди.

Ишлай бошладик. Вазифамиз ишлаб чиқариш жараёни билан танишишдан иборат бўлгани учун ҳеч ким биздан тўлиқ саккиз соатлик юмуш талаб қилмасди. Кўпинча Алишер сигаретасини буркситиб тутатганча «хўп, биз кетдик бўлмаса» деб қўшни қуюв цехига намойишкорона жўнаб қолар, тушлик пайти эса қизни бизнинг йиғув цехимиз ошхонасига бошлаб келиб, бирга овқатланарди. Бир-икки марта улар билан бир столда ўтириб қолиб, қизнинг ўз мактабини, синфдошларини аллақандай соғинч билан ёдга олишини, ўқувчилик йилларини қўмсагини, Алишерни эса бениҳоя ақлли, истеъдодли, салкам вундеркинд ҳисоблаб, унга чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлишини илғадим. Айниқса Алишер ўз гуруҳдошлари, ўқишлари, аллақандай ҳавойи режалари ҳақида сўзлаб қолган кезлари қиз худди гўдак боладек ҳамсухбатига ҳайрат ва ҳавас билан тикилиб қолар, астойдил ҳаяжонланиб кетар, умуман, Алишернинг ҳамма гапларига чиппа-чин ишонарди.

Мен сўнгроқ қисман Алишердан, қисман ҳамқишлоқларидан қиз ҳаётининг баъзи тафсилотларини билиб олдим. Мавжуда тўртинчи фарзанд экан. Оилада эса етти бола ва ҳаммаси қиз! Ароқхўр, иш жойининг тайини бўлмаган ота ўнилсизлигини дастак қилиб кунора жанжал кўтарди, хотинини йўқ ердаги сўзлар билан ҳақорат қилади, уйдан ҳайдаб солади. Муштипар, ўзини гуноҳкор сановчи аёл гилам тўқийди, сайлга чиққанларга равоч, мева, сут-қатик сотади, фаррошлик қилади, ишқилиб, бир амаллаб рўзғор тебратади. Сал бўй чўзилиши билан қизлар ҳам онага кўмакка ошиқишади... Мактабни битирасола Мавжуда шаҳарга, опасиникига келади. Қишлоқда иш қайда? Опа бир хонали уйда туради. Тўғрироғи, уй бўлиб уй ҳам эмас, оилавий ётоқхона. Почча, барча зиёлилар қатори, арзимаган маош олади. Ҳалиям шу аҳволида қайинсинглисига кўлидан келганча кўмаклашади, унинг маоши тийин-тийинигача қишлоққа юборилиб турилишини назорат қилади.

Мавжуда, бир кўришдаёқ одамни сеҳрлаб кўядиган даражада чиройли бўлмаса ҳам, кўхликкина, истараси иссиқ қиз эди. Айниқса унинг тиник, беғубор кўзлари кишида беихтиёр хурмат туйғусини уйғотарди. Бу кўзларда мудом суҳбатдошига нисбатан хурматми, ҳавасми, ишқилиб, аллақандай ёқимли туйғу акс этиб

турарди. Менимча, «ўзимдан бошқа ҳамма кам-кўстсиз, тинч-тотув, бахтли оилада ўсган, шунинг учун улар бошқачарок, яхшироқ, менинг улардек бўлишим қийин...» тарзидаги ёки шунга монанд қанақадир бошқа фикрлар қиз онгига сингиб кетган бўлса эҳтимол. Яна билмадим.

Алишер эса...

Оқшом ётоқхонада, ухлаш олтидан у-бу мавзуларда валақлашиб ётган чоғимиз негадир ўз-ўзидан жўшиб, назаримда, ўзи ўзига анча ёқимли ва хушсурат, қизларнинг ҳавасини келтириб юрадиган йиғит бўлиб туюлиб кетган Алишер туйғусдан Мавжуданинг ажойиб қиз эканлигию, иккаловлари орасида мактаб пайтларидаёқ бўлиб ўтган сирли учрашувлар, «хилват сўқмоқлар» ҳақида яланғочроқ имо-ишорали гапларни айтиб ташлади. Бир-икки дўстимиз қойил қолган бўлиб бош ирғади, бир-иккитаси эринмасдан тафсилотларни суриштиришга тушиб кетди, бошқа бировлари «Ўзи зўр йиғитсиз-да!» маъносида пишанг берди ва шу билан тамом - қирдан юмалатилган бўм-бўш бочка овози тобора гумбурлаб боравергани мисоли, Алишербойнинг бир вақтлар ўзининг устидан кулган уч-тўрт гуруҳдошининг кўзини ўймоқ қасдида беихтиёр айтиб юборган ўтриги энди ортга қайтмас бўлиб, ваҳимаси тобора кучайиб юмалаб кетаверди, кетаверди...

Ё раббий! Балки ҳиссиётларга берилиб, бола бечорани роса қора бўёқларга чаплаб ташлаётгандирман. Холбуки, назаримда, анча-мунча ўқиган ва андаккина уққан бола сифатида, Алишерда инсоф, виждон туйғулари унсурлари-да мавжуддек эди. У ўтрикни боғлаб дўндириб қўйиб, озгина муддат роса завқланарди-да, сўнг биринчи бўлиб ўзи ваҳимага туша бошларди-ёв. Мен бу ҳолни унинг овози титраб, кўзлари бесаранжом аланглай бошлаганидан тусмоллардим. Бироқ ким ҳам аччиқ ҳақиқатни рўй-рост тан олгиси келарди. Алишер аввалги ёлғонни бекитиш учун ғайришуурий тарзда кейингисига, янгисига ёпишар ва алат-оқибат барибир ўзи қийналиб, ўзи азобланарди. Болалигидан кўникмага айланган одати - мудом кўпчиликнинг назарида ва мудом иззат-хурматда бўлишга интилиш эҳтиёжи табиатан кўнгилчан, самимий йиғитнинг тоза ҳиссиётлари билан қоришиб кетганди. Умумнинг диққат-эйтиборидан, назаридан қолиб кетиш мумкинлиги, назардан қолгач эса тенг-тўшлар томонидан шафқатсиз нописанд муносабатга дучор бўлиши аниқлиги ваҳимаси Алишернинг бутун ўй-хаёлини банд этиб, ич-этини еб ташлаганди. Мана шу кутку измида у энг майда-чуйда нарсаларга ҳам жон-жаҳди билан ёпишар, ўлиб-тирилиб ҳаракатлар қилиб қолар, ишқилиб, бошқалар хурматида, ишқилиб, бошқалар эйтиборида бўлса бас эди. Талабалар шафқатсиз халқ бўлишади. Алишернинг хушомадга суяги йўқлигини англаган беш-олти гуруҳдошимиз эса мактаб-мактаб унинг сигаретасини узлуксиз чекишар ё бўлмаса мактаб-мактаб Нажмиддин ака олиб берган жинси шимларни



хафталаб кийиб юришарди. Ҳатто шундай устомонлардан бири дискотекага бориб, янги жинси шимни қоқ ўртасидан иккига айириб келганда ҳам, олдиндан тайёрлаб қўйилган уч-тўрт хайбаракаллагининг «бойбувага битта шим гапми?» деган сохта хушодаи боис, ичидан қиринди ўтса-да, Алишер гўё мингта қўйдан бир тук назр қилгандек, ишшайиб тураверишнинг эвини қилганди. Ваҳоланки, ана шу воқеадан кейин у бир ойча акасининг кўзига кўринмасликка уриниб, уйдан тонг саҳарда чиқиб кетиб, шом қоронғусида қайтиб юргангани, шимни бериб тургани учун ўзини-ўзи ичида минг марталаб яниб олганини мен яхши билардим...

Ётоқхонадаги бемаврид сўзамолликдан сўнг орадан уч кунча вақт ўтди. Тушлик пайти эди. Одатдагидек, учаламиз овқатланаётгандик. Мавжуданинг сал паришонхотирлиги, Алишернинг бош-адоғи йўқ гапларига бош ирғаб қўйиш билангина кифояланаётганини, ора-сира қўшни столга ўғринча қараб-қараб қўяётганлиги диққатимни тортди. Мен ҳам беихтиёр кўз қирим билан шу тарафни кузата бошладим. Бизлар тенги, кўзойнакли йигитчанинг бир ликопча овқатни қачондан буён еб тугатолмаётгани кизиқ туюлди менга. «Анъанавий «учлик» пайдо бўлаяпти-ёв», деб тусмолладим ўзимча. Шу пайт бекорчихўжа гуруҳдошларимиздан бири келиб атайин биздан соат сўради. Танидим, у ўша оқшом Алишердан Мавжуда билан «сирли учрашуви» тафсилотини оғзидан суви қочиб суриштирган бола эди. Гердаийб ўтирган Алишер шошилмасдан чўнтақларини пайпаслаб чиққач, ногаҳон узун чап қўлини Мавжуданинг елкасига қўйди-да, унинг бир ўрим сочини ўйнаганча:

- Сенда йўқмиди? - деб сўради.

Стакандаги сутдан энди бир хўплаган қиз бечора калқиб кетди. Сўнг қизариб-бўзариб:

- Йўқ... Энди турсак ҳам бўлар, - деди.

Туйқус вақтга қизиқиб қолган дўстимиз кетгач, Алишер қўлини тортиб олди, бироқ янада ястаниброк ўтиришдан ўзини тийиб туrolмади.

Стаканни нарироққа сурган Мавжуда:

- Ишга бораё энди, Алиш, - деди ботинмайгина.

Алишер шошилмасдан сигарета чиқариб тугатаркан:

- Э, борасан-да ўша ишинга, - деди менсимаган оҳангда бепарво қўл силтаб. - Ҳозир законний обед пайти. Мастеринга ўзим айтиб қўяман. Юр, скамейкада ўтираман, бир пас гаплашиб. Ё кизларимизнинг олдига оборайми?

- Йўқ-йўқ... - деди жон ҳолатда Мавжуда.

Қизларимиз ўша пайтлари жуда мода бўлган қимматбаҳо жинси шимларда, пистон тугмали аллақандай хориж қўйлақларида, пардоз-андозни ўрнига қўйиб келишар, суҳбатлашиб қолган чоғларимизда-ку, «келинг, йой бор» қабилда тилларини бурабми-ей, ғалати оҳанжама билан гапиришар, эриган металларнинг иси ўрнашиб қолган,

оддий коржома кийган Мавжуда уларнинг ёнида уялиб, сиқилиб, ҳатто жуда қийналиб кетишини тушуниб олиш унчалик мушкул эмасди.

Кейинги ҳафта Мавжуда иккинчи сменада ишлади. Алишер бир-икки марта қизни ишдан кейин кузатиб қўйди ва бу воқеага алоҳида урғу беришга жон-жаҳди билан уриниб, ниятига қисман етишди ҳам. Балки бу айтишга ҳам арзимас, аммо қизни соат кечки ўн бирда заводнинг махсус автобусида бор-йўғи ўн беш минутлик масофага кузатиб қўйган Алишернинг ётоғимизга тунги соат бир-бир яримларда намойишкорона тентираб, сузилибгина кириб келишининг ўзида, пичирлаб берилган саволларга ҳам қаттиқ-қаттиқ овозда жавоб қайтаришида ённки атай жавоб бермасдан сирли илжайиб қўйишга уринишларида каминанинг ҳавасини уйғотишдан кўра кўпроқ ғашимга тегадиган нималардир бор эдики, «балки ҳасад қилаётгандирман» деган хавотирда дарҳол кўрпага ўраниб олиб, ўзимни ухлаганга солардим. Илло, ўзим кал-у, кўнглим нозик деганларидек, назаримда, қиз бола билан бўлган учрашувнинг барча тафсилотларига қадар айтиб беришга ошиқаётган йигит (мен ҳатто «свидания»сини магнитофон тасмасига ёзиб келган бир учарни ҳам билардим) айнан шу қилиғи билан тубанлик ботқоғи томон илк қадамни ташлагандек туюлаверади менга...

Бу орада гуруҳдошларимиз орасида майда-чуйда гаплар, висир-висир миш-мишлар урчиб қолди. Кимдир Мавжудани бир тўрткўз йигит билан боғда кўриб қолибди, бошқа бирови кинода. Холис гап ташувчилар бу ахборотларни қўшиб-чатиб Алишернинг қулоғига етказишаркан, уларнинг энг тили аччик, ичи қора, бадбин ўйли, ўзига нарса ённки пул керак бўлиб қолганда Алишернинг енгидан кириб ёқасидан чиқадиган аблах:

- Ойимқиз чаток! - дея эълон қилди чинқириб. Сўнг таънаси янада заҳарлироқ чиқишини истаб қолдими, ҳайтовур илонга ўхшаб вишиллади: - Яхши бузук ҳам икки онани эмади-да, оғайничалиш!

Алишер «пов» этиб ёнди-кетди: баҳайбат муштини столга қарсиллатиб ураркан:

- Ҳозир бораман-да... - деб бўқирди баайни ўша тўрткўз унинг хусусий мулкига тажовуз қилгандай қаҳр-ғазабга тўлиб.

Баъзи болаларнинг «Кўй... Ўлдириб қўясан...» қабилдаги илимилиқ насиҳатлари эса бу ғазаб оловига мой сепгандек таъсир қилди.

Ёшликнинг қон-қонида ўзини танишдан кўра, ўзини танитиш майл-истаги устиворроқ чоғи, биз ҳаммамиз ногаҳон дўстимиз Алишерни хафа қилган кўзойнакли йигитчадан залворли мушт кўмағида қасд олиш йўлларини излай кетдик. Ҳа, ким бўлибди у тўрткўз? Борсин, тошини терсин! Бизнинг оёғимиз тагида ивирсиб юрмасин! Йўқса кўрадиганини кўради. Нима қилади Қоработир бўлиб... Э, худойим, биз нақадар тез алданамиз-а! Ахир, дейлик, ўзим тусмол қилардим-ку, Алишер юракдан эмас, қориндан зўраки суйиб, қизга нечун илакишиб юргангани. Аммо бу

туйғу ногоҳ унутилди-қолди. «Бизникини» хафа қилишди, тамом-вассалом! «Айбдор» жазосини олмоғи шарт!

«Лўлилар почтаси» янглишмаган экан: тунги соат ўн бирда, ишдан чиқаётган одамлар окими ичида Мавжуда билан ўша кўзойнакли йигит кўринди. Қутавериб асабийлашган, бунинг устига «мардлик учун юз грамм» отиб олган Алишер юлқиниб улар томон интилди, аммо дўстимиз Отеллонни амаллаб ушлаб қолдик. Бу орада биз кузатаётган жуфтлик хизмат автобусига чикди. Тажрибали болаларнинг маслаҳати билан шундай қарорга келинди: Алиш, Самат, мен таксида олдинроқ бориб, қизнинг уйи ёнида уларни кутиб оламиз, кейин Алиш тўрткўз билан ўзи гаплашиб олади. («Эзиб ташлайман» деб ҳезланди қароримизни эшитган қаҳрамонимиз).

Таксиям тез топила қолди. Қатор жойлашган гаражлар ёнида кўпи билан ўн дақиқача кутдик. Ниҳоят оилавий ётоқхона ёнига автобус келиб тўхтади. Ундан энг охирида тушган икковлон шундай ёнгинамиздан ниманидир оҳиста гаплашишиб, кулишиб ўтиб кетишди. Бирок... хайрлашиш онлари ҳазилакамига чўзилиб кетмади-ёв: улар подьезд эшиги ёнида нақ ўн беш дақиқача туриб қолишди. Бунга сайин Алишер зик бўлиб пишқиради денг. Ниҳоят қиз чопқиллаганида ичкарига кириб кетгандан сўнг йигит сал ёруғроқ майдонга чиқиб, кўзойнагини бир тўғрилаб олди-да, тепага бир муддат қараб турди. Иккинчи қаватдаги кичкинагина айвонда чирок ёнғач, қайрилиб биз томонга юрди. Алишер қаердандир топиб олган бир кулоч заранг таёкни кўтариб унга пешвоз чикди. Қоронғуликда уларнинг юз-кўзлари аниқ кўринмас, аммо гап-сўзлари эшитилиб турарди.

Алишер, одатига кўра, ўзидан паканани мазахлаб чакирди:

- Хўв пачақча!

Йигит тўхтади. Сўнг, афтидан, нима дейишини билмай довдираб қолди шекилли, дабдурустан салом берди:

- Яхшимисиз.

Мен гижиниб, секингина бир чеккага туфлаб кўйдим. Одам деган сал мард бўлиши керак-да. Назаримда, товуши қалтираб чикди, энди «хай-хай» демасак иштонига ўтириб ҳам қўяди-ёв. Юришни эплаган бола жавоб беришнинг билиши керак-да. Ярим кечаси «Яхшимисиз»га бало борми? Ҳали: «Айтиб юборолмайсизми, кутубхона қаерда?» деб ҳам сўрарсан.

Рақиб томон бир дўкданок эсанкираб қолганини сезган Алишер ҳам томоққа зўр бўрди:

- Менга қара, пачақча, агар яна бир марта шу қиз билан юрганингни кўрсам... нақ чикқан жойингга тикиб кўяман.

Хар қалай, куч - куч-да: оғизга келганини айтса бўлади.

- Сабаб?

Бу энди тўрткўзнинг овози эди. Сал енгил торгдим.

Бор экан-ку забон. Қалтироғиям унчалик сезилмади. Энди одамни мулзам қилиш гаги Алишерга етганми, дабдурустан:

- Мен унинг синфдоши бўламан, - деб изох беришга ўтди.

Бунақанги муроса оҳанги бизни ранжитди, албатта. Шунинг учун «биз ҳам бормиз, дадил бўлавер» маъносида томоқ қириб кўйдим.

Алишер бўлса... хол кўйгани кўйган эди:

- Унинг уйидагилари мени танийди. Менга тайинлаб кўйишган. Так что, кўзингга қараб юр, бола.

- Нега мен билан бундай оҳангда гаплашяпсиз?

Хуллас, «али-бали» узоқ давом этиши, бунақанги ғариб даҳанаки жанг ғазаб оловига сув сепиши ҳам мумкин эди. Бирок кутилмаганда Алишер баҳайбат муштини дўлайтириб, рақибининг бурни тагига олиб келганини қоронғида ғира-шира кўриб қолдим:

- Мана буни кўрдингми?

Навбат муштга етиб келганига ишонч ҳосил қилган Самад мени туртди. Биз пистирмадан чикдик.

Бу пайт энди ўз йўлига тушиб олган Алишер:

- Унинг отини ҳам иккинчи тилга олма! - деб кўрсатма бермоқдайди.

- Лекин Мавжуда...

Нимадир «қарс» этди. Кўзойнакли йигит уч-тўрт қадам кейинга учиб бориб орқаси билан ерга гурсиллаб йиқилди. То ўт-ўланлар орасини титқилаб кўзойнагини топгунча биз ҳам етиб бориб, уни айлана шаклида ўраб олдик.

Сал ёруғроқ жойга ўтиб қолган эдик. Йигитнинг лабидан қон сизиб чиқаётганди. Лунжини қимирлатган эди, нимадир қисирлади - афтидан, тиши синган. Йигит бир кўзи синган кўзойнагини тақди-да, бизга қараб бир амаллаб, лекин жуда аянчли жилмайди:

- Ҳечқиси йўқ, бир кўз билан кўрса ҳам бўлаверади.

Мен намоийшқорона тарзда Самаднинг ёнига сурилиб, ўтиб кетиш учун анча жойни очиқ қолдирдим. Худо ҳаққи, агар шу ораликдан «зув» этиб ўтиб, қочиб қолса Алишерни маҳкам ушлаб қолмоқчийдим. Умуман, қочган рақибни қувиб юришда маъни борми? Шусиз ҳам ҳаммаси аён бўларди-қоларди.

Бирок йигит «бир кўз билан кўрса ҳам бўлаверади» деб янглишдим, хайтовур, мен таклиф этган имкониятни илғамади. Бунинг ўрнига яна Алишерга қараб турди-турди-да, қийналиб, тилини базўр айлантириб гапиришга уринди:

- Айтмоқчи эдимки, Мавжуда...

Қорнига теккан кучли тепки йигитчани ерга сулайтирди. Шу билан ҳаммаси тугагандай эди. Бирок Алишер ногоҳон йигитчани ердан кўтариб олди-да, ёнимизда турган гараж томон бир қоп пахтадай ирғитиб юборди. Йигитча бориб гараж ёнидаги бочкага урилди, бочка бетон йўлакда тарақлаб юмалаб кетди. Шовкин-суронга итлар хура бошлашди, оилавий ётоқхонанинг, кўшни уйнинг турли қаватларида чироклар ёнди, айвонда одамлар қораси кўринди.

Одам баъзан кўнглида йиғилиб қолган қоп-қоп алам, гина-қудратларни куч воситасида ҳам ташқарига чиқарадими, тамом ваҳшийлашиб кетган, аҳтимолки шу ҳолатидан лаззатланиб, энди бизга, атрофдагиларга, ҳеч кимга бўйин эгишни истамаётган Алишер боя олиб кўйган заранг ёғочни ер билан битта бўлиб ётган йигит томон қулочкашлаб отди. Қандайдир мўъжиза туфайлигина сўйил бечора йигитнинг шундоққина икки энлик устидан шувиллаб учиб ўтиб кетди ва бориб гараж эшигига даранглаб урилди. Шовқин-сурон авжга чикди. Икки ҳатлашда ўз қурбони ёнига етиб борасола, уни тагига босиб олганча залворли қўллари билан аямай ураётган, ураётган... Алишерни орқасидан келиб кучоқлаб олишга уриндим. Бироқ у бир силтов билан мени ҳам тагига босиб олди. Мен бир лаҳзага унинг ваҳшиёна олайган кўзларини, оппоқ кўпик чиқа бошлаган оғзини кўрдим. У мени танимади чоғи. Хали оғиз жуфтлаб улгурмасимдан хиркираб ёмон сўзлар билан сўкинаётган Алишер қўлини кўтарди ва икки қошим оралиғига гурзидай мушт келиб тегди. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Қулоғим том битди.

Элас-элас бир нималарни эшитгандай бўлдим. Янглишмасам, Мавжуда додларди...

Бир амаллаб ғувиллаётган бошимни ердан уздим, аммо туролмадим, мажолим етмади. Аранг қаддимни тиклаб, қум устида ҳолсизгина ўтириб қолдим.

Алишер... йўқ эди. Жўнаворибди. Боши окқан томонга.

Кўрққанидан дудукланиб қолган Самад қийнала-қийнала ахийри такси тўхтатиб келмоқчи эканини менга тушунтиролди. Маъқуллаб бош ирғадим.

Бир ўрис аёл билан бир новча йигит мендан уч-тўрт қадам нарироқда ер билан битта бўлиб ётган йигитни кўтариб олишди. Мен ҳатто суякларнинг қисирлаганини эшитгандек бўлиб, сесканиб кетдим. Ўрис аёл бир нималар деб бақириб-чақирди, қайсидир гаражнинг эшиги очилди, машина чикди, йигитни олиб кетишди.

Самад алдамаган экан, йўлак бошига бир сарик такси машинаси келиб тўхтади. Букчайиб ўрнимдан турдим. Шунда кўрдим: Мавжуда... дарахтга суяниб, тиз букиб қолган... ранги қумдек оппоқ... оғзи сал очилган... беҳуш, берух бир аҳволда... Йўқ, у йиғламасди... назаримда, шундай, анг-танг ҳолатда суратга айлангандек... Қизнинг ёнида бир жувон... юм-юм йиғлаб бир нималарни гапирди, ҳадеб «сув опкелинглар, сув...» деб илтижо қилади...

Самад қўлтигимдан ушлади. Машинага ўтирдим. Жўнаб кетдик...

Бир ҳафтадан сўнг заводдаги амалий машғулотларимиз тугади. Кетиш олдидан ранги оғир хастаники мисоли сарғайиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган Мавжудани ўша тунги воқеадан кейин биринчи марта кўриб қолдим, лекин у ерга қаранча, худди мени танимагандай ёнимдан индамасдан ўтиб кетди.

Биров «Зўр иш қипсан! Адабини берибсан!» деса ёш боладай суюниб ўзини қахрамон ҳис этаётган, бошқабиров «Бекор қипсан...» деса дарҳол иккиланиб қолиб, қилган ишидан пушаймон ейишга тушаётган Алишер кўзлари жовдираб бир-икки бор Мавжуда ишлайдиган цех томонга ўтиб кўрди, аммо ҳар гал тарвузи қўлтигидан тушиб қайтаверди.

Кейинроқ суриштириб билдим: кўзойнакли йигит (унинг исми Мусурмон экан) йўлда ўзига келибдию, ҳамроҳларининг эътирозларига қарамасдан, бир амаллаб йўлни шифохонога эмас, ўзи яшайдиган ётоқхона томон солипти. Ётоқда Мусурмон беш-олти кун алангаи оташ бўлиб ётипти, лекин олдига ҳеч кимни киритмапти, аллақандай дорилар ичиб, ўзини ўзи даволашга уринипти. Шундан кейин, сал ўзига келгач, докторлар шунча зўрлашса ҳам, милициядан одам келса ҳам «Йиқилиб тушдим...» деб тураверибди. Цехда эриган металл тўкилиб кетиб, озроқ тан жароҳати олган экан. Эски дард билан янги жароҳат асоратлари қўшилиб бола бечорани бир ойча тўшакка михлаб кўйипти. Ниҳоят шифохонога замбилгалтақда боришга мажбур бўлган Мусурмонни текширишдан ўтказган дўхтир тананинг ички аъзолари, хусусан буйрак қаттиқ эзилганлигини айтиб, келажақда ярим жон бўлиб қолиши мумкинлигидан хавотир олаётганини билдирибди. Шунда Мусурмон тумтайиб кийинибди-да: «Ҳечқиси йўқ, битта буйрак билан яшаса ҳам бўлаверади», деб шифохонадан чиқибди-кетибди. Кечқурун эса ётоқхонадаги ҳамхоналарига «Тоғам яхши врач» дея арзимаган кўч-кўронини олганча қишлоғига жўнаворибди. Шундан буён ундан на хат бор экан, на хабар...

Алишер, назаримда, барибир, сал-пал бўлса-да, эзилиб юрди. Ҳатто, айтишига қараганда, Мавжуданинг уйига икки марта одам киритган, аммо совчилар ҳар гал куруқ қайтаверишган - она қизига солган, қиз эса бу ҳақда эшитишни ҳам истамаган...

Қишлоққа келсам, онам сал хасталаниб қолган экан. Дўхтирга чоп, дори топ, хуллас, югур-югурларнинг адоғи кўриनावермагач, икки йил шаҳарда ялло қилиб юрганим етар деган қарорга келдим-да, ўқишни сиртқисига айлантиришга қарор қилдим. Тошкентга келиб, бир ойча елиб-югурдим, юқоридаги гапларниям ўша маҳаллари эшитдим... Тўғриси, рўзғор ташвишларига бошим билан шўнгиган даврлар бўлгани учунми, бу хабарлар менда унча сезиларли таассурот ҳам қолдирмаганди...

Вақт - саксон тўққизинчи йилнинг кузи эди. Жамиятда «қайта қуриш» жараёни авж олган. Ҳамма ёқда ошкоралик, «фош қилиш»лар. Одамлар романларни эмас, партия съездининг стенограммаларини талашиб ўқиётган пайтлар... Бироқ бу ҳали ҳолва экан. Тез орада «бозор иқтисодиёти» деган тушунча пайдо бўлди. Ҳар ким ўзи учун қайғурадиган замонлар келди. Қарасам, мен оладиган дипломнинг ҳаётда бир чақалик аҳамияти қолмагандай. Молингни сот, жойингни сот -

ишбилармон бўл экан...

Кисқаси, мен тўқсон биринчи йилнинг кузига, пул кадрсизланиши энди-энди бошланган кезлари ҳуқуқий шахс мақомидаги «Дунё» деб аталган хусусий фирма очдим ва мана, олти йилдирки, ойнаванд кафеас ичидаги олмахон мисоли тирикчилик дардида тиямай югурганим-югурган.

Ўх-хў, бу йиллар ичида мен неларнинг гувоҳи бўлмадим. Аввалига, тадбиркорлик энди-энди бошланган кезлари, фақат олди-сотди билангина шуғулланиб анчагина сармоя тўплаб ҳам олдим. Кейин, вақт ўтган сайин, бематол пул ишлаб топиш мумкин бўлган жойлар доираси тораё борди. Тўғрироғи, ҳақиқий профессионал, маблағи катта-катта ишбилармонлар ўз таъсир ҳудудига эга бўла бориб, бизга ўхшаш устоз кўрмаган ҳаваскорларни сиқиб чиқара бошладилар. «Офис» аталмиш ғарибгина хонадан чиқмай, телефон ёрдамида Алининг қалпоғини Валига кийдириб, пул топиш мумкин бўлган замонлар бир пастда ўтди-кетди. Уддабуронлик ҳам инсоннинг қонида, табиатида бўлади шекилли. Каттароқ иш қилай десам, маблағим етмай қолади, кичик ишлар билан андармон бўлиб юраверай десам, сира ҳамёним қаппаймайди. Хуллас, аро йўлда кўп сарсон-саргардон бўлдим.

Инсон асабини самарасиз меҳнатдан ортиқроқ эговлайдиган нарса бўлмаса керак.

Мен умримнинг сўнги уч йилини деярли тўла сафарларда ўтказдим. Мен бормаган катта-кичик шаҳар қолмади ҳисоб. Натижа эса...

Мен уч йил эски дипломатимни кўтариб олганча шаҳарма-шаҳар изгидим. Ҳар гал янги манзилга кириб борарканман, кўнглимнинг туб-тубида «Ҳеч бўлмаса шу ерда ишим юришар» деган ғариб илинж бўларди. Дипломатимда фирмамнинг муҳри, банкнинг кафолат хати - мен маҳсулот излардим. Мен молни ишлаб чиқарилаётган жойнинг ўзида арзонроққа олиб, бошқа шаҳарга обorasола, қимматроғига сотишни мўлжаллардим.

Ў, сиз бу ишнинг қанчалар азоб-уқубатларга, гурурингизни балчиққа қориб ташлайдиган хўрлигу ҳақоратларга мўллигини тасаввур эта оласизми? Имоним комилки, йўқ!

Мабодо худо ёрлақаб, пулингизга маҳсулотини бериб қолганда ҳам, ишлаб чиқарувчи сизга кўзини лўқ қилиб туриб оладики, гўё сиз шу молни уч-тўрт баробар нархда сотиб, фойданинг тагида қолиб кетадигандайсиз. Ҳолбуки, маҳсулот устига кўядиган устама нархимни бора-бора ўн етти фоиздан оширмайдиган бўлдим, чунки бундан ортиқ кўйсам, ҳам молнинг ўтиши қийинлашади, ҳам ортиқча нархнинг эллик фоизини давлатга солиқ сифатида тўлайман. Шунинг учун ҳам мен «шапка», «совға-салом» деган нарсаларга унчалик юравермайман. Натижада ишим ҳам унчалик юришавермайди...

Мен асли табиатдан ўтроқ ҳаётга мослашганман чоғи, бора-бора «сафар» сўзини эшитсам кўнглим

айнийдиган бўлди. Мен ўз уйимда, торгина бўлса ҳам ўз хонамда саккиз соатлик ишдан сўнг тинчгина ўтиришни, телевизор кўришни, китоб, газета-журнал ўқишни хоҳлайман, холос. Мен учун бир жўмракдан иссиқ сув, биттасидан совуқ сув оқиб турса, газ ёниб турса, чўмилиш учун каттагина ванна бўлса бас. Аммо кундалик ғор - рўзғор ташвишлари мени у шаҳардан бу шаҳарга улоқтиради, ҳадсиз-адоқсиз йўлларда сарсон-саргардон этади.

Биласизми, нимани ўйласам юрагим увишиб кетади? Бегона шаҳарнинг намозшомларини. Ҳа, ҳа, бегона шаҳарнинг намозшомлари. Тасаввур қилинг, сиз умрингизда биринчи бор бир шаҳарга келдингиз, арзон меҳмонхонанинг суварак босган зах хонасига жойлашдингиз ҳам. Дейлик, кун мобайнида у-бу жойга бориб гаплашиб ҳам келдингиз. Жуда зериксангиз менга ўхшаб шаҳарнинг у бошидан бу бошигача пиёда юриб ҳам чиқдингиз. Ва ниҳоят бирон арзон ошхонада тузсиз ёхуд ёғи чучимаган бемаза лағмонни еб, ошқозонни ҳам алдадингиз. Аммо уфқда қизил ранг секин-аста сўниб, атрофга намозшом қоронғулиги чўка бошлаган маҳаллари нима қиласиз? Ё раббий, бундай паллалари юрак сиқилишига чидашнинг ўзи бўлмайди ахир! Айвонга чиқасиз, атрофга қарайсиз - борлик бегона, аллақандай совуқ. Қаёққа боришни билмайсиз, торгина хонага қамалиб олай десангиз, юрак баттар сиқилади, кўчага чиқай десангиз - қаёққа боришни билмайсиз. Шунда беихтиёр «Дод!» деб юборишдан ўзингизни амаллаб тиясиз-у, алам изтиробларнинг чексиз-чегарасиз уммонига чўка борасиз. Бундай лаҳзаларда ўтаётган умр, тирикчилик ташвишлари, арзимаган манфаатлар - бари-бариси ўзининг асл тусини йўқотиб, рангсизлик касб этади; бундай лаҳзаларда ҳаттоки жимгина ўлиб кетмоқ ҳам саодат бўлиб туюлади. Мен ўйлайманки, қачондир бир кун, бегона шаҳарнинг ғариб бир меҳмонхонасида, сап-сарик доғларига беланган олачалоқ чойшаб устида ётиб туриб жимгина кўз юмсам ҳам керак деб...

Мен бегона шаҳарнинг намозшомларидан кўрқаман...

Ҳатто хафта-ўн кун турган чоғларим ҳам, ҳатто икки-уч бор қайта-қайта келган чоғларимда ҳам мен бегона шаҳарга сира-сира эл бўлиб кетолмаганман. Мен ҳали шаҳарга қадам босмасдан туриб, йўлдаёқ ўзим турадиган меҳмонхонани, ўзим учрашадиган одамларни, энг оғири - зулмат элчиси бўлмиш намозшом палласини ўйлаб ваҳимага тушаман. Мен сассиқ тамбурларни, тиқилинч умумвагонларни, автобусларнинг тор ўриндикларини, нафасни қайтарадиган даражада - шифтига қадар мол ортилган тижорат уловларини - бари-барисини ёмон кўраман, аммо уларнинг жамиси бир тараф бўлганда ҳам мени бегона шаҳарнинг бир намозшомичалик жонимдан тўйдира олмайди. Мен азалдан одамовиман. Ҳеч қачон бир ёнги икки кўрган одамим билан элакишиб кетавермайман. Арзон меҳмонхоналарда онда-сонда

учраб қоладиган ҳамкасбларим билан ҳам бемалол гурунглашиб ўтиролмаيمان. Бунинг ўрнига хонамга қамалиб оламан-да, қатл дақиқасини кутаётган жиноятчидай титраб-қақшаб бегона шаҳарнинг намозшомини кутаман...

Мен одатда меҳмонхона айвонидан шаҳарнинг туссизлик касб этаётган ғариб биноларига, кўчада ўз ташвиш-қайгулари, шодликлари билан шошаётган одамларга, сон-саноксиз машиналарга боқиб турарканман, юрагимни шафқатсиз панжаралари орасида эзиб, алам-изтироб шарбатини сиқиб чиқараётган, бу шарбат билан қонимни заҳарлаётган ваҳима кутқусидан бесаранжом бўлиб, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Шунда ўтган тун бўйи расво поездда атай ухламай келганим ё бўлмаса уззу-кун тик оёқда юриб ўзимни атай жисман чарчатганим, ёки бўлмаса бирданига бир эмас, иккита уйку дориси ичиб олганим - бари-бариси яна ўз таъсирини кўрсатолмай қолади. Баайни устимдан юз ботмоё микдордаги юк аста-секин босиб келаётгандай нафасим бўғилиб, юрагим гурсиллаб урганча, совуқ терга ботарканман, кўчадан ўтаётган, ўз кўналғасига шошаётган барча-барча мавжудотларга ҳасад қилган ҳолда торгина хонамга қамалиб оламану, у бурчак билан бу бурчак оралигини қадамлаб ўлчагунча уёқдан бу ёққа юравераман, юравераман... то оёқларим кўрғошиндай оғирлашиб, кулаб тушмагунимча. Бирок бу азоб шунда ҳам мени тарк этмайди. Мен туннинг қолган қисмини ваҳимали, лабга учуқ тоширадиган босинқирашларда, чалакам-чатти кўркинчи тушлар билан ўтказаман. Ва тушларимнинг тўқсон тўққиз фоизида албатта бирон бир бегона шаҳарда, айнан намозшом палласи сўнг-адоғи йўқ расво кўчаларда адашиб-тентиб юрган бўламан... Мен чўчиб ўйғонаман қора терга ботиб, чойшаб ҳам жикқа хўл бўлган бўлади. Шунда тамакининг кўланса иси ўрнашиб қолган хона кўзимга бало-қазодай кўринади. Назаримда хона намозшомдан бери янада торайгандай, у шу кетишда торайиб-торайиб, охири мени қисиб ўлдириб кўядигандек, тап-тайёр тобутга айланадигандек...

Ў, кўргани кўзим йўқ бегона шаҳарларнинг намозшомларини...

Ў, бундай аҳмоқона турмуш тарзи, шаҳарма шаҳар саргардон кезиш қисмати кимга ёқса ёқар, аммо асло менга эмас. Бирок тирикчилик деган бало бошим устида қора булут мисоли мудом ғуж туради, ундан на қочиб қутулиб бўлади, на ўлиб. Майли эди, шунча азоб-уқубатларим эвазига ҳеч бўлмаса бойиб кетсам, бойиб кетмасам ҳам, ўртачароқ кун кўрсам. Қаёқда дейсиз. Шундай ойлар бўлардики, тамом зараримга ишлардим.

Мен бегона шаҳарнинг намозшомлари чеккан азобларимни фақат қаттол душманамгагина раво кўрган бўлардим...

Шундай қилиб, на ишимдан, на туриш-турмушимдан ризолик туйиб, ўтаётган кунларимга лаънатлар ўқиган кўйи, эртанги кунга заррача ишонч-

умидсиз, бутун бани башардан ўпкалаган бир тарзда «БВВ»да чиққан бир эълон бўйича керза этиклар олиш мўлжалида 1997 йилнинг сентябрь ойида ҳисоб рақамимда сўнги тўққиз минг, чўнтагимда эса сўнги тўққиз юз сўм билан Тошкентнинг Чилонзор даҳасидаги «Офтоб» фирмаси офисига кириб келдим ва «Директор» деб ёзилган эшикни очиб, ҳашаматли хонада, ялтироқ эман стол ортидаги юмшоқ креслода сигарета бурқситганча гердайиб ўтирган Алишерни кўрдим...

II

Кучоклашиб ўпишишлар (эркак кишининг эркак киши билан ўпишини кўрсам кўнглим айниб кетади - баайни баччабозларни томоша қилаётгандай кўзимни олиб қочаман, аммо Алишер лабини чўччайтириб тургандан сўнг ноилож ўпишишга мажбур бўлдим-у, аммо бир сесканиб кетишдан ўзимни тийиб туrolмадим), ҳовлиқиб-энтиқиб ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг узатилган бир пиёла илиқ чойни ичиб бўлмасимдан Алишер «гурунгни бошқа жойда давом эттирамиз» деб мени пастга, биринчи қаватдаги қаҳвахонага бошлади.

Қарасам, қаҳвахонанинг сал одмироқ қисмида ўз-ўзига хизмат, иккинчи ярми бўлган ҳашаматлироқ, стол-стуллари чиройли қисмида эса официанткалар хизмат қилар экан. «Шу ердаям табақаланиш бошланибди-да», деган истехзоли ўйга бордим. Бирок дарҳол ўз-ўзимни қойиган бўлдим: нима қипти, хўрандада танламоқ имкониятиям бўлсин-да. Бу имконият эса чўнтакдаги ҳамённинг тўла ё пучлигига жуда-жуда боғлиқ.

Алишер, талабалик йилларидек, бақириб гапирганча тўғри ҳашаматли қисм томон юрди. Ичимдан сал зил кетсам-да, ноилож унга эргашдим. Чунки, яхши билардим, анъанага кўра қишлоқдан келган меҳмон шаҳарлик мезбонни зиёфат қилиши лозим. Бу ёзилмаган қонуниятни эҳтимол бугун бузиб бўлар, деган ғариб бир илинж кўнгилдан ўтди. Бундай бўлмаса-чи? Демак, буюртмаларни ўйлаброк бериш керак.

Ўтирдик. Алишер чўнтагидан бир кути «Мальборо» сигаретаси, жажжигина олтинранг тугатқич чиқариб столга қўйди-да, талабалик йиллари ёдга тушдим:

- Қани, сўранг, - деди.

Мен дарҳол пайровни илиб кетдим:

- Йўқ, аввал сиз сўранг.

Алишер қийқириб кулди. Сўнг қайтадан ҳол-аҳвол сўрашдик. Гап орасида аста ҳамсуҳбатимга разм солдим.

Ранг кўр - ҳол сўр. Алишербой семирибди, юзи силлиқлашибди, бўйи ҳам уч-тўрт энлик ўсиб қолгандай. Сочини талабалик йилларидагидай хурпайтириб чап томонга тараб олибди, бироқ бу «хурпайиш»да уста сартарошнинг хизмати борлигини илғаб олса бўларди.

Умуман, душман оёққа қарайди, деб бежиз айтилмаган. Оёқ кийим аксар ҳолатларда эгасининг аҳволи ҳақида кўп нарсани оидинлаштиради-қўяди. Алишер олифтагарчилик қилиб оёғини чалиштирган чоғда сал зингил солиб кўрдимки, ҳозир шаҳарда жуда русм бўлиб кетган, тимсоҳ терисидан тикилган ялтирок, сариқ темир бандли туфлиснинг чап пошнаси сезиларли даражада емирилибди. Демак, ё ошнанинг ишлари ўртача даражада, ё бўлмаса ишга шунчалик берилиб кетганки, пойабзалига қарашга ҳам вақт тополмайди.

Пойабзал - моддий аҳвол кўзгуси, деган тушунча менда анча бурун пайдо бўлган. Ва бу нуқтаи назарим деярли тўқсон фоиз ҳолда мени алдамаган. Илло, бир шоир ёзганидай, ялангоёқ ўтиб, одамларни чалғитиш мумкин бўлган замонларам тушдай ўтган-кетган. Энди пойабзалсиз кўчага чиқиб бўлмайди. Ўзимга келсак, бу соҳада салгина айёрлик қиламан: пойабзалим пошнасига албатта нағал қоқтириб оламан. Нағал ейилса ейиладики, пошна ейилмайди. Эҳтимол пойабзалингиз ичи илвираб, терисининг эса ранги ўнгиб кетар. Бундай маҳал шартта битта бўёқ суртасиз-да, нағални янгилаб, янги туфли кийгандай гердайиб кетаверасиз. Фақат олган туфлингиз териси дермантин ё тери ўрнини босгучи аллақандай арзон кимёвий материал эмас, ҳақиқий тери бўлса бас. Ишқилиб, бу йўл билан ҳар қандай синчков одам кўзини ҳеч бўлмаса маълум муддатга чалғитиб турса бўлади.

Қимматбаҳо шимнинг сал гижимланиб қолганлиги, тиззаси андек кўпчиб турганлиги ҳам Алишернинг фойдасига хизмат қилмасди. Нимча чўнтагидан соат занжири чиқиб турибди. Бу яхши. Бироқ костюм бечора кўп кўргилликларни бошидан ўтказган шекилли: енгининг пастки қисми ялтираган, чап чўнтак ёнида кўзга тузуккина ташланиб турган доғ. Нима бало, ошнам ёғ томизганми дейман? Ё қусуқ изларими? Агар шундай бўлса, хотинидан ёлчимабсан-ку, оғайничалиш... Бўйинбоғ яхши, хитойники эмас, асл мол эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Тўғри, тугунини сал каттароқ қилса янада салобатлироқ бўларди, ҳар қалай, Алишер бўйни йўғонлардан...

Лабига сигарета кистираётган Алишер менинг зехн солиб қараётганимни илғади шекилли, гапдан тўхтаб, дабдурустан сўраб қолди:

- Ҳа, жўра, фигурам ўзгарибдими?

Кўп юриб, кўп одамлар билан гаплашиб юрган одамда тез фикрлаб, тез жавоб қайтариш кўникмаси пайдо бўлади. Мен ҳам бир лаҳза ҳам ўйланиб ўтирмасдан, ҳамсухбатимнинг кўзларига тикилдим-да, бағоят жиддий тарзда:

- У вас новий костюм-шими, - дедим сўнгги сўздаги икки «и»га урғу бериб.

Алишер бир зум хайрон бўлиб қолди, сўнг, ногоҳ гапимнинг маънисини миясига урди шекилли, бор овозда воҳха-ҳа-ҳа қилиб кулиб юборди.

Биринчи курсда ўқиб юрганымизда Валерий

Николаевич деган қария бизга рус тилидан дарс берарди. Юмшоқтабиат, безоргина бу чол бир куни дарсга янги костюм-шим кийиб келди. Шунда Алишер домлага ёқадиган гап қилмоқчи бўлдим, ишқилиб, дарс тугаб, «Кимда савол бор?» дейилганда қўл кўтариб ўрнидан турди-да:

- Валерий Николаевич, у вас новий костюм-шими, - деганди...

Буюртма бериш вақти ҳам етиб келди. Дафтарчасини чиқариб, ним эгилиб турган официанткага Алишер шўрва билан иккитада кабоб буюраркан:

- Нима ичасиз? - деб сўради мендан.

Албатта, одам чарчаб юрган бундай пайтлари бир културм ароқ зарар қилмасди. Лекин, мўлжаллаб кўрсам, буюртмамизнинг шу ёғиёқ тўрт юз-беш юзга етиб қоладиган. Шунинг учун камтарроқ бўлишга интилдим:

- Бир донагина, терлаб турган мусаллас бўлса...

- Иккита сухой, шунга яраша салат-палат, - деб буюрди Алишер.

Ичимдан зил кетсам-да, тиржайиб туравердимки, гўё нимтатир мусаллас буюриб ҳамсухбатим мени бениҳоя бахтиёр этгандай.

Патнисда газак билан оғзи очилган ичимлик келтирилди.

Одатда бундай пайтлари тилга олинадиган навбатчи қадах сўзларини айтиб оз-оздан мусаллас ичдик. Овқат келгунча ўсмоқчилай-ўсмоқчилай, Алишер институтни битиргач, ўз соҳаси бўйича бир кун ҳам ишламаганини, аввал акасига ёрдам бериб юганини, энди ўзи мустақил ишлаётганини билиб олдим. Тўғри, бу гапларнинг барисини Алишер сал бўрттириброк, очикдан-очик мақтаниб айтди, аммо бу билан мазмун ўзгариб қолмайди-ку.

Овқат келтирилиб, қўлимизга қошиқларни олган маҳалимиз жой масаласини сўрадим.

- Бор! - деди оғзини тўлдириб овқат чайнаётган Алишер гердайиб. - Центрд. Бултур олдим.

- Бир хоналимиз? - деб сўрадим ботинмайгина.

- Иккита, - деган жавоб бўлди. - Қаватиям олтин - иккинчи.

Ичимдан қиринди ўтиб кетгандай бўлди... Ё бойроқ қизга ўйланиб...

- Унда... ўйланиб ҳам олгандирсиз?

Алишер шоша-пиша ютиниб олгач, тамоман ёйилиб илжайди.

- Э, ўйланиб нима қиламан? Шусиз ҳам қизлар во!

- У кафтининг киррасини кекирдагига олиб борди. - Юрипман-да маза қили-иб.

Шунда... мен ўзимни тамоман хайратга тушганга солдим.

- Зўрсиз-ку! Ўзи лекин аввал-бошдан бўладиган кадр эдингиз-да. Курсдошларнинг орасида шундай ажралиб турардингиз. Ўзимам ўйлардим, ким-ким, лекин Алишербек бу ҳаётда ўрнини топиб кетади, оғзидагини олдирмайдиган хўжайин бўлади, деб.

Қаранг, ўйлаганимданами ошиб кетибсиз!

Айтган эдим-ку, Алишербойни мактовга суяги йўқроқ йигитлардан деб. Қарасам, оғзининг таноби қочиб, кўзлари йилтираб кетаяпти. Ичкилик таъсиридами, рангиям андак қизаринқирагандек. Темирни кизигида босдим:

- Бизга ўхшаганларга сизга етишга йўл бўлсин.

Мактов ўлсин-а, мактов! Гоҳи билиб турасан, ҳамсухбатинг чин дилдан гапирмаяпти, шунчаки, йўлига айтаяпти, аммо барибир... ёқади-да... Алишер ҳам қармоққа илинди-қолди. Сўнг, ҳеч қовушмаган тарзда, ўзини камтарроқ кўрсатишга бир уриниб кўрди:

- Энди, жа унчалик эмас-у, лекин ишляпмиз ҳар қалай. Хамма қатори...

- Сизга ўхшаганларнинг бир ургани бизга ўхшаганларнинг минг урганига тенг-да, очиғини айтганда.

Алишербой деганимиз энди ўзини эпюломай қолди. Шундай курси суянчигига ястанди-ю, баайни чимилдикдан чиқиб келган куёвтуродай масъумона жилмайди - гўёки шундоқ ҳам ошқора кўриниб турган ҳақиқатни ноилож бўйнига олди.

Йўқчилик одамни не қўйларга солмайди... Назаримда, тушлик ҳақини ким тўлаши лозимлиги масаласини ярмига ҳал қилган эдим. Бу муаммони бир йўла бартараф этиб қўяқолишга, шу билан еганичганим ичимга тушиб, сал хотиржам ўтиришга аҳд қилдим:

- Мен ўша ўқиб юрган пайтларимиздаям айтардим: «Алишер ичимизда энг пешонаси ярқираган, сахий, мард йигит» деб.

Бечора нимадир демоққа уринди, аммо ҳузурдан овози бўғилиб қолди шекилли, бир-икки ютингандан сўнг:

- Қани, олдик, - деб қадаҳини кўтарди.

- Олдик. Сиз учун, ишларингиз янада ривожланиб кетиши, янаям таниқли бизнесмен бўлиб кетишингиз, яхши-яхши, тагли-тугли оилалардан ажойиб, ўзингизга мос ёрга уйланиб, ка-атта тўйлар қилишингиз учун. Илойим, тўйларингизда белимизни боғлаб хизматда бўлайлик. Олиса бўлсак ҳам сиз билан фахрланиб, гурурланиб, сизга ҳавас қилиб, «шу акахон билан бирга ўқиганмиз!» деб мактаниб юрайлик.

Олдик.

Гап орасида, талабалик йилларини эслаш асносида эҳтиёткорлик билан яна бир-икки зарур маълумотларни олиш пайида бўлдим.

- Фирмангиз ҳақида кўп жойда яхши гаплар эшитиб қолдим. Сизлар вилоятлар билан ҳам ишлайсизларми дейман?

Алишер «шу ҳам гапми?» дегандек беписанд лаб бурди ва мен умримда биринчи мартаба эшитиб турганим «Офтоб» фирмаси хусусида сал баландроқ келиб ахборот берди:

- Вилоятларни қўйиб туриш, биз чет эллар билан ишляпмиз-ку.

Ха-а... зўр, зўр, гап йўқ, ака, гап йўқ.

Бир пасда «жўраликдан «ака»лик мақомига кутаришган, шухратпарастлик аталмиш қитиқ-патиға тегиб қўйилган Алишер ногаҳон жўшди - нимчаси чўнтақдан тилларанг соатини олиб, кўз-кўзлагандай бир қараб олди-да:

- Шундан шу ёққа мени излаб келибсизми, бугун бир ййрайлик, - дея эълон қилди. - Официантка! Битта ароқ келтиринг.

Мен эътироз билдиришга уриндим.

- Аҳир иш...

Бироқ Алишер мени гапиртиргани қўймай, талабалик пайтимиз тўрт тийинлик ичак-чавоқли перашкидан бир йўла бир сўмга сотиб олганимизда айтиладиган машхур бир гапни эслатди:

- Қирқ йилда бир от ўйин!..

Қабоб келтиришди. Боя Алишер «иккитадан» деганда сал оғрингандай ҳам бўлгандим, «икката қабоб қайси ичачимга юк бўлади» деб. Аммо кўрдимки, бу қабоб мен арзон ошхоналарда еб юрадиган, учдан икки қисми нондан иборат қийма қабоб эмас, ҳақиқий, сихи бир қулоч, гуржиларга ўхшаб олмай-олмай гўшт қўйилган, сих учига эса помидор киестирилган, кўринишиёқ иштаҳани кўзғатиб юборадиган қабоб эди.

- Ўҳ-хў! - дедим мен беихтиёр оғзимнинг суви қочиб. - Бунисига қойилман. Ишлаган тишлайди деб шунга айтадилар-да.

Алишер бепарво қўл силтади:

- Э, бизнинг ҳар кунги тушлигимиз шу.

Кучсизгина мусалласдан кейин ароқ ичимни куйдириб ўтгандай бўлди. Қарасам, Алишернинг ҳам кўзлари сузилиб бораёпти. Индамай ўзимни қабобга урдим.

Худди шу маҳал нимадир ёнгинамизда «тийт, тийт» деб кучсизгина сигнал бергандай бўлди. Бундан нечукдир янада яшнаб, юзи гул-гул очилиб кетган Алишер шошилмасдан қўйнидан чўнтак телефонини чиқариб, шошилмасдан қопқоғини очиб, худди шундай шошилмасдан антеннасини юқорига кўтарди ва салобат билан гапиршга уриниб:

- Алло, - деди-ю, бироқ у томондан дастлабки сўзни эшитгандаёқ дарҳол ҳушёр тортиб, ўзини йиғиштириб олди. - Саломалайкум. Ҳа, мен... Уч киши сўради. Биттаси мингта сўради. Мен эрталаб келинг дедим... Хўп. Ўзимми? Ҳа, ишдаман... Хонамдами? Йўқ, ҳозир пастга тушибидик. - Бутун диққат-этиборини аниқ жавоб беришга қаратаётган Алишернинг кўзи менга тушиб, юзи сал ёришгандай бўлди. - Меҳмон бор. Атай бизни излаб келипти. Танийсиз. Ҳа, танийсиз. Менинг курсдошим. Уйга тез-тез келиб турарди-ку. Муроджон. Қайси Муроджон дейсизми? Ўша-да... Муродилла... Кўрсангиз, срази танийсиз. Атай излаб келипти. Ҳа, ҳа, кутаимиз. Бўпти.

Алишер энгил нафас олиб, телефон тугмачасини босди. Назаримда, кайфиям анча тарқаб кетди-ёв.

- Ҳозир акам келади, - деди у столга безовталаниб кўз ташларкан. Сўнг мингирлаб кўйди: - Сизни айтдим. Хурсанд бўлди.

Албатта, акасининг хурсанд бўлган-бўлмаганини аниқлаш қийиндир, аммо Алишернинг бениҳоя безовталаниб қолганиги рост эди. Ва мен бу ҳолнинг боисини сезгандай бўлиб, ташаббус ўзимдан чиқиб кўя қолсин деган қарорга қелдим.

- Акангиз билан шунча йил кўришмадик. Бирдан столдаги арок-парокни кўрса, яна ҳар хил хаёлга бориб юрмасин. Шунга, илтимос, агар хафа бўлмасангиз, ичимликларни олиб кўйдирсак.

Алишер яйраб кетди, ҳатто кўнгили учун эътироз билдиришга ҳам уринмади.

- Тўғри, тўғри. Иш пайтида... Бўлмаса-ку... Официантка, мана буларни олинг!

Стол тартибга келтирилаётган палла сал мулоҳаза юритиб кўриб, боя Алишернинг оғзидан чиқиб кетган, ўзини оқлаш тарзида айтган бир гап менга жўяли туюлди. Эҳтимол, узоқдан «атай буларни излаб келган» бўлиб турганим маъқулдир. Қани, кўрайлик-чи асл вазият қандай экан. Агар асл аҳвол ҳам ҳозиргина айтилган даражада бўлса, Алишердан беш-олти юзта керзавой этикни - конуний ўн беш фоизини олдиндан тўлаб кўйиб, албатта, - олиб кетиш унчалик мушкулот туғдирмас. Нархи тўғри келса бас. Ҳар нечук, авзойидан Алишер «атай ўша ёқдан излаб келганим учун» уч-тўрт сўмнинг баҳридан ҳам кечиб юборадигандек. Яна ким билади дейсиз. Эҳтимол, Алишер замонга бокиб, ўзида тадбиркорлик салоҳиятини кашф этгану, мана энди бир тийиннинг устида ётиб олиб олишар. Ахир, менга ҳам учраган-ку ошхона ё ресторанга олиб кириб минг-минглаб пулларни аямасдан сарфлаб ташлайверадиган, бироқ маҳсулоти нархини беш тийинга камайтирмайдиган ғалати табиатли ишбилармонлар... Дарвоқе, сафарим сабабига келсак, сопиям ўзидан чиқа қолди - ҳозирча атай излаб келган бўлиб турай-чи. Ахир, мен қандайдир олтинчи сезгими ё бошқа туйғу таъсиридами, ишқилиб, ҳис қилиб турардимки, гап бу ерда бошқа жойда, мумкин эмас Алишер шу феъл-атвори, шу шуҳратпарастлиги билан бирни икки, иккени ўн қилиб юрса! Назаримда, янглишмасам, Алишерни бошқа бировлар бошқариб тургандек эди. Мен ана шуларни кўришим керак. Бир телефон кўнгиригидан иштонини хўллаб кўйгудай кўркишига қараганда, Нажмиддин акада ҳам кўп гап бор шекилли... Наҳот у киши билан яна йўлларимиз кесишса? Наҳот у яна менга ўхшаган омадсиз бандаларда ҳавасу ҳасад туйғуларини уйғотиб, энди бизнес соҳасида ишини гуриллатиб юрган бўлса? Илмда пешволик, ўтакетган зиёлилик ва ниҳоят тадбиркорлик - буларнинг бари бир одамга кўплик қилмайдими? Худо ҳамма неъматини бир одам бошидан сочиб юборгунча, бизга ўхшаган бандаларига ҳам ҳар-ҳар замонда «ол, қулим!» деб турмайдими...

Гурунгимиз оловига сув сепилди. Бир пиёладан

аччиқ чой ичар-ичмасимиздан Нажмиддин ака ҳам етиб келди.

Ҳа, кўнглим бир нарсани бекорга сезмаган экан. Нажмиддин акага бир кўз ташлашдаёқ қаршимда пихи қайрилган ишбилармон турганлигини англадим. Ялтираб турган, сал оқ оралаган жингалак сочлар, ҳозиргина сартарош олдидан чиқиб келаётгандай ялтираб турган даҳан, бир юз йигирма долларлик австрия костюм-шими, бир ярим минг сўмлик алламбало зарғалдоқ бўйинбоғ, туфли эса... бугун сотиб олинганми нима бало, гард юкмаган-а, гард юкмаган... Ҳар нечук, учиб келмагандир бу акам...

Нажмиддин ака ҳалиям чекмайди шекилли, кучоклашиб кўришганимизда (хайрият, ўпишмадик) димоғимга гуп этиб ёқимли атир хиди урилди.

Ўтириб, фотиҳа қилдик. Нажмиддин ака ҳов ўша пайтлардагидай жиддий, босиқ, вазмин оҳангда ҳол-аҳволимни, уйдагиларни сўради, укасига бирров кўз ташлаб «Қалайсан» деб кўйди. Типирчилаб қолган Алишер бизга бир пиёладан чой узатди.

Нажмиддин ака столни синчков назардан ўтказгач, менга қараб қулимсиради-да:

- Хўш, ёш авлод, ишлар қалай? - деб сўради.

Бейхтиёр оғзимнинг таноби қочди. Назаримда, саккиз йил орқага қайтгандек бўлдим. Биз Алишер иккаламиз ҳали гўр талабаю, қаршимизда зукко аспирант тургандай...

- Ёмон эмас, - дедим. Сўнг, орамизда бўлиб ўтган кичкинагина бир баҳсни эслатиб кўйиш ниятидами, сал қочиримлироқ гап қилишга уриндим: - юрибмиз синфдошлик масъулиятини ҳис қилиб.

Аммо мен жудаям майда, бунинг устига эски бир гапни ёдга олдим шекилли. Ҳар қалай, ҳамон жилмайиб турган Нажмиддин аканинг юзида бирон-бир ўзгариш илғамадим.

- Биз қилаётган ишларни эшитиб «ҳорма»га келибди дўстим, - деди Алишер.

Нажмиддин ака андак жиддий тортгандек бўлди.

- Қайси ишларимизни? Қаерда?

Нажмиддин ака менга тик қараб тургани учун ўзимни саволни эшитмаганга солиб, гапни бошқа ёққа бурдим.

- Молларингиз бўлмадими, Нажмиддин ака?

У киши яна қулимсиради:

- Мол боқишдан истеъфога чиққанимизга анча бўлди, Муродиллабек. Хўш, ўзингиз нима ишлар билан андармонсиз?

Мен ҳам тўғри жавобдан ўзимни олиб қочдим.

- Шу... қишлоқда юрибмиз, гоҳ пахтанинг қулоғидан тортамиз, гоҳ пахта бизнинг қулоқдан тортади...

Нажмиддин ака яна қулимсираб кўйиб соатига кўз ташлади.

- Бўлмаса турдик. Уйга ўтамиз. Хангомани кечқурун қиламиз. Қани, омин...

Қарасам фотиҳадан сўнг Алишер индамай ўрнидан туриб кетаяпти. Музлаб кетдим. Официантка тўққиз

юздан кўпроқ сўраб қолса-я?! Тириклай сўйди-ку лаънати терак!

Хайрият, Нажмиддин ака четрокда турган официанткани имлади. Ўлганимнинг кунидан ноилжочунтагимни кавладим.

- Бизни уялтирманг, меҳмон, - деди Нажмиддин ака юмшоққина, лекин эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим. Алишер зулукдай коп-қора «Нексия»га суяниб сигарета тутатарди. Олдига бордим.

- Братанники, - деди у гурур билан.

Дарҳақиқат, ортимиздан етиб келган Нажмиддин ака кичкина калькулятордай бир нима чиқариб, тугмачасини босган эди, «Нексия»нинг яқинни ёритувчи чироклари бир ёниб-ўчиб, «шиқ-шиқ» деган товуш эшитилди. Англадимки, эшикларини масофадан очиб-ёпувчи қурилма ишлатилди.

Хавасим келди. Одамлар яшайпти-да...

Уй яқингинада экан, тўрт-беш дақиқада етиб бордик.

Нажмиддин ака мени тепага бошлади. Алишер олдинроқ бориб темир эшикни очиб турди.

Оёқ кийимларимизни ечиб меҳмонхонага ўтгач, каттакон эман стол атрофига ўрнатилган юмшоқ стулларга ўтириб яна бир бор фотиҳа қилдик. Шундан кейин Нажмиддин ака кўлини кўксига қўйиб узр оҳангида деди:

- Сиз баҳузур дам олаверинг. Мен бир-иккита ишларни битириб, кечқурун олдингизга чиқаман. Ўшанда бемалол гурунг қилармиз.

Шундан кейин Нажмиддин ака укасига мурожаат қилди:

- Факсадагиларни опке.

Алишер сезиларли даражада гандираклаб чиқиб кетди. Қўшни хонада қоғознинг шириллаб йиртилгани эшитилди.

Алишер кўтариб келган бир даста қоғозни очиб кўрмасданок индамасдан ўраб олган Нажмиддин ака яна бир узр сўради-да, чиқиб кетди. Ташқари эшикнинг ёпилгани, қалит шиқирлагани эшитилди.

- Уф-ф, - деди аста-секин аввалги ҳолатига қайтаётган Алишер. - Кетди. Қани, юринг-чи.

Бажонидил Алишерга қўшилиб қўшни хонага ўтдим. Телефон, факс, компьютер, кучоқ-кучоқ папкалар тахланган стол... Хона бурчагида каттагина холодильник. Алишер тўғри бориб унинг эшигини очди-да, битта ароқ, калбаса, аччиқ-чучук, иккита «кока-кола» олди.

- Учрашганимизни ювамиз энди...

- Шуни ичмайлик, - деб илтимос қилдим мен. - Шундай гаплашиб ўтирсак бўлади. Ҳали акангиз келиб қолса, яна ноқулай бўлиб юрмасин.

Алишер қўл силтади.

- Энди ярим кечаси келсаям катта гап. Мен кўрқмайман... Келганлигини билгандан йиғиштириб кўямиз. Тўғри тепада туради. Келгани срази билинади.

Бироқ бу тарзда ўғринча майхўрлик қилиш истикболи менга унчалик ўтиришмади.

- Қўйинг, Алишербек, - дедим қатъийроқ оҳангда. - Ароқ ҳамма жойда топилади. Мен сизнинг тўрт оғиз гурунгизни оламан деб келганман.

Эътирозимга қарамай, Алишер олган нарсаларини ошхонадаги стол устига олиб чиқиб қўйди. Бироқ ароқни очдирмадим. «Кола»ни майдалаб, хангома қилиб ўтирдик. Тўғрироғи, мен ҳамсухбатимдан кўпроқ гап олиш пайида бўлдим.

Бир-икки очиқ-ошқора мақтов, ҳайрат изҳорлари, «Буни қаранг-а, шундай зўр ишларни қилибсиз-а, қойил!» қабилдаги мой пуркашлардан кейин буткул аввалги ҳолига қайтган Алишер талтайиб ўтириб олганча, ўсмоқчилай-ўсмоқчилай берган саволларимга жавоб беришга, гап орасида менга қандай яшаш кераклигини ўргатишга тушиб кетди. Айниқса менинг: «Алишербек, сиз ҳаётни тушуниш бўйича бизга ўхшаганлардан камида йигирма йил олдинга ўтиб кетибсиз-ов» деган мақтовим жуда ёқди шекилли, тамом ийиб кетган мезбон: «Ҳа, энди, йигирма йил бўлмасаям ўн-ўн беш йил олдинда юрганимиз рост», дея яна бир улғу ҳақиқатни эътироф этиб юборди.

- Пул ҳамма жойда бор... жўра, - деди Алишер. Фикримча, айна дақиқаларда у мени «ука» деб юборишдан ҳам тоймасди. - Фақат уни топа билиш учун яхши калла, ўткир кўз, кучли билак керак. - Булар, аёнки, аксиома янглиғ жўн тушунчалар эди. Аммо айна пайида бу гаплар Алишернинг гаплари эмасди. Йўк, йўк, бу гапларни қаердадир ё эшитган ё айнан шу гапларни кимдир унинг миясига қуйган эринмасдан. - Ундан кейин, пул топгунча ҳисоб топиш керак. Ундан кейин одамда омад бўлиши керак. Ундан кейин... - ниҳоят умумий гаплар захираси тугаб қолдими, мезбон муайян мавзуга ўтишга уриниб кўрди. - Мана биз, мана шахсан мен, масалан, пул топиш проблемасига сира учрамайман. Нима учун? Чунки мен пул топишни биламан. Сарфлашним! Пулни пул топади, кетмонни аҳмоқ чопади, жўра...

- Айна ҳақиқатни айтдингиз, - дедим камоли эхтиром билан.

- Так что, шундай экан, яшашни билан керак. Мен ўзим шахсан масалан қа-анча одамга процентга қарз бериб қўйганман. Туғиб ётади. Ўшаларнинг процентига ҳам во яшасам бўлади. Лекин мен ишлайман. Тинмайман. Пулни кўпайтираман. Бўлмаса менга нима керак пул? Хоҳласам, ўзим эртага собствениий «супер-салон» оламан. Хоҳласам, ҳар куни ресторанга бораман. Керак бўлса мен осмондан пул ясайман. Қандай қилиб дейсизми?

- Қандай қилиб? - дедим яхшироқ ўрнашиб оларканман.

- Э, бунинг минг битта йўли бор. Калла бўлса бўлди, - дея яна аравани қуруқ олиб қочишга тушди Алишер боягина ўқиган маърузасидаги ўткир кўз ва билан кучи ҳақидаги таъкидларни эсдан чиқариб. Мен тирғалишни қўймадим.

- Биттагина мисол айтиб юборинг-чи. Хойнаҳой, улар сизда тиқилиб ётгандир.

Алишер бўш келмади.

- Марҳамат. Мисол учун, бугун бориб ипподромдан беш юз мингга доллар олиб қўяман-да, бир ойдан кейин нақд олти юз мингга сотаман. Кўрайсанми, йўқ жойдан юз минг нақд келиб турибди.

Алишер шундай оҳангда гапирардики, гўё бир умр фақат шу иш билан шуғулланиб юргандай.

- Зўр! - дедим қойил қолганимни билдириш учун бош бармоғимни бигиз қилиб кўрсатарканман. - Лекин бунинг учун бизга ўхшаган фақирлар аввал ўша беш юз минг топиши керак, кейин ипподромда ошна-оғайни оттириши керак.

- Гаранция! - деди Алишер баттар ҳовлиқиб. - Пул топган куни келинг, кўкини қуртдек санаб олиб кетасиз.

- Яна бошқа усуллариям борми бебилски пул топишининг? - деб сўрадим илинж билан, зора Алишер ерга тушиб қолар деган хаёлда.

- Кўп! Мана, шу бугунги кунда Сурхондарёда юз тонна туз ётибди, килоси саккиз сўмдан. Шунини обкелиб ўн учдан урсанг - беш юз минг сўм осмондан ёғилиб турибди-да.

Бу бизнес режа менга сал шубҳали туюлди. Дарҳол ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашишга шошдим.

- Ахир бунинг транспорт харажатлари бор, солиғи бор. Юк Сурхондарёдан Тошкентга келгунча ўзи камида ўн учга борар.

- Ерунда! - деди Алишер яна бурни олдида нимирлаб қолган пашшани ҳайдаётгандай қўл силтаб. - Нет проблем!

Ҳа, афтидан - йигит ҳали осмонда учиб юрганга ўхшайди. Бундоқ бир ҳисоб-китобли, соғлом мантиққа тўғри келадиган режа унинг оғзидан чиқмайди чоғи. Ким билади, балки атай шундай қилаётгандир. Нима, мен унинг етти туғиб бир қолган жигари эдимидики, жони ачиса ё хайрихоҳлик қилса...

Алишернинг гапларига ишонмай десам - шаҳар марказида уй, машина, муҳташам офис... Гап-сўзиям «янги ўзбек»ларникидан унча фарқ қилмайди.

Яна бир нарсага эътибор бердим. Меҳмонхонада ўтирган маҳалимиз, деворга қоқилган эрон гиламининг чап тарафидаги қуйроқ қисми сал бўртиб тургандек эди. Демак, фаҳмимча, ким билади, балки адашаётгандирман, пўлат сейф девор билан битта қилиб уриб юборилган. Ҳозирги бойлар орасида бу нарсани жуда русм бўлган дейишади. Ўз гумонимни тасдиқлашиб олиш учунми, Алишер тинмай валақлаётган палла сездирмасдан лукма ташлаб ўтишининг эвини қилдим:

- Валюта барибир валюта-да. Яқинда бир бизнесменнинг уйида меҳмонда бўлгандик. Ўша киши бутун долларини девор ичига ўрнатилган сейфга жойлаб қўйибди. Боплапти лекин, азамат!

- Долларидан ҳам бор, юанидан ҳам, тангасидан ҳам, жўра! - Алишер мен болалар чўпчагини айтгандай менсимасдан лаб бурди. - Бизам анойилардан эмасмиз, сақлаб, пломбалаб, тузлаб қўйганмиз бошлаб.

Гапнинг давомини ҳазилга бурдим.

- Айтдим-а, нега уйдан долларнинг иси келаяпти деб.

Хоналарни айланиб, қўнғироқ қилаётган одамнинг рақамини аниқлаб, митти экранчасига ёзиб турувчи телефон апаратини, факсни, компьютерни бироз томоша қилдим, Алишерга: «Сизга фақат кўчадаги автомат телефондан қўнғироқ қилиш керак экан-да», деб ҳазиллашган бўлдим.

Бир пайт Алишер менга қараб кўз қисиб қўйди-да, шкафни очиб, кийимлар орасидан иккита пластмасса идишдаги юз граммлик ароқ олди.

- Отамизми?

Тўғриси, бу фикр ҳам менга унчалик маъқул бўлмади. Ўз уйида худди ўғрига ўхшаб бир жойлардан ароқ опчиқса. Шунинг учун узримни айтиб қўя қолдим. Алишер кўп зўрлади, мен кўнавермагач, ноилож иккаласиниям очди-да, кичкина қадаҳчага икки-уч марта қуйиб, ўзи сўз айтиб, менга сўз айттириб, ишқилиб ичиб тугатди. Шундан кейин кўзлари янада қонга тўлиб, сузила бошлаган мезбон:

- Юринг, - деб таклиф қилиб қолди, - бир зўр ресторанга борамиз. Музика, свет, қалта юбка кийган дўндиқчалар... Лекин роса маза қиламиз-да! Кетдикми?

Кўнмай туриб олдим. Алишер қуйиб-пишиб тушунтиришга тушиб кетди: дам оламиз, яйраймиз, маза қиламиз... Мен эътироз билдирган сайин у тобора кўпроқ жўшиб, мен бормаётганим учун жуда афсус чеккан ҳолда ўша ресторанны мақташга зўр берарди.

Йўқ, барибир рози бўлмадим. Ахири мезбон шаштидан тушди, лекин нақ бир соатга яқин афсус чекиб, «бормадик-да», деб бош чайқаб ўтирди. Ваҳоланки, яна ким билади дейсиз, мабодо мен ройиш билдирсам, бирон жўяли сабаб билан барибир хонадондан чиқиб кетмайдигандек туюлди менга...

Анча кайфи ошиб қолган Алишер энди алжишга тушди. Маст одам нимани ҳам гапирарди. Пул мен учун писта пўчоғи, дейди; мен учун одамгарчилик қадрли дейди; шу-унча жойдан атай излаб қолганим учун - ё раббий, ёлғонни ўзинг кечир! - менга миннатдорчилик билдиради, ора-сира ўпмокчи ҳам бўлиб қўяди; яқин орада Хиндистонга бормокчи бўлаётганини маълум қилади... хуллас, шунақанги ғози йўқроқ гаплар-да.

Намозшом бостириб келмоқда эди. Юмшоқ оромкурсига жойлашиб олганча оғир хаёлларга чўмдим.

Наҳот, наҳот омад деганлари бор нарса бўлса? Наҳот кимдир бир умр тийинлаб пул йиғиб, гоҳ топган арзимас сармоясини йўқотиб, қумурсқадай тиним билмай елиб-юурса-да, барибир, бири икки



бўлмай ўтадию, бошқа биров эса осмондан тушган жарақ-жарақ пулларни санаш, сассик кекириб ётиш билан ўтказди умрини... Нахот шунча ўлиб-тирилганим, тунларни ҳисоб-китоб қилиб ўтказганим, бегона шаҳарларнинг лаънати намозшомларида юраксикма бўлиб, хор-абгор ҳолатда, кийган кийимимдан, еган таомимдан уялиб, ошқозон хасталигини орттириб олганларим эвазига қисматим менга андаккина иноят кўрсатиб, ҳеч бўлмаса алоҳида бир хоналик уй баҳшида этмасаю, довдир феъл-атворини ўрганиб олганим, талабалик пайтимданок унча ҳурмат ҳам қилмай қўйганим манави новча ҳўкиз моддий фаровонликнинг, кўнгил хотиржамлигининг мен ҳеч қачон етолмайдиган, ушалмас орзу бўлиб қоладиган чўққисига аллақачон чиқиб улгурган бўлса? Нега, нима учун ахир? Қайси хизматлари эвазига? Нима, у шаҳарма-шаҳар юриптими сарсон-саргардон бўлиб? Нима, у оқшомлари юз мароталаб ҳадсиз-адоксиз йўлларда, сўконгич ҳайдовчилар даврасида қолиб кетибдими? Нима, у оташ саратонда жикқа терга ботиб, қаҳратон совукда эса терак баргидай дир-дир қалтираб юк ортибдими, кўчаларда худ-бехуд кезиб, арзон меҳмонхона қидирибдими? Нима, у сўм-ку сўм, ҳафталаб тийинларини санаб, аччик буханка нонни совук сувга ботириб еб, шу билан қорнини алдаб юрибдими? Нима, у юк ортувчи ноинсоф ҳайдовчилар, автобус шофёрлари билан беш сўм устида жикқа мушт бўлибдими? Нима, у беш сўм учун одам ғурурини ерга уриб, топтаб ташлайдиган талашишларда, онасини кўшиб бўралатиб сўккан ҳайдовчилар билан ёқалашиб кетганимда атрофимни ўраб турган томошабинлар, айниқса хотин-халаж, болалар олдида баайни қип-яланғоч қолган одамдай номусларда юз бора ўлиб, юз бора тирилишимни, ўша мудҳиш дақиқаларда шартта пичок чиқариб, кўксимга санчгудай аҳволга тушишимни етти ухлаб тушида кўрганмикин? У умрида бирон марта рўкет деган балога дуч келганмикин? Қозоғистон чўлларида, қора қонига беланиб тонга қадар якка-ёлғиз ўзи қолиб кетганмикин? Ота-онасининг, ака-укаларининг олдида бораётганда минг сўмгина қарз сўраб таниш билишлари хузурига зир югурганмикин, мана шу арзимаган, бундайроқ бир тушликка кетиб қоладиган пулни тополмасдан изтироб ўтида қоврилганча, уйга сувда қолган мушукдай сўлжайиб кириб борганмикин? У бегона шаҳарнинг намозшомларида торгина хонага қамалиб олиб, кўксини ёриб чиқиб кетгудай бўлиб гупиллаётган юрак уришини санаб, дарди дунёни қоронғи бўлиб ётганмикин?.. Агар буларнинг биронтасини, лоақал биронтасини бошидан ўтказмаган бўлса, қай тақдири илохий унинг бошига Хумо қушини кўндирди, қай сўқир қисмат унинг йўлларига омад юлдузларини сочиб ташлади ахир? Нега? Нима учун? Бандасининг барча изтироблари, қайғу-аламлари, ўй-интилишларининг мукофоти не? Нахот биздек омад юз ўтирган, манглайи қора бандалар учун

бу жараён абадул-абад давом этаверса? Ундай бўлса, адолатнинг қани, тақдир? Саховатинг қани, қисмат? Ажринг қани, фалак? Шаккокликдан Тангрининг ўзи асрасин, аммо мен, бир хом сут эмган, эҳтимолки акл-хуши ноқис банданг, мана, неча-неча йилларки, бирон кун осмонга қараб «олма пиш» деб ётмадим-ку, бирон кун бўлсин «Худо ўзи бериб қолар» деган хомхўшларга бормадим-ку, бирон кун бўлсин ўзимни юмушдан олиб қочмадим-ку, билъакс, назаримда, мен имконимда қадар тирмашдим, интилдим, тинмай ҳаракатда бўлдим, югуролмасам юрдим, юролмасам судралиб бўлса ҳам олдинга силжидим, силжийолмасам бармоқларим билан ер қазидим, тирноқларимни синдириб, қора қонимга бўялиб эса-да олдинга силжимоқ тадоригида бўлдим. Банданг кутмади, банданг ҳаракат қилди. Шуми мукофоти, Эгам... Ана, яна бир намозшом босиб келаётир қоп-қора чодирини кўтариб. Мен эса улкан шаҳарнинг қоқ киндигида, яқин-яқингача ўзим мутлақо ёддан чиқарган, ва аслини олганда, ўзим унчалик ҳурмат ҳам қилмаган бир «тадбиркор»нинг уйида, унга яланғоч-ялтоқи хушомадлар дурри гавҳарларини сочган кўйи тўрт-беш жуфт керза этик таъмасида суҳандонлик қилиб ўтирибман. Менинг ғурурим йўқми, менинг нафсониятим йўқми, йўқми менинг иззат-нафсим... Шуми адолатинг, қисматим? Ахир... Нега у, нега, нега мен эмас... Игло омадсизлигимнинг ўзи эмасми мени ҳасад деган балога гирифтор этган?! Самарасиз интилишларим ҳосиласи эмасми менинг кўнглимга кўролмаслик касали уруғларини эккан, уларни ниш урдиртирган ва алал-оқибат ҳосил етишувига қадар беминнат хизмат этган. Мен шундай эдимми?.. Мен, бир пайтлар уч-тўрт қатор шиғир ёзиб, дунёни фақат гўзалликдан, ҳайратлар силсиласидан иборат деб юрган ғўр бир банда-я... Қачон эди кўнглим ҳасад аталмиш қафасга банди этилгани? Бу қафас-да тобора торайиб бормоқда, озурда кўнгилнинг нолалари, ўкириклари-да тобора қаттиқроқ, тобора аламлироқ эшитилмоқда...

Бундан уч йилча муқаддам, ўзимга нисбатан олганимда деярли ҳали она сути оғзидан кетмаган сабий ўсмир, ўн етти ёш остонасидаги бир йигитча - водийнинг Н. шаҳарчасида бўлганимда - ўзи бошқараётган улкан фабриканинг улкан қабулхонасида менга инглиз тилини аралаштириб беписандларча маъруза ўқиган, сўнг баайни маза қилаётгандай «Сиз ўзи «фьючес шартномаси» билан «фивти-фивти» нима эканини биласизми?» деб сўраганида ва мен ожизона тарзда буларни билмаслигимни тан олганимда, «Унда сиз билан гаплашиб ўтиришнинг ўзи ортиқча-ку, акам» деган маҳал ғазабдан титраб-қақшаб хонамга қайтган ва гумириб кетган юрагимни босолмасдан ўзимни ўзим ғажиб, дунёнинг жами мавжудлигини бўралатиб сўкканча ўз қонимга ўзим ташна бўлиб ўтирганим намозшом маҳал, баайни ҳасад аталмиш тубсиз жарга қулаб кетаётганимни ҳис қилгандай

бўлдим, икки-уч кун ўтса-да, бу танг ҳолатимдан чиқавермагач, ўзимни ўзим қийнаб, жонимни буровга солай, бироқ ҳасад деган балога мубтало бўлиб қолмай деган қасд ила, кўпдан буён қаламимни ташлаб юборган эсам-да, бир неча банд шигирмонанд битиклар битган ва ҳаттоки ўзимни ўзим юпатмоққа арзирли дору бўлар деган илинжда ўшал ғариб битикларни ёдлаб-да олган эдим:

*Кўзимга қўйилди огули самум,
Миямни чатнатди даҳшатли бир сад:
Мен тишлаб ташладим ўзимни ўзим:
«Нега у? Нега у? Нега мен эмас?..»*

*«Нега у?»
Гумбурлаб қулади тоғлар,
Тан чурик латтадай илвираб қолди.
«Нега у?»
Заъфарон, шумшайган боғлар
Кўзларимга қат-қат намақоб солди.*

*Кўкда куйик сопол - куйди офитоб,
Осмон териб олди юлдузларини.
Табиат - мен каби аламли, бетоб -
Чоғиштирди туну кундузларини.*

*Борлиқ намозшом тус олган, бадқовоқ,
Дил зарра қониқиши ҳис қилай демас.
Оериқ тишга эгов ургандай сўроқ:
«Нега у? Нега у? Нега мен эмас?..»*

*Неча кунлар бўлди, митти жисмимдан
Қайнаб чиқаяпти зардоб ва фасод.
Ёраб, сен шунчалар қудратлимисан,
Шунча ожизмисан, эй қора ҳасад?..*

Ва афсуски, умидлар саробларга эврилди, ҳар қанча ўзимни мажбурламай, ушбу ғариб битикларни бот-бот такрорлаб, ўзимни ҳар қанча азобларга солишга, тавба-тазаррулар этишга уринмай - бари бесамар кетаверди...

Чекиш баҳонасида айвонга чиқдим. Ҳа, сокингина мавзе эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Йўл бўйи кўкка ўрлаган дарахтлар, бинолар пештоқдаги ёниб ўчаётган ранг-баранг рекламалар, энг асосийси эса - ҳов талабалик пайтларимиздаги сингари уй яқинидан рельсларни гичирлатиб, учкунлар сачратиб, ерни титратиб трамвай ўтмас экан. Шунгами, борлик жуда-жуда сокин туюлди. Ва туйқус ҳайратларда қолган кўйи туйдимки, шаҳар бегона, фурсат намозшом, юрак эса сиқила бошлаганига қарамасдан, кўнпилнинг туб-тубида, қоронғи бир бурчида ожизгина шам янглиғ бир учкун пирпираб қолгандек: баайни мен йиллар мобайнида айни мана шундай шинам, сокингина уйда истиқомат қилишни орзу этгандекман, мана шундай компьютер, факс, телефон ва ҳатто кафеллар ёпиштирилган кенг-мўлгина ваннани истагандекман... Билмадим, қайдан пайдо бўлди бу ҳис, ва-лекин айвонга қўрқа-писа чиқа туриб, ногаҳон ғалати туйғулар талошида қолганим ўзимга қандайдир

рўй беражак янгиликнинг илк муждасидек, эврилишлар ибтидосидек туюлиб кетди-ю, беихтиёр: «Бунинг бари бежиз эмас... Дам шу дамдир... Етар сарсон-саргардон кезишларинг... Ушбу манзилдан кўним топ... Нима, шунчалик эсипаст, қаллавараммисан? Агар шундай бўлмасанг, кўзингни каттароқ оч, вазиятни баҳола, ҳаракат қил, кураш» қабилида ўз-ўзимга панд ўқиб кетдим. Дарвоқе, қарнайчидан бир пуф, озгина уришиб кўрсам не бўлади? Ишим юришса шундай бир хотиржамгина манзилдан бир хоналимикки хоналими уй олиб, тинчгина яшасам, уйлансам, тўй қилсам, ота-онам, ёр-биродарларим олдида юзим ёруғ бўлса... Ахир, ахир бунинг нимаси ёмон? Ишдан қочмасам, жуда унақанги ҳафтафаҳмлардан бўлмасам... Майли, Алишер билан, мабодо худо «ол, қулим» деб юборса Нажмиддин ака билан озгина бирга ишласам, озгина сармоя тўпласам... Нима қипти? Бунинг учун нима қилиш керак бўлса - қиламан, нима қилмаслик керак бўлса - қилмайман. Ҳар қалай, суяк илинжида Алишерни мақтаб юриш кўпга чўзилмас. Ё Нажмиддин акага мана шундай бир масҳарабоз керакмикин? Йўғ-э. Албатта, ҳисоб рақамимда тўққиз минг сўм билан уларга ҳамкорлик қилишни таклиф этишнинг ўзи қулғули. Бироқ, муслмончилик аста-аста, озгина мол қарз қилиб туришса, суришиб кетамиз, ҳар қалай, бегона эмасмиз-ку... Биздан ҳам қайтар...

Ваҳимага тушганимга хилоф равишда, хонага андақкина кўтаринкироқ кайфиятда кириб келдим. Қарасам, мезбон оғзидан сўлаги оққанча минг қўйли бойдай гердайиб ётибди диванда. Аста олдига бориб, темирни кизигида босай дедим-да:

- Алишербек, эшитишимча сизларда керза этик бормиш. Шу ростми? - деб сўрадим.

Алишер аввалига саволимга тушунмагандай кўзларини олайтириб, базўр менга қаради. Бир муддатдан сўнг гапим миясига етиб борди шекилли:
- Қанча керак? - деб гўлдиради. - Мингта етадими?
- Етади, - дедим бажонидил.

Алишер бир уюр кўйидан бир тола юнг бераётгандай қўл силтади:

- Олинг. Мингта сизники.

Миннатдорчилик билдириб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.

Бир пасдан сўнг Алишер хуриллаб ухлаб қолди.

У хонадан бу хонага ўтдим, жиҳозларни томоша қилдим, телефонни, компьютерни озроқ эрмак қилган бўлдим, ярқираб турган ваннага, алоҳида бадрафхонага кириб чиқдим, озиқ-овқатларга лиммо-лим холодильникни бир-икки очиб кўрдим, ишқилиб, ўзимни юраксиқма балосидан қутултириш учун қўлимдан келган барча ишни қилдим. Қаёқда дейсиз. Қоп-қора бир нима боштириб келиб, юракни аёвсиз панжалари орасига олиб аста-секин, усталик ва уқув билан шошмасдан сиқаверади, сиқаверади, беихтиёр «дод!» деб юборасан... Мана шундай лаҳзаларда ўта

бемаъни тарзда, бесамара чоп-чопларда ўтаётган умринг ҳам, узоқдаги сароб янглиғ неча йиллардан буён кўзни жимирлаштириб келаётган бойлик васвасаси ҳам - бари-бариси икки пулга қиммат арзимас манфаатлар бўлиб туюлиб кетади, буларнинг ҳаммасини ташлаб, иккала қўлимни кўксимга қўйганча, ўқиганларим боис тасаввур этганимдек, улкан, қоп-қора қувур ортидан чиқиб келадиган илоҳий ёруғлик томон талпиниб қоламан. Магар у дунё, боқий дунё, абадий роҳат-фароғат чин эрса, бу тўрт кунлик дорилфанонинг азоб-уқубатлари, алам-изтироблари нечун? Бир лаҳза ёниб ўчган шам абадиёт шамси олдида не деган гап ахир? Худо ҳақки, бундай лаҳзаларда йўқлик салтанати деб-да аталмиш маъвога «саёҳат» қилмоқ қутқуси кўнгилни ўзига банд этади-қўяди... Аммо ўшал хиёнаткор кўнгилнинг мингдан бир, эҳтимолки милёндан бир заррасида тириклик аталмиш сир-синоатга-да интилом, ундан мўъжиза кутмоқ илинжлари-да ғимирлаб қолади..

Юрак гумириб кетаверади. Хоналар, йўлаклар, умуман, уйнинг барча фойдаланиш умумий майдонлари қадамлаб ўлчанади, қайта-қайта ўлчанади, жиҳозлар, уларнинг жойлашиш ўрнига қадар ёд бўлиб кетади, бироқ вақт ўтмайди, дилнинг намозшом зулмати тобора қуйқаланиб, зичланиб бораверади...

Ниҳоят алам-газаб кўпириб-тошиб, қон миямга урган, ўзим ҳар нарсага тайёр маҳалим эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилди. Мен... меҳмонман. Мен... илтимос билан келган харидорман... Ўзимни мажбурлаб илжайган қўйи йўлакка чиқдим. Қарасам, икки қўлида иккита қоғоз халта кўтарган Нажмиддин ака кулимсираб турибди. Лоп этиб талабалик пайтларим ёдимга тушди. Баайни ҳеч нарса ўзгармагандай. Вақт қотиб қолгандай: Нажмиддин ака ҳамон зиёли, ўқимишли, пул топишния биладиган аспирант, камина эса тажрибасиз-гўр, кучи фақат оғзи очилиб қараб ўтиришга етадиган иккинчи курс студенти, холос. Наҳот, бир умр талабалик остонасидан нарёғига ҳатлаётган олмасам...

Нажмиддин ака билан ўтириб, қайтадан фотиҳа қилдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг у киши олиб келган нон, мева-чеваларининг бир қисмини столга, ликопчаларга қўйди, бир қисмини холодильникка жойлади.

Алишер ҳамон хуррак отиб ухлаб ётарди. Нажмиддин ака столга диққат билан қаради. Ароқнинг пластмасса идишларини аллақачон ахлат саватчасига ташлаб келган эдим. Шунинг учун, устига устак, Нажмиддин аканинг талабалик пайтларимиз қўлларини бир-бирига ишқалаганча: «Ишлар қалай, ёш авлод» дея хушбичим спорт кийимида кириб келишини эсладим, олдиндан жавоб бериб қўя қолдим:

- Ёш авлод «кола»ни танлади.

Нажмиддин ака кулимсираб энди оғиз жуфтлаган маҳал тўсатдан факс шифиллаб ишлаб кетди. Қараб турсам, ундан бир қоғоз аста-секин чиқиб келаяпти.

Нажмиддин ака барибир зиёли-да, ҳозир ҳам қўлини кўксига қўйиб узр маъносида кулимсиради-да, тўғри бориб факс тепасида туриб олганча диққат билан ундан чиқаётган матнни ўқий бошлади. Аппарат ўчгач эса қоғозни шарт йиртиб олиб шошилмасдан чиройли қилиб буклаб, чўнтагига солиб олгач, Нажмиддин ака яна қўлини кўксига қўйди:

- Кечирасиз энди, Муродилла ака, хизматчилик. Бир жойга шундоқ ўтиб келай, кейин бафуржа гурунглашамиз.

- Бемалол, бемалол, - дедим.

- Сиз унда бемалол-а, - Нажмиддин ака столга ишора қилди. - Ўзимга ҳам ноқулай-у, лекин бормасам бўлмайди-да, меҳмон.

Яна бир марта:

- Бемалол, бемалол, - дедим.

Нажмиддин ака шошилмасдан бориб пойабзалини кийди-да, яна бир бор узр сўрагачгина, чиқиб кетди.

Одам тафтини одам олади. Эҳтимол, Нажмиддин ака бўлганда анча енгил тортармидим у ёқ-бу ёқдан гаплашиб. Эҳтимол, билдирмасдан гапни тижоратга буриб юборармидим. Ҳар қалай, жуда унчалик бегона эмасмиз-ку, ишбилармонлик, омад деган нарсалар «ноу-хау» даражасига етмагандир. Аммо катта мезбон ҳам кетворди. Худо билади, қачон қайтади... Ишқилиб, бу кеча ҳам расво бўлди. Нима ҳам дердим. Ҳаммининг ўз ташвиши, ўз дарди бор. Бировнинг биров учун боши оғрийдиган замон эмас. Қалла ўзингникими, ўзинг бош қотир, ўзинг ҳал қил. Бир тузсиз телерекламада айтилгандай, чанқоғинга ишон...

Алишер хуриллаб ухлайверди. Мен ўзимни бор-йўғи ғаш келган одамдай тутишга уринганча у хонадан бу хонага бўзчининг мокисидай қатнаб турдим. Поезд тарақа-туруқлари, автобуслар гала-ғовуридаям ухлашга кўникиб қолган одам учун битта хуррак нима деган гап? Мен ўзимни хоритишга, жисман чарчатиб ташлашга уринардим, холос; токи ўринга гуп этиб қулайину, тошдай қотиб ухлай. Бироқ бу нуқтага етишнинг ўзи бўлмайди-да. Алишернинг уйи улкан стадион эмаски чопавериб-чопавериб тилинг итникидай осилиб қолса. Бор-йўғи ўн саккиз қадамли масофа бўлса. Аста-секин босиб келаётган намозшом эса ўз қурбонини азоблаб лаззат топаётгандай сира шошмайди, ховликмайди, силжиб келаверади, келаверади...

Сафар халтамдан бир йўла иккита уйку дориси олиб ичдим...

Тунги соат иккиларга яқин тепада темир эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилди: афтидан, Нажмиддин ака юмушдан қайтди. Шу билан яна ҳаммаёқ сув қуйгандай жимиб қолди. Ниҳоят, менга ҳам дори ўз таъсирини кўрсата бошлади: ковоқларим оғирлашиб, кўзларим юмилиб кетаверди...

Кўзимни очсам айвон деразасидан тушган нур аллақачон тонг отганидан далолат бериб турарди. Бошим ғувилларди. Қарасам, диванда сочлари тўзғиб,

юзи кўпчиб кетган, майкачан ҳолда кўзларини йириб менга маънисиз тикилиб Алишер ўтирибди. Йиғиштирилган столда сочикка ўралган бир пиёла чой, тўртта иссиқ под, қаймоқ, сарёғ... Алишер ўрнидан ихраб туриб, стол қошига келди-да, менинг савдомуз қараганимга жавобан гўранди:

- Братан... - Сўнг шу ердаям иложини топиб салгина мақтаниб кўйгиси келдими, сал тетикроқ овозда давом этди: - Келинойим келишга уялади. Энди, ўзингиз биласиз, бўз йигит, уйланмаган бўз йигит, биттасини опкелиб олиб, кип-яланғоч ётган бўлса... Бир марта...

Қарасам, Алишер оғзининг суви қочиб бир нарса тўқийдиган сиёқда. Яна ким билади, балки ростдир. Лекин Алишер баъзан рост гапниям шундай ҳаяжонланиб, тутилиб, «кейин... ундан кейин...» деган сўзларни кўп ишлатиб, тўхтаб, гапидан адашиб, бошидан ҳикоя қилишга тушиб қолардики, назаримда, айнан у рост гапни гапирётганида кўнглимда «алдаяпти-ёв» деган шубҳа кўпроқ пайдо бўларди. Илло, ўтрикни хаёлида бир-икки такрорлаб ёки унда-бунда қайта-қайта сўзлаб беравериб, сал сайқал беришнинг эвини қилар, аммо рост гапни айтаётганда дабдурустдан бостириб келган «Мен шундай қилдим-а!» деган ғурур аралаш туйғу йигит бечорани адоий тамом қилиб, тилига тугун боғларди-кўярди. Ҳозир ҳам бошидан ўтган бирон бир ҳақиқий воқеани сўйлаб бермоқ қасдига тушганини унинг бурун катаклари керила бошлаганидан, кўзлари катта-катта очилиб, ҳатто чақнаб кетганидан илғадим-у, ушбу ёқимсиз машғулотдан бир йўла халос бўлиб кўя қолмоқ ниятида бадрафхонага шошдим, зарур жумлани тополмай қийналаётган Алишер оғзини очганча қолаверди.

Тўғриси, анчагина гашим келди. Ҳали институтда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ Алишер «сўйлоқ тиш» лақабини орттириб олганди - унинг олдинги бир тиши туртиб чиқиб, бошқаларига нисбатан сал катталашиб қолган, шунинг учун Алишер ҳатто оғзини юмганида ҳам лабининг ўнг томони сал бўртиб турар, оғзини очганида эса сўйлоқ тиши дарров кўзга ташланарди-қоларди. У пайтлар-ку, майли, талаба эди, мана энди, жамиятда шундай маквега, бойликка эришиб ҳам биттагина сўйлоқ тишни даволашга, айтишлик, олдириб ташлашга ёинки арралатиб, устидан тилла қоплама кўйдиришга ҳафсала қилмагандан сўнг... э, одамнинг ҳар

нарса бўлгани маъқул. Шубҳасиз, Нажмиддинга ўхшаган олифта-пўримларда шундай майда-чуйда жисмоний қусур бўлганидами, Америкага бориб бўлса ҳам даволатиб келарди. Ука барибир ука экан-да. Ҳеч бўлмаса айтмайдими ака деган стилияга: «Тишинг вампирларникига ўхшаб қопти-ку, ука, бор, ҳар қадамда пуллик стоматология, биронтасида даволатиб кел», деб.

Чой ичаётган маҳалимиз шу мавзуда гап очдим.

- Бир танишим сизни «оғзи тўла тилла тиш», деб таърифлаганди.

Пиёладаги чойга норози тикилиб ўтирган, ўғринча холодильникка қараб-қараб кўяётган мезбон одатига кўра бепарво кўл силтади:

- Э, вақт йўқ, вақт. Кейин тиш дўхтирига боришдан кўрқаман. Ҳалиги бор машинасидан. Бўлмаса братан икки-уч марта айтди. Бир марта етмиш минг сўм счёт ҳам олиб келди бир американий фирмадан. Мен ўзим бормадим. Бўлмаса, хоҳласам-ку, тишимнинг барини тилладан ё платинадан қилдириб ташлайман.

- Чандиқ эркакнинг хусни, - дедим шунчаки нимадир гапириб кўйиш учун. Сўнг, мутлақо беўхшов бўлса-да, бир чимдимгина мактовдан ҳам кўшиб кўйдим: - Африкада бақувват тиш эркакнинг энг катта фазилати саналаркан. Америкада ҳам.

Алишер дарров лаққа тушди-кўйди.

- Тўғри, - деди у чиройи очилиб, - бу тиш билан ҳар қандай суякни ғажиб ташлайман. - Сўнг ҳалидан буён томоғи тақиллаб турган мезбон асл мақсадга кўчди: - Энди, жўражон, юзта-юзта отиб олсак. Бош ёрилиб кетай деяпти.

Қарасам, Алишер ишга етиб борадиган аҳволда эмас. Шунинг учун дарҳол рози бўлдим:

- Бўпти. Отсак отибмиз-да. Қирқ йилда бир от ўйин... - Сўнг, оқшомги қуюқ ваъда ёддан чикмадимикин деган хавотирда яна бир бор қармоқ ташлаб кўрдим: - Сиз кеча этик ҳақида гапиргандингиз...

Алишер мени гапиртиргани кўймади.

- Эсимда. Қанча ваъда берувдим, юзтами?

- Мингта, - дедим юрак ютиб.

Алишер яна ўша алфозда, бир уюр кўйи бўлатуриб, бир тола юнг бераётган Қорундай беҳафсала кўл силтади:

- Олинг икки мингтасини. Шу бошоғрикдан тезроқ қутулганим яхши.

- Оламан, - дедим кўнглим сал ёришиб.

(Давоми келгуси сонда)

Муковамизнинг 4-бетида

Хоразмнинг «Лазги» ашула ва ракс ансамбли хақида сўз кетганида унда фаолият кўрсатган ардоқли ва машхур санъаткорлар кўз олдимизда бир-бир утали: Комилжон Отаниёзов, Шариф Султонов, Гулсара Ёкубова, Олмахон Хайтова, Отажон Худойшукуров, Ортик Отажонов...

Эндилликда бу эстафетани қўлдан олиб, Рахматжон Курбонов раҳбарлигида катор истеъдодли хонанда ва созандалар, раккосалар халкимизга хизмат қилмоқдалар. Хозирда «Ўзбекракс» бирлашмаси қошидаги бу даста республикамизнинг халқаро ахамиятига молик байрам ва тадбирларида, меҳнаткашлар хузурида, ижодий сафарларда ўзининг дидрабо куй ва қўшиқлари, ракслари билан иштирок этмоқда. Қадим воҳа санъатининг ўзига хос тароватини намойиш қилиб, маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги уринишларига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшмоқда.

Ана шу жамоада бир йилдан бери хизмат қилиб келаётган ёш ва иқтидорли хонандалар - ака-ука Фафур ва Фулом Эшчоновларнинг ҳам муносиб ўринлари бор. Ижро услубидаги ўзига хослик, овозлардаги уйғунлик ва кенглик, ҳаётбахш лард изхори - тингловчилар диққатини ўзига тортали. Соф миллий, мумтоз қўшиқчилигимиз йўлидан бориб, замонавий мавзуларда куйлаш - уларга устозлари Отажон Худойшукуровдан юккан. Қолаверса, Отахий номли Хоразм вилоят мусикий-драма ва комедия театри жамоасида муттасил ун йил хизмат қилиш ҳам Эшчоновлар ҳаёти ва ижодила алоҳида қимматга эга.

Отажон Худойшукуров назарига тушиш - ака-ука Эшчоновларнинг қўшиқчилик соҳасидаги муқим йўлини белгилаб берди.

У устозлик қилиб, мумтоз мусика санъати сираарини ургатиш билан бирга, ўзининг Сафо Очил ҳамда Куронбой Матризоев шеърлари билан айтиладиган «Илтимолим», «Санаможон», «Найлайин» каби ашулаларини совға ҳам қилди. Шу орала волий қўшиқларидан, Хазиний ғазали билан «Фарғона тонг отгунча», шунингдек, «Келиб кетсунлар» яратилди. Амирий ва Махтумқули каламига мансуб «Махсус», «Менгзар», «Олам ўғли» ашулалари эл-юрт эътиборини ўзига тортли. Яна бир устоз - Ўзбекистон халқ хофизли Рузимат Жуманиёзов ургатган, Налимий ғазали билан Дутоҳ мақомининг суворийсини, Завкийнинг «Гиря»сини алоҳида жозиба билан ижро этдилар. Шунингдек, халкимиз орасидаги машхур таноралардан «Феруз - I, II, III (Отахий ғазали, билан),

«Хоразм сегохи» (Навий ғазали билан) сингари мумтоз, «Нозлининг», «Айрилик» сингари халқ дostonларидан олинган баётлари, ўзлари куй басталаб,

куйлашга журъат этишган «Баланд бўлғай», «Шу қора кўз бизники», «Қимларда йўқ», «Дуст» каби турли замонавий шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлари мухлислар юрагини забт айлаган.

*Тушти савдои муҳаббат бошимда,
Ор этар Мажнун келурға қошимда.*

Машраб ғазали билан куйланалитган қўшиқ ҳам бутунги кунда тангловчини сел қилди, қалбини ҳаяжон ва хайратга чулғайди.

Бир сўз билан айтганда, ака-ука Фафур ҳамда Фулом Эшчоновлар миллий ва қўхна мусикий санъатимиз йўлларидан лалил юриб боришмоқда. Шоялки, келажакда оталари Муҳаммад ака Эшчонов орзу қилганларидек, устозлари Отажон Худойшукуров ният этганидек расо хофизлар бўлиб санъатимиз хазинасига битмас-туганмас бойликлар ато этсалар.

Шукур ҚУРБОН

«ТУШДИ САВДОИ МУҲАББАТ...»

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!****Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Қобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Масъул котиб:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Собир ЎНАР
Ғаффор ҲОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 2 (166) 1999 й.

Муқоламизда:

- 1 - б е т . Ёшлик, сени куйламаган ким...
- 2 - 3 - б е т л а р . Самарқанд вилоятида бунёд
этилган буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий
ёдгорлик мажмуидан лавҳалар
- 4 - б е т . Ёш хонандалар Ғафур ва Ғулом
Эшчоновлар.

(А. Жумаев фотолари)

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ. Миллий мафкура ва
миллий ўз-ўзини англаш 1

ДЕМОКРАТИЯ ИЛМИДАН САБОКЛАР

Улуғбек ИДИРОВ. Масъулият ва фидоийлик 3

НАСР

Исмоил ШОМУРОДОВ. Машмаша. Қисса 8

Нигина НИЁЗ. Сўнмас чўғ. Ҳикоя 34

МУҲАНДИС. Бегона шаҳарнинг
намозшомлари. Қисса 45

НАЗМ

Нодир ЖОНУЗОҚ. Чилла 5

Абдул ҲАМИД. Руҳим сассиз 32

Ҳосият БОБОМУРОВОВА. Дилдошим
бўлсайди... 38

Туроб НИЁЗ. Ўзимни йўқотдим 43

НАВОЙИ ХОНЛИК

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА. "Боғ аро,
деманг, хазонким..." 40

Дилором САЛОҲИЙ. Қайси султон Навоийга
вафо қилмади 42

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

Дилфуза ЖУМАНИЁЗОВА. Ихлос ва халос 44

ИСТЕЪДОД

Шукур КУРБОН. "Тушди савдои муҳаббат..." 63

Манзилimiz: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру,
1-уй Телефон: 133-40-83.

Босишга 11.03.1999 йилда рухсат берилди. Қоғоз
формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт
хисоб тобоғи 12,0 Буюртма № 3975

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди
деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарк" нашриёт-матбаа
концернининг босмаховаси, Тошкент, Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.